

2  
с 46


Одинахон  
Муҳаммад Содик



# МУФАССАЛ ТАЖВИД



Одинахон  
Муҳаммад Содик



# МУФАССАЛ ТАЖВИД

«HILOL-NASHR»  
ТОШКЕНТ  
2018

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDA  
TOSHKENT AXBOROT  
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI  
200874



## وَرَقِلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلاً

**«Ва Қуръонни тартил билан тиловат қил»**  
(Муззаммил сураси, 4-оят).

عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ أَنْ يُقْرَأَ الْقُرْآنُ غَضًّا كَمَا أَنْزَلَ». رَوَاهُ ابْنُ خُزَيْمَةَ.

*Зайд ибн Собит розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Албатта, Аллоҳ Қуръоннинг янги нозил бўлганидек ўқилишини хуш кўради», деганлар».**

*Ибн Хузайма ривоят қилган.*

قَالَ ابْنُ الْجَزَرِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ:

وَالأخذُ بِالتَّجْوِيدِ حَتْمٌ لَازِمٌ ... مَنْ لَمْ يُجَوِّدِ الْقُرْآنَ آثَمٌ

**Ибн Жазарий раҳимахуллоҳ шундай деган:**  
*Тажвидни ушлаш вожиб ва даркор,*  
*Қуръонни тажвидсиз ўқиган гуноҳкор.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2018 йилнинг 3768-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.

Ю-91 **Одинахон Муҳаммад Содик**  
Муфассал тажвид – Т.: «Hilol-Nashr», – 218 б.

УЎК 297.1  
КБК 86.38

ISBN 978-9943-5474-0-7

© Одинахон Муҳаммад Содик  
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2014, 2016, 2018.

# بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Биз бандаларига Қуръони Каримни саодат маёғи қилиб нозил этган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Қуръони Каримни Аллоҳ таолодан қандай қабул қилиб олган бўлсалар, биз умматларига шундай етказган Расули акрамга тугал ва мукаммал салавот ва саломлар бўлсин!

Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинким, биз бандаларига динимизни, шариатимизни, Қуръонимиз ва қадриятларимизни кундан-кунга яхшироқ ва мукаммалроқ ўрганиб боришни насиб этди. Совет тузуми даврида қўлдан бой берилган ва секин-аста унут бўлган турли илмлардан имкон қадар хабардор бўлиб бормоқдамиз. Ана шундай илмлардан бири – муқаддас Китобимиз бўлмиш Қуръони Каримни ўзига хос қоидалар асосида тиловат қилишни ўргатадиган тажвид илмидир. Мустақиллигимизгача бўлган даврда бизнинг диёрларда ушбу илмдан хабардор бўлган кишилар сони жуда ҳам оз эди. Сўнгги пайтларда қироат аҳли учун зарур бўлган мазкур илм кўплаб юртдошларимиз томонидан мукаммал тарзда ўрганиб борилаётгани қувонарли ҳолдир.

Дастлаб бу борада ниҳоятда содда ва қисқа рисоалар битилди. Аста-секин, савия ортган сари рисоалар ҳам кенгайиб, бойитиб борилди. Дастлаб бу борада ниҳоятда содда ва қоидалар қисқа тарзда баён этилган

рисолалар ёзилди. Кишилардаги динимизга бўлган муносабат, унга амал қилишдаги ихлос, илм, савия аста-секин ортиб борар экан, бу борада битилган рисоалар ҳам кенгайиб, бойиб борди. Қуръони Карим қироати гўзал суратда, тажвид қоидаларига амал қилган ҳолда, Аллоҳ таоло хоҳлаганидек адо этилишига алоҳида аҳамият бериладиган бўлди. Муборак Рамазон ойларида масжидларимизда қилинадиган хатми Қуръонлардаги гўзал қироатлар ҳаммининг ҳавасини келтирадиган даражага кўтарилди. Қуръони Карим тиловати бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақаларда иштирок этган қориларимиз ўзларининг гўзал қироатлари билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлдилар ва бу борада бошқалардан қолишмайдиган даражага етдилар.

Диний илмлар мукамал тарзда эгаллаб борилар экан, тажвид илми борасида ҳам ана шундай савияга эга бўлган қўлланмалар битилишига кўпроқ эҳтиёж сезила бошлади. Ушбу илм эгаларидан баъзилари бу савобли ишга ўз хиссаларини қўшишди ва қўшишмоқда. Бу жараён Аллоҳ таолонинг ёрдамида муваффақиятли тарзда давом этиб, тажвид илми ватанимизда қайтадан камолига етмоқда.

Ушбу асарнинг соҳибаси диний ва Қуръони Каримга оид илмлардан хабардор оилада туғилиб ўсди. Ўзимизда ва чет элларда етук олимлардан дарс олишга муваффақ бўлди. Либияда олий ўқув юртида ўқиш давомида катта устозлардан бошқа илмлар қатори, тажвид илмидан ҳам олий савиядаги илмга эга бўлди ва Қуръони Каримни тўлиқ ёд олди. Кейинчалик Мисрда катта қироат устозларидан дарс олиб, имом Осим қироатининг Ҳафс ва Шўъбаривоятлари бўйича ҳамда имом Нофеъ қироатининг Варш ривоятлари бўйича ижоза ва мукофот олиш бахтига муяссар бўлди. Шу билан бирга, муаллиф бир неча йиллар-

дан буён Хадичаи Кубро хотин-қизлар ўрта махсус ўқув юртида қизларимизга дарс бериб келмоқда. У кишининг шогирдлари маҳаллий ва халқаро Қуръони Карим мусобақаларида муваффақият ила иштирок этиб келмоқдалар. Бир неча қизларимиз кўлингиздаги ушбу китоб соҳибасидан дарс олиб, Қуръони Каримни илмий асосда тўлиқ ёд олдилар ва илмий ижоза ҳам олишга муяссар бўлдилар.

Шу билан бирга, муҳтарама Одинахоннинг тажвид илми бўйича бир мукамалроқ китоб ёзиш ниятлари ҳам бор эди. Бу борада камина ходимингиз билан ҳам маслаҳатлар қилди. Ҳамма тайёргарликлар кўриб бўлинганидан кейин китобни ёзишга киришди. Бунда аввал бу борада нашр этилган асарлар ҳисобга олинган ҳолда ўқувчига кўпроқ маълумот етказишга ҳаракат қилинди. Тажвид илмининг билимдонлари билан маслаҳатлашиб, уларнинг қимматли фикрлари ҳам эътиборга олинди. Китобнинг таҳририни тажвид илмининг билимдонлари амалга оширганлари нур устига нур бўлди.

Ниҳоят, яхши ният билан узоқ муддат давом этган машаққатли илмий ҳаракат натижаси ўлароқ ёзиб битирилган асарни нашрга тайёрлашни Аллоҳ таоло насиб этди.

Ихлос билан қилинган бу ишни Аллоҳ таоло ҳусни қабул айласин, уни кўпчилик учун фойдали қилсин! Асар соҳибасига илм поғоналаридан янада юксакларга кўтарилишни насиб этсин!

*Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф  
(роҳимаҳуллоҳ)*

*Тошкент, 2014 йил 20 апрель*

## МУҚАДДИМА

### Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ўзининг азиз Китобида «Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, Биз унга муҳофазачимиз», дея Қуръони Каримни то қиёматгача ҳеч бир ўзгаришсиз ҳифзи-ҳимоясида сақлашни Ўз зиммасига олган Ҳақ субҳанаҳу ва таолога чексиз ҳамду санолар бўлсин.

Ушбу мўъжиза бўлмиш Китобни Роббидан қабул қилиб олиб, умматга омонат ила етказган, Қуръон илмларига асос солган ва «Сизларнинг энг яхшиларингиз Қуръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир», дея мўминларни Қуръон тиловатига ташвиқот қилган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мукаммал ва батамом салавоту саломлар бўлсин!

Қуръон ва унга оид илмларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қабул қилиб олган ва ҳеч бир ўзгаришсиз кейинги авлодларга етказган саҳобаи киромлардан Аллоҳ таоло рози бўлсин!

Қуръони Карим қандай нозил бўлган бўлса, шундай ҳолда сақланиб, бизларгача етиб келишида восита бўлган, унга оид илмларни кишиларга ўргатиш борасида беминнат хизмат қилган барча уламоларга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин!

Уламолар Қуръони Каримни қуйидагича таърифлайдилар:

«Қуръон Аллоҳ таолонинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган ожиз қолдирувчи каломидир».

Аллоҳ таоло Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссалом воситасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васал-

ламга Ўзининг хузурида қандай бўлса, шундай ваҳий қилган. Яъни Жаброил алайҳиссалом Қуръонни Расули акрамга тиловат қилиб берган. Ўз ўрнида Расули акрам ҳам Қуръонни Жаброил алайҳиссаломга ўқиб берганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар йили Рамазон ойида Қуръонни Жаброил алайҳиссаломга бир марта ўқиб эшиттирар эдилар, вафот этган йиллари икки марта ўқиб берганлар.

«Тавотур ила нақл қилинган» деганда Қуръон оятлари нозил бўлиши биланок, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни саҳобаларга ўшандок ўқиб берганлари тушунилади. Улар уни эшитиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қайта ўқиб бериб ўрганганлар. Саҳобаи киромлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ҳар бир оятларини у зотга қайта ўқиб берар, шу тариқа йигирма уч йил давомида нозил бўлган барча оятларни ўрганиб, ёдлаб, ўқиш-ёзишни биладиган саҳобалар уларни ёзиб борар эдилар. Саҳобалар ҳам, улардан кейин яшаб ўтган тобеъинлардан бўлган қорилар ҳам ва кейинги авлодлар ҳам Қуръони Каримни ўзларидан кейинги авлодларга худди шу тарзда ўргатиб бордилар ва бу занжир ушбу кунимизгача узилмай келмоқда.

Ҳеч бир китоб Қуръони Карим каби сақланмаган. Унинг ҳар бир ҳарфи, ҳаракати, ҳаттоки ҳарфларни талаффуз қилиш кайфияти ҳеч бир ўзгаришсиз шу кунгача етиб келгани унинг чинакам мўъжиза эканлигига, Аллоҳ таолонинг ваъдаси ҳақ эканига ёрқин далилдир.

Ушбу муборак Китобни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинганидек тиловат қилишга тажвид илмини билиш ва унга амал қилиш орқали эришилади.

Тажвид илмига оид илк сабоқларни ўз юртимизда олдим. Мисрда қайта таҳсил олиш жараёнида мазкур илм



борасида билмаганларимиз ҳали кўплиги аён бўлди. Мисол учун, бизда «қалқала» ва «лин» ҳақида жуда кам маълумот берилган, бу иккиси ҳарфларнинг сифати эканлиги ва ҳарфлар ўн еттита сифатга эга экани айтилмаган эди. Шунингдек, «мақтуъ ва мавсул», «тўғарак та ва очик та», «вақф» каби мавзуларни мутлақо билмас эдик. Хорижда таҳсил олиб юрган кезларимизда эса устозларимиз тажвид илмига оид бу мавзуларнинг ўта аҳамиятли эканлигини қайта-қайта таъкидлар эдилар.

Ушбу илмларни ватандошларимизга етказиш истаги ўша вақтнинг ўзида туғилган эди. Ўз диёримизга қайтиб, Қуръони Карим тиловатидан дарс бера бошлаганимда бу истак яна ҳам кучайди.

Аллоҳ таолога беҳисоб шукрлар бўлсинки, кўлингиздаги тажвид илмига оид ушбу рисола битиш ҳам насиб этди. Рисоланинг илк нусхасини кўриб чиққан устозларимизнинг баъзиларидан таърифларни янада соддалаштириб, ўзбекчалаштириш ҳақида таклифлар ҳам бўлди. Лекин мен тажвид илмига оид истилоҳларнинг асл кўринишида сақланиб қолишини, араб тили меъёрлари, қоидалари асосидаги таърифларнинг ўзига хослиги маълум маънода ўзгармай қолишини, бу билан ўзбекзабон кишиларимизнинг мазкур илм борасида дунё миқёсидаги савияга эришишларини истадим.

Ушбу рисола тажвид илми бўйича ўрта билимга эга бўлган кишиларга, мазкур илмни мустақил ўрганувчиларга ва билим юртларида таҳсил олувчи ўқувчиларга мўлжалланган.

Китобдаги мавзулар ўн саккизта дарсга тақсимланган ва ҳар бири алоҳида сарлавҳа остида келтирилган. Ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш учун ҳар бир дарс охирида мавзуга доир саволлар берилган. Китобдаги мавзулар ундан илк бор тиловатга киришаётган

ўқувчилар ҳам фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда танланди ва шу асосда тартибга солинди. Яъни дастлаб қироатимиз ва тажвид ҳақида тушунча берилди, сўнг қироатга киришишдан олдин билиш ва амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳақидаги маълумотлар, мисол учун, истиъоза ва басмаланинг ҳукмлари, тиловат рукнлари, шартлари, одоблари ва ҳоказолар тақдим этилди.

Рисолада йўл қўйилган хато-камчиликларда Роббимдан афву мағфират сўрайман. Унинг кўпчиликка нафли бўлишидан умидворман.

Ушбу камтарона ишимиздан ҳосил бўлган савоблардан бизни тарбиялаб, вояга етказган, мана шундай беқиёс илмнинг соҳибаси бўлишимизни Аллоҳ таолодан сўраб, ҳаққимизга дуолар қилган, мазкур рисола-нинг сиз азизларга етиб боришида бош бўлган падари бузрукворимизнинг ҳам руҳлари баҳраманд бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламан.

*Одинахон Муҳаммад Содиқ*  
02.07.2015

## ҚОРИЛИК ВА ҚИРОАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

Қорилик ва қироат мавзуси ниҳоятда кенг мавзу бўлиб, бу хусусда кўплаб китоблар ёзилган. Биз ушбу ўринда баъзи маълумотларни бериш билан қифояланамиз.

Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг сўзи, башариятни хидоятга бошлаш учун нозил бўлган илоҳий дастур, Аллоҳнинг мустаҳкам арқонидир. Аллоҳнинг ўхшаши бўлмаганидек, Унинг каломига ўхшаш калом ҳам йўқ. Маълумки, Қуръони Каримни қироат қилиш улуғ ибодат бўлиб, бунинг учун мислсиз ажру савоблар ваъда қилинган. Қорилик ва қироатнинг фазилати нақадар улуғлиги, қорилар ва қироат учун қандай мукофотлар берилишини Аллоҳ таоло Ўз Китобида баён қилган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда кўп ҳадиси шарифларида таъкидлаганлар.

Аллоҳ азза ва жалла Фотир сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿ إِنَّ الَّذِينَ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ  
وَأَنْفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً يَرْجُونَ تِجَارَةً لَّنْ  
تَبُورَ ﴿٢٩﴾ لِيُوفِّيَهُمْ أَجْرَهُمْ وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِ  
إِنَّهُ غَفُورٌ شَكُورٌ ﴾

«Албатта, Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўқис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора нафақа қиладиганлар ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар. У Зот уларга ажрларини тўлиқ қилиб бериши ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилиши учундир. Албатта, У ўта мағфиратлидир, кўп савоб берувчидир» (29-30-оятлар).

Бу икки оятда Аллоҳ таоло мўмин бандаларининг баъзи сифатлари ва уларга бериладиган мукофотлар ҳақида сўз юритмоқда.

**«Албатта, Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиганлар...»**

Аллоҳнинг Китоби – Қуръони Каримни тиловат қилиш унга кўз югуртириб чиқиш ёки ёдлаб олган жойини шуурсиз такрорлаш эмас. Қуръон тиловати уни бутун вужуд билан ҳис этган ҳолда тадаббур ила ўқиб, унга амал қилишдир. Аллоҳнинг Китоби – Қуръони Каримни тиловат қилиш ҳар бир мўминнинг бурчидир. Ким ҳам Аллоҳнинг Китоби тиловатини билмай туриб, бандалик даъвосини қилади? Қуръон тиловати ҳар бир мўминнинг кундалик вазифаси бўлиши керак.

Ҳа, Қуръон тиловати ниҳоятда зарур. Шунинг учун ҳам оятда мўминларнинг сифатлари ичида биринчи ўринда Қуръон тиловати келмоқда. Ҳақиқий тиловат зикр қилинган ҳукмларга амал этишга чорловчи тиловатдир. Шунинг учун ҳам тиловатдан кейин

**«Намозни тўқис адо этиб»** деган сифат келмоқда.

**«Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошқора нафақа қиладиганлар...»**

Ана шу ишларни бажарганлар, яъни Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиб, намозни тўқис адо этиб, Аллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилган мўмин-мусулмонлар

**«ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлулар».**

Чунки улар Аллоҳ таоло билан савдолашмоқдалар. Аллоҳ таоло билан тижорат қилганлар ҳеч қачон касодга учрамаганлар ва учрамайдилар ҳам.

**«У Зот уларга ажрларини тўлиқ қилиб бериши ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилиши учундир».**

Демак, бу тижорат нафақат касодга учрамайдиган, балки доимо фойда келтирадиган тижоратдир. Бу тижорат билан шуғулланганлар жуда ҳам бахтли инсонлардир.

**«Албатта, У ўта мағфиратлидир, кўп савоб берувчидир».**

Яъни Аллоҳ таоло ўта мағфиратли Зотдир. У Қуръон тиловат қилган, намозни тўқис адо этган, нафақа-эҳсон қилганларнинг гуноҳларини мағфират этади.

Аллоҳ таоло ўта шукр қилувчи, бандаларининг шукрларини қабул этувчи ва неъматларини зиёда қилувчи Зотдир.

Энди қорилар ва кироатнинг фазли ҳақида ривоят қилинган баъзи ҳадиси шарифларга назар солсак.

عَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «خَيْرُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир», дедилар».**

*Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

Бу ҳадиси шарифнинг иборалари оз бўлгани билан маънолари, далолатлари кўпдир. Унда мусулмонларнинг яхшилари ҳақида хабар берилмоқда.

Аслида мусулмонлар Аллоҳ таолонинг бандалари ичидаги энг яхшиларидир. Бу ҳадиси шарифда эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримни ўрганадиган мусулмонлар яхшиларнинг яхшиси эканини таъкидламоқдалар.

Қуръони Каримни бошқаларга ўргатадиган мусулмонлар эса яхшиларнинг яхшисининг устози бўлади-

лар. Устоз эса ўз шогирдидан қанчалар устун туриши ҳаммага маълум.

Ҳа, Аллоҳ таолонинг каломи бўлмиш Қуръони Каримни ўргатиш ва ўрганиш ана шундай улуғ иш бўлиб, ўз соҳибини шу қадар олий мақомга эриштиришида шубҳа йўқдир.

Уламоларимиз Қуръони Каримни ўқитган ва ўқиган зотларни Аллоҳ таолонинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифалари деб атаганлар. Шунинг учун мўмин банда Аллоҳ таолонинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифалари бўлишни истаса, Қуръони Каримни ўргансин ва бошқаларга ҳам ўргатсин.

Мусулмон халқлар тарихига назар соладиган бўлсак, ушбу ҳадиси шарифга оғишмай амал қилиб келинганининг гувоҳи бўламиз. Мусулмонлар ҳар қандай қийин шароитда ҳам, ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб бўлса ҳам Қуръони Каримни ўрганганлар ва ўргатганлар. Иншааллоҳ, қиёматгача шундай давом этажак.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الْمَاهِرُ بِالْقُرْآنِ مَعَ السَّفَرَةِ الْكِرَامِ الْبَرَّةِ، وَالَّذِي يَقْرَأُ وَهُوَ يَشْتَدُّ عَلَيْهِ لَهُ أَجْرَانِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

*Ошиа розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуръонга моҳир бўлган киши мукаррам, кўп яхшилик қилувчи фаришталар билан бирга бўлади. Ўқиганда қийналадиганга икки ажр бордир», дедилар».**

*Тўртовлари ривоят қилишган.*

Демак, Қуръони Каримни тиловат қилишга моҳир бўлган киши муқаррам ва энг яхши фаришталар сафида бўлар экан.

**«Ўқиганда қийналадиганга икки ажр бордир», дедилар».**

Аммо баъзи бандалар ўткир қобилиятли бўлмаслиги ва яна бошқалари имконияти чегараланган бўлиши мумкин. Уларнинг рағбатлари бўлса ҳам, Қуръони Каримга моҳир бўла олмайдилар. Унда нима қилиш керак? Бу ҳолда ҳам Қуръони Каримни ўрганишга ҳаракат қилавериш лозим. Чунки мазкур ҳадиси шарифда Қуръони Каримни ўқишда қийналган кишига қийналмаган кишидан кўра икки баробар кўп ажр берилиши ваъда қилинмоқда.

Жумҳур шориҳлар наздида ўқишда қийналган кишига икки ажр берилади: бири қироати учун, иккинчиси чеккан машаққати учун. Бундан қийналиб ўқиган қийналмай ўқигандан афзал экан-да, деган хулоса чиқмайди.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يُقَالُ لِصَاحِبِ الْقُرْآنِ: اقْرَأْ وَارْتَقِ وَرَتِّلْ كَمَا كُنْتَ تُرْتِّلُ فِي الدُّنْيَا، فَإِنَّ مَنَزِلَتَكَ عِنْدَ آخِرِ آيَةٍ تَقْرَأُهَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуръон соҳибига: «Қироат қилиб кўтарилавер. Дунёда қандай тартил қилган бўлсанг, худди шундай тартил қил. Албатта, сенинг манзилинг охирги қироат қилган оятинг маконидан бўлади», дейилади», дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

Қуръони Каримни тартил қилиш секин, шошилмай, дона-дона қилиб, тажвид асосида қироат қилишдан иборатдир. Демак, Қуръон соҳиби бу дунёда Қуръони Каримни қандай ўқиган бўлса, ўшандай ўқиб, мартаба зинасидан кўтарилиб бораверади. Агар у Қуръони Каримни тўлиқ ёдлаган бўлса, мартаба зинасининг энг юқори чўққисига чиқади. Озроқ ўқиган бўлса, мартабаси ҳам озроқ бўлади. Хуллас, у Қуръони Каримни ўқиб, зиналардан кўтарилар экан, охириги ўқиган ояти тутаган жойда макон топади.

Шундай экан, жаннатдаги мартабамиз баланд бўлиши учун ҳаракат қилайлик.



## БИРИНЧИ ДАРС

### БИЗ ҚАЙСИ ҚИРОАТДА ЎҚИЙМИЗ?

Қироат – Қуръон ўқиш илми имомларидан бирининг Қуръон ўқишда нақл ва ривоятга асосланган ҳолда бошқа имомлардан ўзгача йўл тутиши, қироат қилишидир. Бошқача қилиб айтганда, бирор қироат имоми томонидан йўлга қўйилган маълум ҳарфларнинг тартибли равишдаги жамланмаси қироат дейилади.

### ИМОМ ОСИМ

**Исми ва нисбати:** Осим ибн Абу Нажуд ибн Баҳдала ал-Асадий ал-Қўфий. Унинг кунyasi Абу Бакр бўлган. Айрим манбаларда Баҳдала – отасининг исми дейилса, бошқаларида онасининг исми экани айtilган. Шунга кўра, у Осим ибн Баҳдала деб ҳам аталган. Бану Асад қабиласининг мавлоларидан бўлган.

**Таваллуди ва вафоти:** Осим ибн Абу Нажуднинг таваллуд санаси маълум эмас. Аммо манбаларда Муовия розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида (х. 41-60, м. 661-679 йй.) туғилгани айtilган. Имом Осим Куфада туғилиб ўсган ва хижрий 127, милодий 745 санада мана шу шаҳарда вафот этган.

**Ғазилати:** Имом Осим Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг саҳобаларини кўриб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган улўғ тобеъинлардан ҳисобланади. У ёшлигидан Қуръон ўрганишга киришган. Имом Осим: «Биз Абу Абдуррахмоннинг олдига борардик. Ўшанда ўспирин болалар эдик», дер эди.

Осим ибн Абу Нажуд раҳматуллоҳи алайҳи ўз замонасининг йирик олими, қироат илмида пешво устозларидан эди. У қироат, ҳадис, фикҳ, наҳв ва луғатшунос-

лик илмларининг билимдони эди. Осим ибн Абу Нажуд ниҳоятда тақводор, серибодат киши бўлиб, кўп нафл намоз ўқирди. У ниҳоятда хушовоз инсон бўлиб, ғоятда юқори фасоҳат билан, дона-дона сўзлаганидан одамлар унинг ифодаси олдида ҳайратга тушар эдилар. Имом Осим мўътабар, ишончли олимлардан бўлиб, кўплаб ҳадис ривоят қилган. У киши ривоят қилган ҳадислар олти саҳиҳ тўпламдан жой олган.

Абу Зуръа ва бошқа бир гуруҳ муҳаддислар имом Осимни ҳадис ривоят қилишда ишончли деб топишган.

Имом Осим Қуръон таълими учун маҳкам бел боғлаган, бутун ҳаётини мана шу буюк хизматга бағишлаган. Шунинг билан бирга, у шогирдларига қироатни ўргатишга иштиёқи баланд инсон эди. «Ғоятун-ниҳая»-да Муфаззал Заббийдан шундай нақл қилинади: «Мен Осимнинг ҳузурига Қуръон ўқиб бериш учун борардим. Агар боролмай қолсам, у менинг уйимга келар эди».

Шуъба ибн Айёш: «Мен Абу Исҳоқ Сабийийнинг «Қироат илмида Осим ибн Абу Нажуддан билимдонроқ кишини кўрмадим», деб неча марта айтганининг саноғига етолмайман», деган.

Ҳасан ибн Солиҳ эса: «Мен Осим ибн Абу Нажуддан фасоҳатлироқ гапирадиган кишини кўрмадим. У гапирганда мағрурлик касб этарди», деган.

Аҳмад Ижлий айтади: «Осим суннат ва қироатни яхши ўзлаштирган киши бўлиб, Қуръон борасида пешқадам имом эди. У Басрага келиб, у ердагиларга Қуръон ўргатган».

Шуъба айтади: «Осим: «Касаллик сабабли икки йил тўшакка миҳланиб қолдим. Тузалгач, Қуръонни ўқиб кўрдим, бирорта ҳарфга ҳам адашмадим», деган эди». У яна: «Абу Абдуррахмон вафот этгач, Осим одамларга Қуръон

ўргатиш учун ўтирди. У одамларнинг хушовози бўлиб, худди товуш пайчаларида қўнғироқ бордек эди», деган.

Имом Осим: «Тавозеъ – бу уйингдан чиқар экансан, учратган одамнингни ўзингдан кўра яхши деб билишингдир», дер эди.

Шуъба айтади: «Устозим Осим ўлим тўшагида ётганида хузурига кирдим, у беҳуш эди ва тинимсиз

﴿سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبِّيَ الْأَكْبَرُ﴾

«Сўнгра ҳақиқий Хожалари – Аллоҳга қайтари-  
лурлар»<sup>1</sup> оятини худди намозда ўқиётгандек, дона-до-  
на қилиб, маромига етказиб такрорларди. Шунда мен  
қироат унинг табиатига айланиб кетганини англадим».

Имом Осимдан айрим саҳифалар мерос қолган бў-  
либ, уларда имом ўзи ривоят қилган қироат ва ҳадис-  
ларнинг айримларини ёзиб, қайдлаб қўйган эди.

Бугунги кунда Ислом оламининг асосий қисми  
Қуръони Каримни имом Осимнинг қироатида ўқийди.

**Қироатдаги санади:** Имом Осим қироатни Абу Аб-  
дуррахмон Суламий, Зирр ибн Хубайш ва Саъд ибн  
Илёсдан олган. Буларнинг учовлари ҳам Қуръонни Аб-  
дуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ўрганганлар.  
Зирр ибн Хубайш ва Абу Абдуррахмонлар Қуръонни  
Али розияллоху анҳуга ҳам ўқиб берганлар. Абу Абдур-  
рахмон Суламий саҳобалардан Убай ибн Каъб ва Зайд  
ибн Собит розияллоху анҳумога ҳам ўқиб берган. Ус-  
мон, Али, Убай ва Зайд розияллоху анҳум бу қироатни  
Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан олганлар.  
Демак, имом Осим қироатни Расулуллоҳ соллаллоху  
алайҳи васалламдан икки восита орқали ривоят қилган.

<sup>1</sup> Анъом сураси, 62-оят.

Имом Жазарий ўзининг «Ан-Нашр» номли асарида имом Осим қироати жами 128 йўл орқали ривоят қилинганини айтган.

**Машҳур ровийлари:**

1. Абу Бакр Шуъба.
2. Ҳафс ибн Сулаймон.

**ИМОМ ҲАФС**

**Исми ва нисбати:** Абу Умар Ҳафс ибн Сулаймон ибн ал-Муғийра ал-Баззоз ал-Куфий. У «Ҳуфайс» – «Кичик Ҳафс» номи билан ҳам машҳур бўлган. Газлама савдоси билан шуғуллангани учун уни Ал-Баззоз, яъни газламачи деб ҳам аташган.

**Таваллуди ва вафоти:** Ҳафс ибн Сулаймон ҳижрий 90, милодий 709 санада Куфада таваллуд топган ва ҳижрий 180, милодий 796 санада мана шу шаҳарда вафот этган.

**Фазилати:** Ҳафс раҳматуллоҳи алайҳ имом Осимнинг боқиб олган ўғли бўлиб, унинг тарбияси остида улғайган. Ёшлик чоғиданоқ имом Осимдан Қуръони Карим қироатини ўрганиб борган ва шунинг учун қироатни пухта эгаллаган эди. У Қуръонни Осимдан эшитар, кейин унга топширар эди. Қироатга тили равон ва ўта моҳир бўлган.

Имом Доний: «У одамлар ичида Осимнинг қироатини ўзига ўқиб бериб ўрганган кишидир», деган. Ҳафс устози Осимдан кейин Куфада унинг ўрнида Қуръондан таълим берди. Шунингдек, у Бағдод ва Маккаи Мукаррама шаҳарларида ҳам одамларга қироатдан дарс берган.

Ибн Маъин: «Осимдан қилинган энг ишончли ривоят Абу Амр Ҳафс ибн Сулаймон қилган ривоятдир», деган.

Имом Заҳабий: «У ҳадисдаги ҳолига хилоф ўларок, қироатда ўта ишончли, мустаҳкам, уни пухта эгаллаган кишидир», дейди. Шундай бўлса-да, имом Аҳмад ўз «Муснад»ида ундан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Мунодий айтади: «Ҳафс Осимга Қуръонни бир неча маротаба ўқиб берган. Олдингилар уни ҳифзда Абу Бакр ибн Айёшдан ҳам устун санашар ва унинг Осимдан олган қироатини пухта эгаллаган, даб тавсифлашар эди. У ўша қироатни одамларга узоқ йил ўргатди. Унинг Осимдан ўрганган қироатининг санади Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга бориб етади».

Ибн Ваҳбон айтади: «Ҳафс: «Мен қироатни Осимдан бирор ҳарфда ҳам иккиланмайдиган бўлиб тўғри-лаб олганман», дер эди. У узоқ йиллар давомида мана шу қироатда ўқиди».

**Устозлари:** Ҳафс раҳматуллоҳи алайҳи асосан имом Осимдан таълим олган. У Қуръон қироатини арз ва талқин (ўқиб бериш ва устознинг сўзма-сўз ўқитиши) йўли билан ўрганган. Бу услуб қироат таълимида энг олий мартаба ҳисобланади. У яна Муҳаммад ибн Абу Айюбдан қироат қоидаларини ҳам ривоят қилган. Шунингдек, имом Осимдан, Исмоил ибн Абдуррахмон Суддий, Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Ибн Абу Лайло, Алқама ибн Марсад, Собит Буноний, Касир ибн Зозон ва бошқалардан ҳадис тинглаган.

**Шогирдлари:** Ҳафснинг қироатини жуда кўпчилик нақл қилган. Ҳусайн ибн Муҳаммад, Убайд ибн Саббоҳ, Фазл ибн Яҳё Анборий, Ҳамза ибн Қосим, Сулаймон ибн Довуд Заҳроний, Абу Шуъайб Қаввос, Халаф Ҳаддод, Ҳусайн ибн Али Жуъфий, Аҳмад ибн Жубайр Антокий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Ислом оламининг аксар қисмида Қуръони Карим ушбу қироат – Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятига кўра ўқилади. Жумладан, бизнинг диёримизда ҳам кўп асрлардан буён мазкур қироат жорий бўлган.

Ҳафснинг ривояти кенг тарқалишига бир нечта сабаблар келтирилади. Жумладан:

1. Ҳафс раҳматуллоҳи алайҳи Қуръон таълимида бошқалардан илғор бўлган, у фақат Қуфанинг ўзида таълим бериш билан чекланмасдан, бошқа Ислом ўлкаларида ҳам кўпчиликка Қуръондан дарс берган.

2. Ҳафс ривоятидаги қироат қоидаларининг содда ва осонлиги. Мад, идғом ва бошқа шу каби қоидаларда бу ривоят анча жўн бўлиб, шу боис уни ўрганиш осондир. Бу эса ўз навбатида уни ўрганувчилар сонининг ортишига сабаб бўлган.

3. Бошқа қироатлардаги қоидаларни ўрганиш ва ижро этиш кўпроқ малака талаб қилади. Мусулмонлар ичида араблардан кўра ажамлар кўпайиб, кишиларда илмга бўлган рағбат ва ҳаракат пасайиб, мазкур қироатларни ўзлаштиришда кўпчилик машаққатга тушганини, энг ёмони, уларнинг Қуръони Каримни хато ўқишга ўтишганини кўрган уламолар оммани энг содда қироат – Ҳафснинг Осимдан қилган ривояти асосида ўрганишга тарғиб қилишган, бошқа қироатларни эса мутахассислар ўрганиб, сақлаб борсалар, фарзи кифоя учун шунинг ўзи етади, дейишган.

### **Эслатма:**

Юқорида айтилганидек, диёримиз мусулмонлари Қуръони Каримни Ҳафснинг имом Осимдан қилган ривояти асосида ўқийдилар. Бинобарин, қўлингиздаги ушбу асарда ҳам тажвид қоидаларини Ҳафс ривояти бўйича баён қилиш билан кифояланилади.

## ИККИНЧИ ДАРС

### ТАЖВИД ИЛМИ ҲАҚИДА

**1. Таърифи:** «Тажвид» сўзи «жаввада» феълидан олинган бўлиб, луғатда «яхшилаш», «гўзал қилиш» деган маъноларни англатади.

Истилоҳда эса: «Қуръони Каримни Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилганидек, ҳар бир ҳарфини ўз махражидан чиқариб, унинг зотий ва оризий сифатларини адо қилган ҳолда талаффуз этишдир».

**2. Ҳукми:** Тажвид илмини мукаммал ўрганиш фарзи кифоядир. Аммо Қуръонни ўқиётганда тажвид қоидаларига амал қилиш ҳар бир мусулмонга фарзи аиндир. Бунга Қуръон, Суннат ва ижмоъдан далиллар бор.

#### **Қуръондан далил:**

Аллоҳ таоло Муззаммил сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿وَرَتِّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلاً﴾

**«Ва Қуръонни тартил билан тиловат қил» (4-оят).**

**Тартил** – ҳар бир ҳарфни ўз ўрнидан дона-дона қилиб чиқариб, тажвид қоидалари асосида ўқиш демақдир.

Қуръонни тартил билан ўқишга бўлган фармони илоҳий барча мўмин-мусулмонларга оммавий фармондир. Муҳаммад алайҳиссаломга фаришта Жаброил алайҳиссалом Қуръонни тартил билан ўқиб берган. Шунингдек, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам умматларига тартил билан ўқиб берганлар. Мусулмон уммати эса ав-

лоддан-авлодга ўз Пайғамбаридан қандай қабул қилиб олган бўлса, шундай етказиб келмоқда. Қориларимиз Қуръон кироати қоидаларини тартибга солиб, бу борада кўплаб китоблар ёзишган. Бу қоидаларни билиш ҳар бир мусулмон учун зарурдир. Шунинг учун ҳар бир мусулмон тажвид қоидаларига оид ҳеч бўлмаганда битта китоб ўқимоғи, Қуръон тиловатини тажвид илмига эга бўлган қорилардан ўрганмоғи лозим.

### **Суннатдан далил:**

عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ أَنْ يُقْرَأَ الْقُرْآنُ غَضًّا كَمَا أَنْزَلَ». رَوَاهُ ابْنُ خُرَيْمَةَ.

*Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*  
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ Қуръоннинг янги нозил бўлганидек ўқилишини хуш кўради», деганлар».

*Ибн Хузайма ривоят қилган.*

Яъни Аллоҳ таоло Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссалом воситасида Ўз Пайғамбарига қандай эпитирган бўлса, ўшандай ўқилишини истайди. Бу эса уни тажвид билан ўқиш орқалигина юзага чиқади.

### **Ижмоъдан далил:**

Муҳаммад Маккий Наср «Қовлул муфийд» китобининг охирида шундай дейди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидан бизнинг давргача хатодан маъсум бўлган Ислом уммати Қуръонни тажвидга амал қилиб ўқиш фарзлигига ижмоъ қилиб келган. Мусулмонлар орасида бу ҳақда ихтилоф бўлмаган. Бу эса ҳужжатларнинг энг кучлисидир».



**3. Мавзуси:** Қуръон калималари ва ҳарфлари.

**4. Фазли:** Башариятнинг энг афзали бўлган зот — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган энг улуғ калом бўлмиш Қуръони Каримга боғлиқ бўлгани учун тажвид илми энг афзал илмлардан ҳисобланади.

**5. Асосчиси:** Тажвид илмининг асосчиси амалий жиҳатдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Назарий асосчиси сифатида эса бир неча олимлар кўрсатилади. Улар асосан куйидагилардир: Халил ибн Аҳмад Фароҳидий, Абу Асвад Дуалий, Ҳафс ибн Умар Дуррий, Абу Убайд Қосим ибн Саллом.

Биринчи бўлиб тажвид мавзусида мустақил китоб ёзган киши имом Мусо ибн Убайдуллоҳ ибн Яҳё ибн Хоқондир. У мазкур асардаги тажвид илмига оид машҳур қасидасини «Хоқония» деб атаган.

**6. Фойдаси:** Икки дунё саодатидир.

**7. Манбаи:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобалар, тобеъинлар, табаъа тобеъинлар, қироат имомлари ва уламоларининг қироатлари.

**8. Исми:** Тажвид илми.

**9. Масалалари:** Тажвид илмининг жузъий ҳукмларини билишга олиб борадиган умумий қонун-қоидалар.

Масалан, сукунли нундан кейин изҳор ҳарфлари келганида «ن» ни билдириб ўқиш умумий қоидадир. Шу қоида асосида жузъий ҳукмни, яъни сукунли нундан кейин «خ» ҳарфи келса, изҳор қилишни билиб оламиз.

**10. Мақсади:** Қуръони Карим тиловатида тилни ҳатодан сақлаш.

## ЛАҲН

«Лаҳн» сўзи луғатда «мойил бўлиш», «четланиш» деган маъноларни англатади.

Истилоҳда эса Қуръони Карим тиловатида хато қилиш лаҳн дейилади.

Лаҳн икки хил бўлади: *жалий ва хафий*.

## ЛАҲНИ ЖАЛИЙ

«Жалий» сўзи луғатда «зоҳир», «очик» деган маънони англатиб, биз «лаҳни жалий» деганда очик-ойдин хатони тушунамиз. Бу турдаги хатони тажвид илмига моҳир киши ҳам, моҳир бўлмаган киши ҳам пайқаб олиши мумкин бўлгани учун у шундай аталган.

Мисоллар:

– Ҳарф ёки ҳаракатларни алмаштириб ўқиш:

«عَسَى» ни «عَصَى» деб, «انْعَمْتُ» ни «انْعَمْتُ» деб ўқиш.

– Ташдидли ҳарфни ташдидсиз ёки ташдидсиз ҳарфни ташдидли қилиб ўқиш:

«كَفَّرَ» ни «كَفَّرَ» деб ўқиш ёки акси.

– Сукунли ҳарфни сукунсиз ёки сукунсиз ҳарфни сукунли қилиб ўқиш:

«اَفْتَرَى» ни «اَفْتَرَى» деб, «كُفُّوا» ни «كُفُّوا» деб ўқиш.

– Қисқа ҳаракатни мад ҳарфига қўшиб ёки мад ҳарфини тушириб, қисқа ҳаракатнинг ўзини ўқиш:

«نُذِرَ» сўзини чўзиб, «نُذِرَ» деб, «اَعُوذُ» ни «اَعُوذُ» деб ўқиш.

Бундай хатолар кўпинча гапнинг маъноси бузилишига олиб келади. Шунинг учун уламолар: «Бундай хатога йўл қўйиш ҳаромдир», деганлар. Қасддан шундай хатоларга йўл қўйган киши оғир гуноҳ қилган бўлади.

## ЛАҲНИ ХАФИЙ

«**Хафий**» сўзи луғатда «махфий», «яширин» деган маъноларни англатади.

«Лаҳни хафий» деганда тажвид илмига моҳир бўлган кишиларгина илғай оладиган хатолар тушунилади.

Мисоллар:

– Мад ёки ғунналарнинг миқдорини меъеридан ортиқ чўзиш ёки қисқа қилиш:

«جَاءَ» сўзидаги мад мутгасилни тўрт ҳаракат ёки беш ҳаракат миқдорида чўзиш ўрнига икки, уч ёки етти ҳаракат миқдорида чўзиш. «Тўрт, беш, уч ёки етти ҳаракат миқдорича» деганда шунча ададдаги ҳаракатли ҳарфни талаффуз қилиш муддати тушунилади.

– Йўғон товушни ингичка, ингичкани йўғон қилиб ўқиш:

«الرَّحْمَنُ» да «ро» ҳарфини ингичка, яъни «ра» дея талаффуз қилиш.

Одатда бундай хатолар калиманинг маъносини бузмайди. Шунинг учун баъзи уламолар бу каби хатоларни макруҳ деганлар. Лекин ҳаром деганлар ҳам бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мусулмон киши Қуръонни ўзича мустақил ўқиб-ўрганиши тўғри эмас. Балки аввал устоздан ўрганиб, унга ўқиб бериб, барча қоидаларни яхши ўзлаштириб олганидан кейин устози «Энди ўзинг ўқийвер», деб ижозат берсагина, мустақил ўқишга киришиши лозим бўлади.

### Савол ва топшириқлар:

1. «Тажвид» сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноларини айтиб беринг.

2. Тажвидга амал қилиш ва уни ўрганишнинг ҳукми қандай?

3. Тажвидга амал қилишнинг фарзлигига Куръон, Суннат ва ижмоъдан далиллар келтиринг.
4. Тажвид илмининг фойдаси ва мавзусини баён қилинг.
5. Тажвид илмининг мақсади нима?
6. Тажвид илми қайси масалалар юзасидан баҳс юритади?
7. Нима учун тажвид илми энг шарафли илмлардан ҳисобланади?
8. Тажвид илмининг асосчилари кимлар? Манбаи-чи?
9. Лаҳн нима? Унинг қисмларини баён қилинг.
10. Лаҳн қисмлари қандай ҳукмларга эга?

## УЧИНЧИ ДАРС

### ҚИРОАТ РУКНЛАРИ

Ислом шариатида ҳар бир нарса, ҳар бир амал алоҳида руқнларга эга бўлганидек, Қуръон қироатининг ҳам ўз руқнлари бор. Қуръон тиловати мақбул бўлиши учун ушбу руқнлар мавжуд бўлиши шарт. Улар учтадир:

#### 1. Санаднинг тўғри бўлиши.

Қироат санади Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уланган устоздан олинган бўлиши.

#### 2. Қироат Усманий Мусҳафга мувофиқ бўлиши.

#### 3. Қироат араб тили қоидаларига мувофиқ бўлиши.

Агар ушбу руқнлардан бирортаси топилмаса, қироат тўғри деб ҳисобланмайди.

### ҚИРОАТДАГИ ТЕЗЛИК ДАРАЖАЛАРИ

Қуръони Карим қироатининг учта тезлик даражаси бор. Улар қуйидагилардир:

#### 1. Таҳқиқ; 2. Ҳадр; 3. Тадвир.

**Таҳқиқ** – Жуда секин, хотиржам, шошилмасдан, тажвид аҳкомларига риоя қилиб, тадаббур ва тафаккур билан ўқиш. Бундай қироатда мадлар энг узун миқдорда чўзилади, ғунналар тўла адо этилади. Ҳарфлар маҳражидан аниқ, мукаммал сифат ила чиқарилади. Бу услубдан кўпроқ таълим асносида фойдаланилади.

**Ҳадр** – Қуръони Каримни тажвид ҳукмларига амал қилган ҳолда энг тез ўқиш. Бунда мадлар энг қисқа миқдорда чўзилади, ғунналарда муболаға қилинмайди. Ҳадрда тиловат қилган қори ҳарф ва ҳаракатларни тўлиқ чиқаришга эътибор бериши, шошилиб, чала талаффуз қилиб кетмаслиги лозим. Бу услуб оятларни ёд олиш ва такрорлашда қўл келади.

**Тадвир** – Қуръони Каримни таҳқиқ ва ҳадр орасида, мўътадил тезликда ўқиш. Бунда мадлар ўртача миқдорда чўзилади. Тадвир энг кўп қўлланадиган услубдир.

Баъзи уламолар тартилни ҳам қироат даражаларига қўшганлар. Бу фикрга кўра, қироат тезликлари тўртта бўлади. Аммо муҳаққиқ уламоларнинг фикрларига кўра, тартил алоҳида тезлик даражаси эмас, балки у умумий бўлиб, қолган учта даражани ўз ичига олади, чунки Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг ўзида уни тартил билан тиловат қилишни буюрган ва учала даражада (таҳқиқ, ҳадр, тадвирда) ҳам Қуръон калималарини тажвид асосида ўқиш шарт қилинган. Бинобарин, ҳаммаси ҳам тартил жумласига киради.

## ИСТИЪОЗА ВА БАСМАЛА

### ИСТИЪОЗА

**Истиъоза айтиш** – «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир-рожийм»ни ўқиш.

Маъноси: «Қувилган шайтон ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман».

Қуръон ўқимоқчи бўлган киши тиловатга киришишдан олдин истиъоза айтиши жумхур уламолар наздида мустаҳабдир. Аллоҳ таоло Наҳл сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿ فَإِذَا قَرَأْتَ الْقُرْآنَ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ ﴾

«Қачон Қуръон ўқисанг, Аллоҳдан қувилган шайтондан паноҳ сўрагин» (98-оят).

Яъни «Аввал «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»ни айтиб туриб, кейин Қуръон қироатини бошлагин». «Аъузу биллаҳи»ни айтиш Қуръ-

они Карим тиловати учун тилни поклайди. Кишини Аллоҳнинг Китоби бўлмиш Қуръони Каримни ўқишга тайёрлайди. Шайтоннинг васвасасидан сақлайди. Бутун вужуди ва шуурини Аллоҳ томон буради. Ушбу ояти каримадан уламоларимиз Қуръон ўқишни бошламоқчи бўлган ҳар бир инсонга «Аъузу биллаҳи»-ни айтиш мустаҳаблиги ҳукмини чиқарганлар. Чунки Аллоҳ шунга амр қилмоқда.

Истиъоза тиловат олдидан бир марта ўқилади. Тиловат қилаётган киши тиловатдан бошқа ишга ўтса, масалан, бирор киши билан гаплашса ёки туриб, бирор ишни бажариб келса, яна тиловат бошламоқчи бўлганда қайтадан истиъоза айтади. Аммо аксириш, йўталиш каби ихтиёрдан ташқари ҳолатлар юзага келиб қолса ёки кироатга тааллуқли гап айтилса, истиъоза қайтарилмайди.

Истиъозанинг бир неча кўринишлари бор:

۱ - أَعُوذُ بِاللَّهِ السَّمِيعِ الْعَلِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

۲ - أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

Лекин афзали ва машҳури: «أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ» дир. Чунки Қуръони Каримда шундай ворид бўлган:

﴿ فَإِذَا قَرَأْتَ الْقُرْآنَ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ ﴾

«Қачон Қуръон ўқисанг, Аллоҳдан қувилган шайтондан паноҳ сўрагин».<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Наҳл сураси, 98-оят.

Истиъоза баъзи ўринларда жаҳрий, баъзи ўринларда эса махфий ўқилади.

**Жаҳрий – овоз чиқариб ўқиладиган ўринлар:**

1. Тингловчи жамоат орасида;
2. Таълим мақомида;
3. Қироат даврасида бошловчи бўлганда.

**Махфий ўқиладиган ўринлар:**

1. Намозда.
2. Қироат даврасида бошловчи бўлмаганда.

Қори ўзи ёлғиз ҳолда Қуръон ўқиганида истиъозани махфий ўқиши жоиздир.

## БАСМАЛА

Басмала айтиш – «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни ўқиш. Қуръон ўқимоқчи бўлган киши тиловатининг аввалида басмала айтиши суннатдир. Басмала сураларни бир-биридан ажратувчи иборадир. У Намл сурасининг 30-оятда нозил бўлган:

﴿إِنَّهُ مِنْ سُلَيْمَانَ وَإِنَّهُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ﴾

«Албатта, у Сулаймондандир, албатта, унда: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» (дейилмишдир)».

Басмала истиъозадан кейин, Тавба сурасидан бошқа ҳар бир суранинг биринчи оятини ўқишни бошлашдан олдин бир мартагина ўқилади.

Тавба сурасининг бошида басмала ўқилмаслигини уламолар асосан икки хил изоҳлайдилар:

– Басмалада раҳмат, меҳр маъноси бор. Тавба сураси эса жангу жадал, қийинчилик, аҳдига вафо қилмаган муш-



рикларга, мунофиқларга нисбатан қаттиққўллик қилиш ҳақидадир. Раҳмат билан оғирлик бир жойда жамланмагани учун Тавба сураси билан басмала бирга бўлмайди.

– Тавба сураси ўзидан аввалги Анфол сурасининг давоми бўлиши, яъни бу икки сура аслида битта сура деган эҳтимол ҳам бор. Уларнинг орасида басмала бўлиши улар қатъиян иккита сура, деган жазмга сабаб бўлади. Шу боис мусхафларда бу икки суранинг орасида басмала ёзилмайди.

Истиъоза ва басмала билан суранинг илк оятини ўқишда тўрт хил кўриниш бор:

1. Ҳаммасини кўшиб ўқиш, яъни истиъоза, басмала ва суранинг илк оятларини бир нафасда, орасини узмасдан, кўшиб ўқиш.

2. Ҳаммасини алоҳида-алоҳида ўқиш, яъни истиъозани ўқиб, тўхтаб, нафас олиб, кейин басмалани ўқиб, тўхтаб, нафас олиб, кейин суранинг илк оятларини ўқиш.

3. Истиъоза ва басмалани кўшиб бир нафасда ўқиб, сўнг тўхтаб, суранинг илк оятларини алоҳида ўқиш.

4. Истиъозанинг ўзини ўқиб, тўхтаб, басмала ва суранинг илк оятларини бир-бирига кўшиб, бир нафасда ўқиш.

Тавба сурасини ўқимоқчи бўлган киши истиъозадан сўнг бевосита сурани ўқишни бошлайди. Бунда икки йўлдан бирига амал қилади:

1. Истиъозани ўқиб, тўхтаб нафас олади, сўнг суранни ўқишни бошлайди.

2. Истиъозани суранинг илк оятларига кўшиб, бир нафасда ўқийди.

Суранинг ўртасидан қироат қилишни бошлаганда басмала ўқилади. Бунда ҳам худди истиъоза ва басмала билан суранинг илк оятларини ўқишдаги йўлларнинг бирига амал қилинади.

«Суранинг ўртасидан бошлаб қироат қилганда басмала ўқилмайди» деганлар ҳам бор. Унга кўра, истиъоза ва суранинг ўқиш ирода қилинган ояти бир-биридан ажратиб, вақф билан ўқилади ёки иккиси бир-бирига улаб, бир нафасда ўқилади. Айрим уламолар «Тавба сурасининг ўртасида ҳам басмала ўқилмайди», дейишган.

Амалдаги мўътабар гап биринчи айтганимиздир, яъни суранинг ўртасидан бошлаб қироат қилганда басмала ўқилади.

Икки суранинг орасини басмала билан улашда ҳам уч хил йўл бор:

1. Ҳаммасини узиб ўқиш – аввалги суранинг оятини ўқиб бўлгач, тўхтаб, басмалани алоҳида ўқиб, кейин янги сурани бошлаш.

2. Ҳаммасини кўшиб ўқиш – бир нафасда биринчи суранинг оятини басмалага улаб, унга кейинги суранинг оятини кўшиб ўқиш.

3. Биринчи суранинг оятини ўқиб бўлгач, тўхтаб, басмалага кейинги суранинг оятини кўшиб ўқиш.

Тўртинчи кўриниш жоиз эмас, яъни биринчи суранинг охириги ўқилаётган оятини басмалага кўшиб ўқиб, тўхтаб, сўнг кейинги суранинг оятини ўқиш мумкин эмас, чунки бунда басмала суранинг охириги оятига ўхшаб қолади. Басмала суранинг охирида эмас, бошида ўқиш учундир.

Анфол сурасининг охири билан Тавба сурасининг бошини ўқишда ҳам уч хил услуб бор:

1. Васл – Анфол сурасининг охирини Тавба сурасининг бошига кўшиб, бир нафасда ўқиш.

2. Вақф – Анфол сурасини тугатиб, нафас олиб, кейин Тавба сурасини бошлаш.

3. Сакта – Анфол сурасининг охириги ояти ва Тавба сурасининг биринчи ояти ўртасида сакта қилиб ўқиш.

Сакта – икки ҳаракат миқдорида нафас олмасдан тўхтаб, кейин давом этиш.

### **Мулоҳаза:**

Анфол сураси каби, бошқа сураларни ҳам Тавба сураси билан худди шундай ўқиш мумкин. Шарти шуки, сура тартиб жиҳатидан Тавба сурасидан юқорида бўлиши керак. Аммо тартиб бўйича Тавба сурасидан кейин келадиган сураларни Тавба сураси билан бирга ўқишда фақат вақф қилинади. Васл ва сакта мумкин бўлмайди. Мисол учун, Анъом сураси билан Тавба сурасини кетма-кет ўқишда бўлган киши худди Анфол ва Тавба сураларини қўшиб ўқишдаги йўллардан бирини тутиши мумкин. Аммо Анбиё сурасидан кейин Тавба сурасини ўқишда бўлса, у ҳолда иккала сурани бир-биридан ажратиш ўқишга жои бўлади.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Қироатнинг қандай рукнлари мавжуд?
2. Қироатдаги тезлик даражаларини номма-ном санаб, уларни таърифлаб беринг.
3. Қироат даражаларининг ҳар бири қайси ҳолатларда кўпроқ қўлланишини баён қилинг.
4. Тартил ҳам қироат даражаларидан бири ҳисобланадими?
5. Истиъоза нима?
6. Истиъозанинг ҳукми қандай?
7. Истиъозанинг неча хил кўриниши бор ва унинг машҳур сийғаси қайси?
8. Басмала нима?
9. Басмаланинг ҳукми қандай?
10. Нима учун Тавба сурасининг бошида басмала айтилмайди?

11. Истиъоза, басмала ва суранинг бошини ўқишнинг неча хил кўриниши бор?

12. Истиъоза билан Тавба сурасини ўқишнинг неча хил йўли бор?

13. Икки суранинг орасида басмалани ўқишнинг неча хил кўриниши бор?

14. Анфол сурасининг охири билан Тавба сурасининг бошини ўқишда қандай услубларни қўллаш мумкин?

## ТҶҮРТИНЧИ ДАРС

### ҚУРЪОНИ КАРИМНИ ТИЛОВАТ ҚИЛИШ ВА ТИНГЛАШ ОДОБЛАРИ

Қуръони Каримни тиловат қилиш одоблари ҳақида Имом Ғаззолий шундай дейдилар: «Қуръонни ҳақиқий тиловат қилиш – тиловатда тил, ақл ва қалбнинг иштирок этишидир. Тилнинг насибаси – тартил ила ҳарфларни тўғри талаффуз этиш. Ақлнинг насибаси – маъноларни тафсир қилиш. Қалбнинг насибаси эса – сабоқ олиш, таъсирланиб, қайтариқлардан қайтиш ва буйруқларга бўйсунушдир. Демак, тил тартил қилади, ақл таржима қилади, қалб эса сабоқ олади».

Қуръони Каримнинг қироати энг буюк ва афзал амаллардандир. Чунки Қуръон қироат қилувчи ўз Роббини зикр қилади, У Зот билан бирга бўлади. Шунинг учун у Қуръон ўқиётганида ўзини Роббининг хузурида тургандек тутиши, одоб сақлаши лозим.

#### Тиловатнинг ташқи одоблари:

1. Таҳоратли бўлиш, чунки тиловат Аллоҳга ибодат қилишдир.
2. Тиловат қилинадиган жой ва тиловат қилувчининг либослари пок, нажосат тегмаган бўлиши.
3. Имкон қадар қиблага юзланган ҳолда бўлиш.
4. Қироат олдидан мисвок ишлатиш.
5. Қироатни бошлашда истиъоза айтиш.
6. Ҳар бир суранинг бошида басмала айтиш (Тавба сураси мустасно).
7. Қуръони Каримни тажвид қоидаларига мувофиқ тарзда, тартил билан ўқиш, газета ёки журнал ўқигандек ўқимаслик.

8. Сура ва оятларни мусҳафдаги тартиби бўйича ўқиш.
9. Бир сурани бошлагандан кейин охирига етказиб, сўнг бошқасига ўтиш.
10. Сажда оятлари саждасини ўз вақтида қилиш.
11. Куръонни хатм қилаётганда Зуҳо сурасидан Ан-Наас сурасигача ҳар бир суранинг охирида такбир ай-тиш.
12. Қироатда овоз ва оҳангни имкон қадар гўзал қилиш.
13. Куръон қироат қилганда йиғлашга ҳаракат қилиш.
14. Жуда баланд ҳам эмас, паст ҳам эмас, ўртача овозда қироат қилиш.

### Тиловатнинг ички одоблари:

1. Оятларни тушуниб, англаб, тадаббур ва тафаккур билан ўқиш. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿ أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا ﴾

- «Куръонни тадаббур қилиб кўрмайдиларми? Ёки қалбларида қулфлар борми?» (Муҳаммад сураси, 24-оят)

2. Оятларни англаш, тафаккур қилишдан қалбни тў-садиган турли сабаблардан четланиш, оят мазмунидан бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламаслик.

﴿ كَتَبَ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ مُبْرَكٌ لِيَذَّبَرُواْ عَيْنَيْهِمْ وَلِيَسْذَكَّرَ أُولُوْاْ الْأَلْبَابِ ﴾

- «Биз сенга нозил қилган Китоб муборақдир. Ақл эгалари унинг оятларини тадаббур қилишлари ва эслашлари учундир» (Сод сураси, 29-оят).

3. Оятларни тафаккур қилиш ва тиловат асносида Аллоҳ билан бирга бўлишнинг энг аъло мартабасига етишиш учун қуйидаги босқичларни босиб ўтиш тавсия қилинади:

– Қуръонни худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўқиб бераётгандек ўқиш;

– Қуръонни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитаётгандек ўқиш;

– Қуръонни Аллоҳ аzza ва жалладан эшитаётгандек ўқиш. Мана шу энг олий мақомдаги тиловатдир.

Ҳасан Басрий айтадилар: «Аллоҳга гапиришни истасанг, намоз ўқи, Аллоҳ сенга гапиришини истасанг, Қуръон ўқи».

Қироат қилувчи раҳмат оятини ўқиганда Аллоҳдан раҳматини сўраши, азоб оятини ўқиганда Аллоҳдан азобидан паноҳ сўраши, тарғиб оятларини ўқиганда умид қилиши, таҳдид оятларини ўқиганда ўзи ва мўминлар учун мағфират сўраши суннатдир.

### ҚУРЪОНИ КАРИМНИ ТИНГЛАШ ОДОБЛАРИ

Қуръони Каримни ўқиш қандай буюк ибодат бўлса, уни тинглаш ҳам ана шундай улуғ амаллардандир. Қуръони Каримнинг фазилатларидан бири шуки, уни ўқиган ҳам, тинглаган ҳам бирдек ажр олади. Уламолар: «Қори билан тингловчи соғувчи билан ичувчи кабидир», дейдилар.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿وَإِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَاسْتَمِعُوا لَهُ، وَأَنْصِتُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ﴾

**«Қачон Қуръон тиловат қилинса, унга қулоқ солинглар ва жим туринглар, шояд, раҳм қилинсангиз» (204-оят).**

Уламоларимиз Қуръони Карим тиловат қилинганда унга жим туриб қулоқ осиш вожиблиги ҳақидаги ҳукмни мана шу оятдан чиқарганлар. Ҳанафий мазҳаби уламолари эса ушбу оятдан «Намозда имом қироат қилганида иқтидо қилувчилар жим қулоқ осиши лозим», дея ҳукм чиқарганлар. Умуман, Аллоҳнинг каломи бўлган Қуръонни ўқиш, тинглаш, ўрганиш ва унга амал қилиш зарурий иш бўлиб, ҳар бирининг ўзига яраша зарурати ва ҳаловати бор.

Бу оятдан Қуръони Каримни тинглаш, унга жим қулоқ тутиш Аллоҳнинг амри бўлиб, Аллоҳнинг раҳмати-га сабаб бўладиган амал экани маълум бўлади.

**Қуръони Каримни тинглаш одобларини уламолар Қуръон ва Суннат асосида қуйидагича баён қилганлар:**

1. Қуръонни давомий одоб билан эшитиш.
2. Жим тинглаш.
3. Зоҳиру ботинда Аллоҳдан бошқага чалғимаслик.
4. Сажда оятини эшитганда сажда қилиш.
5. Овоз чиқармасдан йиғлаш, йиғи келмаса, йиғлашга ҳаракат қилиш.
6. Қироат қилувчи хато қилса, хатосини тўғрилаб қўйиш.
7. Қироат қилувчи қироат мезонларидан ташқарига чиқиб кетса, уни огоҳлантириб қўйиш.



## МУСҲАФИ ШАРИФ ОДОБЛАРИ

Қуръони Карим Аллоҳнинг улуғ Каломидир. Бинобарин, мусҳаф ҳам муқаддас Китобдир. Уни улуғлаш Аллоҳ таолони улуғлашдир.

Мусҳафга нисбатан ҳам мусулмон киши риоя қилиши керак бўлган бир қанча одоблар бор:

1. Мусҳафни таҳорат билан ушлаш. Уни бетаҳорат ушлаш жоиз эмас.

2. Мусҳафни юқори жойга қўйиш. Устига ҳеч нарса қўймаслик. Чунки у олийдир, бирор нарсани ундан юқорига қўйиб бўлмайди.

3. Мусҳафни ерга қўймаслик.

4. Мусҳаф келтирилганида ўрндан туриш.

5. Мусҳафни хушбўй тутиш, уни кўтариб юрадиган махсус ғилофга солиб юриш.

6. Мусҳафни ёстик қилмаслик ва ёстик остига қўймаслик. Чунки бунда уни таҳқирлаш бор.

Қуръони Каримга тааллуқли барча шахс ва нарсаларни эъзозлаш, улуғлаш Қуръон одобларидан ҳисобланади. Ҳаттоки оятлари оз сурани «кичик сура» эмас, «қисқа сура» дейиш керак, чунки Аллоҳнинг Каломида кичиклик бўлмайди.

### Савол ва топшириқлар:

1. Қуръон тиловатининг ташқи одобларини зикр қилинг.

2. Қуръон тиловатининг ички одоблари қайсилар?

3. Қуръон тиловатидаги қалбга оид одобларни баён қилинг.

4. Қуръони Каримни тинглаш ва тингловчининг одобларини баён қилинг.

5. Мусҳафи шарифга доир одобларни баён қилинг.

## БЕШИНЧИ ДАРС

### ҲАРФЛАРНИНГ МАХРАЖЛАРИ

Қуръони Карим суралардан, суралар эса оятлардан иборат. Оятлар калималардан, калималар эса ҳарфлардан ташкил топган. Қуръони Каримни тўғри тиловат қилиш учун ҳарфларни тўғри талаффуз қилишимиз лозим. Ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш эса махражларни билиш билан боғлиқдир. Бинобарин, ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш учун уларнинг чиқадиган ўрнини билишимиз керак бўлади.

«Махраж» сўзи луғатда «чиқиш жойи» деган маънони билдиради. Истилоҳда эса «ҳарфнинг чиқиш ва бошқасидан ажралиш жойидир».

Араб тилида 29 та ҳарф мавжуд бўлиб, баъзи олимлар махражларнинг сонини ҳам шунга кўра йигирма тўққизта деганлар.

Халил ибн Аҳмад ва Ибн Жазарийнинг сўзига кўра, ҳарфлар «ўн еттита махраж»дан чиқади.

### МАХРАЖНИ БИЛИШ

Бирор товушнинг махражини билиш учун ўша ҳарф сукукли ёки ташдидли қилинади ва олдига ҳаракатли ҳамза ёки бошқа бирор ҳарф қўйиб, нутқ қилиб кўрилади. Шунда товуш пайчаларидан чиқаётган овоз оқими қаерга урилса, ўша жой мазкур ҳарфнинг махражи ҳисобланади.

أَب، أَت، أَط، أَغ

Махраж икки хил – муҳаққақ ва муқаддар бўлади. Овоз оқими талаффуз аъзоларининг муайян жойига

урилиб чиқса, муҳаққак, муайян жойга урилмай, умумий оғиз ва ҳалқум бўшлиғида шаклланса, муқаддар бўлади. Ҳамма ҳарфларнинг махражи муҳаққакдир. Ҳаракатларнинг махражи эса муқаддардир. Бошқача қилиб айтганда, ҳарфлар ундош, ҳаракатлар унли товушлар ҳисобланади.

**Мазкур ўн еттита махраж бешта аъзода жойлашган:**

1. Жавф – ҳалқум ва оғиз бўшлиғи. Унда битта махраж бор.
2. Ҳалқум. Унда учта махраж бор.
3. Тил. Унда ўнта махраж бор.
4. Икки лаб. Унда иккита махраж бор.
5. Димоғ. Унда битта махраж бор.

	Махражлар жойлашган аъзоларнинг арабча номи	Ўзбекча маъноси	Шу аъзолардан чиқадиган махражлар сони
1	Жавф - الْجَوْفُ	Ҳалқум ва оғиз бўшлиғи	1 та махраж
2	Халқ - الْحَلْقُ	Ҳалқум	3 та махраж
3	Лисон - اللِّسَانُ	Тил	10 та махраж
4	Шафатан - الشَّفَاتَانُ	Икки лаб	2 та махраж
5	Хайшум - الْحَيْشُومُ	Димоғ	1 та махраж

## ОҒИЗ БЎШЛИҒИ

Жавфда битта махраж бўлиб, ундан уч ҳаракат ва уларнинг чўзиқ шакли бўлмиш мад ҳарфлари чиқади. «Мад ҳарфлари» деганда фатҳадан кейин келган ҳаракатсиз «б», касрадан кейин келган ҳаракатсиз «ي», заммадан кейин келган ҳаракатсиз «و» тушунилади. Яъни фатҳанинг чўзиқлигини ифодалаш учун «б», касра учун «ي», замма учун «و» танланган. Бу ҳарфлар мазкур ўринларда мад ҳарфлари бўлади ва «мад ҳарфлари», «жавф ҳарфлари» ёки «ҳаво ҳарфлари» деб юритилади.

Бу товушлар чўзиб айтилгани, чўзилувчан бўлгани учун «мад (чўзиқ) ҳарфлар», ҳалқум ва оғиз бўшлиғидан чиққани учун «жавф ҳарфлари», ҳалқум ва оғиз бўшлиғидан чиқиб, ҳавода тутагани учун «ҳаво ҳарфлари» деган номларни олган.

Бу ҳарфлар ўзи сукунли бўлиб, олдидаги ҳарфнинг ҳаракати унга мос бўлгандагина, мад ҳарфи бўлади. Аммо олдидаги ҳарфнинг ҳаракати унга мос бўлмаса, «و» икки лабдан, «ي» эса тил ўртасидан чиқади.

Мисол учун:

﴿أَوْتِي﴾، ﴿أَوَّلِي﴾، ﴿يَأْتِي﴾، ﴿أَيْمَانِكُمْ﴾.

Агар «و» ёки «ي» дан олдинги ҳарф фатҳали бўлса, иккаласи ҳам «лин ҳарфи» дейилади.

Мисол учун:

﴿خَوْفٌ﴾، ﴿الْبَيْتَ﴾.

## ҲАЛҚУМ

**Ҳалқум** – товуш пайчасидан кичик тилгача бўлган аъзо.

Ҳалқумда учта махраж бор:

1. Ҳалқумнинг энг туби. Товуш пайчаси ва унинг усти. Ундан иккита ҳарф – «ه» ва «ء» ҳарфлари чиқади.
2. Ҳалқумнинг ўртаси. Ундан иккита ҳарф – «ح» ва «ع» чиқади.
3. Ҳалқумнинг юқориси. Кичик тилнинг орқаси. Ундан ҳам иккита ҳарф – «خ» ва «غ» чиқади. Бу ҳарфлар ҳалқумдан чиққани учун «ҳалқий ҳарфлар» деб аталади.

## ТИЛ МАХРАЖЛАРИ

Тилда ўнта махраж бўлиб, улардан ўн саккизта ҳарф чиқади. Улар билан танишишдан олдин тилнинг ҳарф махражларида иштирок этадиган қисмларини санаб ўтамиз.

1. Тилнинг энг охири, яъни туби, ҳалқумга яқин жой.
2. Тилнинг ўртаси.
3. Тилнинг чети.
4. Тилнинг учи.

Ушбу ўринда айтиб ўтишимиз лозимки, мазкур ҳарфлар фақатгина тилнинг ўзидан чиқмай, балки тиш, танглай каби бошқа нутқ аъзолари иштирокида пайдо бўлади. Энди тилдаги махражлар ва улардан чиқадиган ҳарфларни санаб ўтамиз:

**Биринчи махраж** «ق» махражи бўлиб, тилнинг туби ва унинг юқорисидаги юмшоқ танглайдан чиқади.

**Иккинчи махраж** – «ك» махражининг сал ташқари-роғи. Ундан «ك» ҳарфи чиқади.

Бу икки ҳарф «лаҳавия» деб аталади. Улар лаҳа – кичик тилга яқин жойдан чиққани учун шундай ном олган.

**Учинчи махраж** тил ўртаси бўлиб, у билан юқорисидаги танглайдан учта ҳарф – «ي», «ش», «ج» ҳарфлари чиқади. Бу ҳарфлар шажр, яъни танглай билан тиш орасидаги бўшлиқда пайдо бўлгани учун «шажрия» деб аталади. Таъкидлаб ўтамизки, бу ердаги «ي» ҳарфи мад эмас, балки ҳаракатли ёки фатҳадан кейин сукунли бўлган «ي» – «й»дир.

Қолган махражларда тил билан бирга тиш ҳам иштирок этгани учун тишлар билан ҳам қисқача танишиб чиқамиз. Соғлом одамда тишлар ўттиз иккита бўлиб, ўн олтитаси тепада, ўн олтитаси пастда жойлашган бўлади. Уларнинг тартиби қуйидагича:

1) «Санийя», кўплиги «санаая» – курак тишлар. Улар тўртта бўлиб, иккитаси юқорида, иккитаси пастда жойлашган.

2) «Рубаъийя» – курак тишларнинг атрофидаги тўртта тиш, яъни номсиз тишлар.

3) «Наб» – қозик тишлар. Кўплиги «аняб». Улар ҳам тўртта. Номсиз тишларнинг атрофидаги тўртта тиш.

4) «Адрос» – озиқ тишлар. Юқоридаги тишлардан кейинги тишлар. Бирлиги «дирс»дир.

Озиқ тишлар ҳам бир неча турга бўлинади:

1) «Завоҳик» – табассум тишлари. Улар қозик тишлардан кейин жойлашган тўртта тиш.

2) «Тавоҳин» – янчар тишлар. Улар ўн иккита бўлиб, табассум тишларидан кейин жойлашган озиқ тишлардир.

3) «Навожиз» – ақл тишлар. Улар ҳам тўртта.

Бу тишлардан ўн саккизтаси махраж сифатида иштирок этади. Улар юқоридаги ўн олтита тиш ва пастдаги иккита курак тишлардир.

**Тўртинчи махраж «ض»** ҳарфининг махражидир. Бу ҳарф тилнинг ўнг ёки чап орқа чети билан қаршисидаги юқори озиқ тишлар орасидан чиқади. Ҳаммада ҳар хил, кимгадир ўнг тарафдан чиқариш осонроқ, кимгадир чап тарафдан. Аммо кўпчилик олимлар чап тарафдан чиқариш осонроқ эканини таъкидлашган. Бирданига икки тарафдан чиқариш эса яна ҳам қийин ва ноёбдир. Ривоят қилинишича, Умар розияллоҳу анҳу «ض» товущини тилларининг икки ёнини бирданига икки тараф тишларга уриб чиқарар эканлар.

**Бешинчи махраж «ل»** ҳарфининг махражидир. «ل» тилнинг олд қирғоғи билан рўпарасидаги тишлар — юқори курак тишлар, ёнидаги икки рубоъий ва уларнинг икки ёнидаги тишларнинг милкига теккизиб чиқарилади.

**Олтинчи махраж «ن»** ҳарфининг махражи бўлиб, у тилнинг учи ва унинг тўғрисидаги юқори курак тишларининг милкидан, «ل» ҳарфи махражининг тепароғидан чиқади. «ن» изҳор қилингандагина ушбу махраждан чиқади. Ўзидан бошқа товущга идғом ёки ихфо қилинганда эса унинг махражи димоғ бўлади.

**Еттинчи махраж «ر»** ҳарфи махражидир. Тил учи ва юқори курак тишларнинг милки тепасидан, «ن» ҳарфи махражининг юқорироғидан чиқади. «ر» ҳарфининг талаффузида тил махражда барқарор турмайди, балки титраб туради. Ушбу охирги учта ҳарф тилнинг учидан чиққани учун «залақийя» (тил учи ҳарфлари) деб аталади.

**Саккизинчи махраж «ت», «د», «ط»** ҳарфлари махражидир.

Бу ҳарфлар тил учининг юзаси ва юқори курак тишларнинг милкидан чиқади. Улар «натъийя» ҳарфлари деб аталади. «Натъ» танглайнинг олд қисмидир.

**Тўққизинчи махраж** «ص», «س», «ز» ҳарфлари махражидир.

Буларнинг чиқиш жойи тил учи ҳамда юқори ва пастдаги олд тишлар орасидир. Баъзи уламолар «Тил учи ва пастки курак тишларнинг ички тарафига яқинроқ жойдан чиқади», дейишган. Ушбу ҳарфлар «асалийя» деб аталади. «Асала» эса тилнинг учидир. Бу товушлар ўзининг хуштаксимонлик сифатига биноан «сафир ҳарфлари» ҳам дейилади. «Сафир» сўзи луғатда хуштак деган маънони англатади.

**Ўнинчи махраж** «ظ», «ذ», «ث» ҳарфларининг махражи бўлиб, улар тил уч юзаси билан юқори курак тишларининг учидан чиқади. Бу ҳарфлар милкка яқин жойдан чиққани учун «лисавийя» (милк ҳарфлари) деб аталади. Лекин айнан милкдан чиқмайди.

## ИККИ ЛАБДАГИ МАХРАЖЛАР

Лабда иккита махраж бор:

Биринчиси пастки лабнинг ичи билан юқори курак тишлар учи бўлиб, бу «ف» ҳарфининг махражидир.

Иккинчиси икки лаб бўлиб, бу «م», «ب», «و» ҳарфларининг махражидир. Аммо бу товушларнинг ҳосил бўлиши ўзаро кескин фарқ қилади.

«و» ҳарфи икки лабни бир оз чўччайтириб, орасини салгина очиб чиқарилади.

«ب» ҳарфи икки лабнинг бир-бирига қаттиқ урилишидан ҳосил бўлади.

«م» эса икки лабнинг бир-бирига ёпишиб, юмилишидан ҳосил бўлади.

Лабдан чиқадиган мазкур тўртта ҳарф «шафаҳийя» ёки «шафавийя» деб аталади. «Шафатун» – лаб деганидир.



## ДИМОҒ

Димоғда битта махраж бўлиб, ундан ғунна – мин-ғиллаш товуши чиқади. Ғунна «م» ва «ن» ҳарфларига хосдир.

### Савол ва топшириқлар:

1. Махраж нима?
2. Араб тилида ҳарф махражлари нечта?
3. Махражни қандай қилиб билиш мумкин?
4. Араб тилидаги товушлар қайси нутқ аъзоларида ҳосил бўлади?
5. Оғиз бўшлиғида нечта махраж бор?
6. Ҳалқум махражлари ва уларнинг ҳарфларини сананг.
7. Тилда нечта махраж бор?
8. Тишларнинг номларини айтиб, тушунтириб беринг.
9. Икки лаб махражи ва ундан ҳосил бўладиган товушларни тушунтиринг.
10. Димоғда нечта махраж бор?

## ОЛТИНЧИ ДАРС

### ҲАРФЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ

**Сифат** – ҳарфнинг ижро асносида ҳосил бўладиган ҳолати. Масалан, «истеъло», «жаҳр», «итбоқ» ва ҳоказо.

Уламолар сифатларнинг адади тўғрисида турли фикрларни айтишган. Мазкур фикрларнинг энг машхури ва мақбулини имом Жазарий танлаганлар. Унга кўра сифатлар ўн еттитадир. Улар икки қисмга бўлинади:

1. Зидди бор сифатлар.

2. Зидди йўқ сифатлар.

### ЗИДДИ БОР СИФАТЛАР

Бу турдаги сифатлар бешта бўлиб, улар зидди билан ўнта бўлади.

1. «Ҳамс», зидди «жаҳр».

2. «Шидда», зидди «рахова». Бу икки сифат орасида «байнийя» ҳам бор.

3. «Истеъло», зидди «истифола».

4. «Итбоқ», зидди «инфитох».

5. «Излоқ», зидди «исмот».

	Сифат	Орасида	Зидди
1	Ҳамс      الهمسُ	-	Жаҳр      الجَهْرُ
2	Шидда      الشِدَّةُ	Байнийя      البَيْئِيَّةُ	Рахова      الرَّحَاوَةُ
3	Истеъло      اِِسْتِعْلَاءُ	-	Истифола      اِِسْتِفَالَةٌ
4	Итбоқ      اِطْبَاقُ	-	Инфитох      اِنْفِتَاحُ
5	Излоқ      اِذْلَاقُ	-	Исмот      اِضْمَاتُ

## 1-ЖУФТ СИФАТ – ҲАМС ВА ЖАҲР

### ҲАМС

«Ҳамс» сўзи луғатда «яширин товуш», «махфий овоз» деган маъноларни англатади. Истилоҳда эса товуш нутқида махраждаги босим кучсиз бўлгани учун товушдан ташқари нафас, яъни ҳавонинг товушсиз ўтиши ҳамс дейилади.

Ҳамс ҳарфлари ўнта. Улар қуйидаги жумлада жамланган:

فَحْتَهُ شَخْصٌ سَكَّتْ

(Иборанинг маъноси: «Киши сукут қилди, бошқаси уни сўзга ундади».)

Ушбу ўн ҳарфнинг ҳар бирини алоҳида сукунли қилиб айтиб кўрсак, товушдан ташқари ҳаво ҳам қўшилиб чиқаётганини ҳис қилиш мумкин.

Талаффуз қилиб кўринг:

أَفْ، أَحْ، أَوْ...

### ЖАҲР

«Жаҳр» сўзи луғатда «ошкора овоз» деган маънони англатади. Истилоҳда эса товуш нутқида махражда босим кучли бўлгани учун махраждан қўшимча ҳаво чиқмаслигидир.

Жаҳр сифати ҳамс сифатининг зидди бўлгани учун ҳамс ҳарфларидан қолгани жаҳр ҳарфларидир. Жаҳр ҳарфларини сукунли қилиб нутқ қилиб кўрсак, бу товушларда қўшимча ҳаво чиқмаётганини, балки ҳавонинг мутлақ кесилаётганини сезамиз.

Талаффуз қилиб кўринг:

أَل، أَج، أَض...

## 2-ЖУФТ СИФАТ – ШИДДА ВА РАХОВА

### ШИДДА

«Шидда» луғатда «қувват», «қаттиқлик» деган маънони англатади. Истилоҳда эса товуш нутқида махраждаги қаттиқ сиқилиш туфайли овоз оқимининг мутлақ кесилишидир.

Шидда ҳарфлари саккизта бўлиб, улар ушбу иборода жамланган:

أَجِدُ قَطٍ بَكَتْ

(Иборанинг маъноси: «Қатни (аёл исми) йиғлаган (ҳолда) кўряпман».

Бу товушлар нутқ қилинаётганида кулоқ солиб кўрсак, товушнинг кесик, қисқа тарзда чиқаётганини ҳис этишимиз мумкин.

Талаффуз қилиб кўринг:

أء، أذ، أَج...

### РАХОВА

«Рахова» сўзи луғатда «юмшоқлик» деган маънони англатади. Истилоҳда эса товуш талаффузида махраждаги сиқилиш сустроқ бўлгани сабабли овоз оқимининг бир оз давом этишидир.

Рахова ҳарфлари шидда ва байнийя ҳарфларидан ташқари, барча ҳарфлар, яъни ўн бешта ҳарфдир.

Рахова товушларини нутқ қилиб кўрсак, товушнинг чўзилишга мойил эканини кўрамиз.

Талаффуз қилиб кўринг:

أَسْ، أَهْ، أَكْ

Шидда ва рахова сифатлари орасида яна бир сифат бўлиб, у «байнийя» сифатидир. Бу сифат бешта ҳарфда мавжуд. Улар қуйидаги жумлада жамланган:

لِنْ عُمَرَ

(Иборанинг маъноси: «Юмшоқ бўл, Умар».)

«Байнийя» сўзи луғатда «ўрта», «оралиқ» деган маънони англатиб, бу беш ҳарфнинг «байнийя ҳарфлари» деб аталишининг сабаби шуки, уларда овоз оқими шидда ҳарфларидагидек кесилмайди ҳам, рахова ҳарфларидагичалик чўзилмайди ҳам, балки ўртача ҳолатда бўлади, яъни бу товушлар бир оз чўзилувчанлик хусусиятига эгадир.

Талаффуз қилиб кўринг:

أَلْ، أَنْ، أَعْ...

### 3-ЖУФТ СИФАТ – ИСТЕЪЛО ВА ИСТИФОЛА

#### ИСТЕЪЛО

«Истеъло» луғатда «кўтарилиш» деган маънони англатади. Истилоҳда эса товуш нутқда тил орқасининг орқа танглайга кўтарилишидир. Бу кўтарилиш натижа-сида товушда йўғонлик ҳосил бўлади.

Истеъло ҳарфлари етгита:

خُصَّ ضَغَطٍ قَطٍ

(Иборанинг маъноси: «Тор қамиш уйда яшайвер», яъни «Озга қаноат қил».)

Истеъло ҳарфлари хоҳ сукунли бўлсин, хоҳ ҳаракатли бўлсин, ҳар доим йўғон талаффуз қилинади. Талаффуз қилиб кўринг:

أَخٌ، أَضٌ، أَضٌ...

### ИСТИФОЛА

«Истифола»нинг луғавий маъноси «пастлаш»дир. Истилоҳий маънода эса товуш нутқида тил орқасининг юмшоқ танглайга кўтарилмасдан, пастда ётиши.

Истифола ҳарфлари истеъло ҳарфларидан бошқа барча ҳарфлардир. Истифола ҳарфларидан истаганингизни талаффуз қилиб кўрсангиз, унда тил орқасининг юмшоқ танглайга кўтарилмаганини аниқ сезасиз. Масалан:

أَبٌ، أَنْ، أَخٌ...

### 4-ЖУФТ СИФАТ – ИТБОҚ ВА ИНФИТОҲ

#### ИТБОҚ

«Итбоқ» луғатда «ёпиштириш» деган маънони англатади. Истилоҳда эса товуш талаффузида тилнинг ҳамма қисмини ёки кўп қисмини юқори танглайга ёпиштиришдир. Бунда овоз оқими тил ва танглай ўртасида қаттиқ қисилгани ҳисобига товуш жуда ҳам йўғон талаффуз этилади.

Итбоқ ҳарфлари тўртта бўлиб, улар қуйидагилардир:

ص، ض، ط، ظ

Талаффуз қилиб кўринг:

أض، أظ، أض، أظ

### ИНФИТОҲ

«Инфитоҳ» сўзининг луғавий маъноси «очишиш»-дир. Истилоҳда эса ҳарфни талаффуз қилишда тилнинг аксар қисми юқори танглайдан узоқ, ораси очиқ туришини англатади. Бунда овоз оқими тил билан танглай орасида кескин сиқилишга дуч келмагани учун товушда йўғонлик нисбатан кам бўлади ёки умуман ҳосил бўлмайди. Инфитоҳ ҳарфлари тўрт итбоқ ҳарфларидан қолган ҳарфлардир.

Талаффуз қилиб кўринг:

أن، أخ، أز

### 5-ЖУФТ СИФАТ – ИЗЛОҚ ВА ИСМОТ

#### ИЗЛОҚ

«Излоқ» луғатда нарсанинг «учи», «тиғи» демакдир. Истилоҳда эса товушнинг фақат тил учи ёки лаб қирғоғидан талаффуз этилиши «излоқ» дейилади.

Излоқ ҳарфлари: «فَرٌّ مِنْ لَبٍ» иборасида жам бўлган.

(Маъноси: «Жоҳил оқилдан қочди».)

Ушбу ҳарфлар тил учи ва лаб четидан чиққани учун унинг талаффузи осон бўлиб, нутқда кўп куч сарфланмайди.

Талаффуз қилиб кўринг:

أَفْ، أَنْ، أَبْ...

### ИСМОТ

«Исмот»нинг луғавий маъноси «ман қилиш»дир. Истилоҳда эса товуш талаффузининг оғир бўлишини англатади. Бу товушлар тил ва лабнинг учидан эмас, нутқ аъзоларининг ичкарасида ҳосил бўлгани сабабли талаффузи оғирроқ кечади, шунинг учун ҳам асл араб тилида тўрт ёки беш ҳарфли сўзнинг ўзаги исмот ҳарфларининг ўзидан ташкил топиши мумкин эмас, балки уларда излоқ ҳарфи ҳам бўлиши шарт.

Исмот ҳарфлари олти излоқ ҳарфидан бошқа барча ҳарфлардир.

Талаффуз қилиб кўринг:

أَشْ، أَقْ، أَهْ...

### ЗИДДИ ЙЎҚ СИФАТЛАР

Зидди йўқ сифатлар еттитадир:

1. Сафир – ҳуштаксимонлик;
2. Қалқала – тебраниш;
3. Лин – мулойимлик;
4. Инҳироф – оғиш;
5. Такрир – такрорланиш;
6. Тафашший – ёйилиш;
7. Иститола – чўзилиш.



	Зидди йўқ сифатлар	Маъноси
1.	Сафир الصَّفِيرُ	Хуштаксимонлик
2.	Қалқала الْقَلْقَالَةُ	Тебраниш
3.	Лин اللَّيْنُ	Мулойимлик
4.	Инҳироф الْأَنْحِرَافُ	Оғиш
5.	Такрир التَّكْرِيرُ	Такрорланиш
6.	Тафашший التَّفْشِي	Ёйилиш
7.	Иститола الْأَسْتِطَالَةُ	Чўзилиш

### САФИР

«Сафир» луғатда «хуштак овози» деган маънони билдиради. Истилоҳий маънога кўра, товушдаги хуштаксимонликдир. Бошқача қилиб айтганда, писиллаш ёки пизиллаш.

Сафир ҳарфлари учта: «ص», «ز», «س»

Нутқ қилинаётганида парранда овозига ўхшаш товуш кўшилиб чиққани учун бу уч ҳарф «сафир ҳарфлари» деб аталади. «ص» ҳарфининг талаффузи ғознинг овозига, «ز» ҳарфининг талаффузи асаларининг, «س» ҳарфининг талаффузи чигиртканинг овозига ўхшатилади.

### ҚАЛҚАЛА

«Қалқала» луғатда «тебраниш», «беқарорлик» деган маънони англатади. Истилоҳда эса товушни сукунли ҳолида тебратиб, жаранглатиб айтишдир. Қалқала ҳарфлари бешта:

## قُطْبُ جَدِّ

(Маъноси: «Омад кутби» ёки «жиддийлик маркази»)

Ушбу ҳарфларнинг қалқала сифати билан сифатла-  
нишининг сабаби шуки, улар сукувли бўлганида, агар  
тебратилмаса, тингловчига яхши эшитилмай қолади,  
чунки уларда ҳам жаҳр, ҳам шидда сифати бор. Жаҳрда  
ҳаво ушланса, шиддада овоз оқими кесилади. Натижада  
товуш сукувли бўлганида аниқ эшитилмайди. Шунинг  
учун биз уларни тебратиб талаффуз қилиш билан бил-  
дириб ўқиймиз.

Қалқала уч даражали бўлади:

1. Кучли қалқала: қалқала ҳарфи сўз охирида шадда-  
ли келиб, ўша ҳарфда вақф қилинганда. Мисол учун:

﴿الْحَقُّ﴾، ﴿وَتَبَّ﴾

2. Ўртача қалқала: сўз охирида шаддасиз келган қал-  
қала ҳарфида тўхталганда. Мисол учун:

﴿الْفَلَقِ﴾، ﴿الْبَلَدِ﴾

3. Кучсиз қалқала: сўз ўртасида сукувли бўлиб кел-  
ган қалқала ҳарфидаги қалқала. Мисол учун:

﴿الْفَجْرِ﴾، ﴿عَدَنِ﴾

## ЛИН

«Лин» сўзи луғатда «мулойимлик», «енгиллик» де-  
ган маъноларни, истилоҳда эса товушнинг тилга оғир-  
ликсиз, мулойим ва осон чиқишини англатади. Лин  
ҳарфлари иккита бўлиб, улар «و» ва «ي» ҳарфларидир.

Бироқ бу ҳарфлар доим ҳам лин бўлмайди, балки лин бўлиши учун куйидаги шартларга эга бўлиши керак:

1. Ўзи сукунли бўлиши;
2. Ўзидан аввалги ҳарф фатҳали бўлиши;
3. Калимада охиргидан олдинги ҳарф бўлиши.

Мисол:

﴿الْبَيْتِ﴾، ﴿خَوْفٍ﴾

### ИНҲИРОФ

«Инҳироф» луғатда «мойил бўлиш», «оғиш» деган маънони англатади. Истилоҳда эса товушнинг нутқ пайтида ўз махражидан бошқа махражга мойил бўлишидир.

Инҳироф ҳарфлари иккита: «ر» ва «ل»

«ل» нинг ўз махражидан тил учига, яъни «ن» ҳарфининг махражига, «ر»нинг эса «ل» ҳарфининг махражига ўтиб кетишга мойиллиги бор.

Инҳироф сифати айрим уламоларнинг фикрича, сақланиш учун, яъни «ل» нинг «ن» га, «ر» нинг «ل» га ўхшаб қолишидан сақланиш, огоҳлантириш учун зикр қилинади.

Инҳироф товушда содир бўлади, деганлар ҳам бор. Уларнинг сўзига кўра, «ل» ҳарфи нутқ қилинганида тил олди танглай – милкка ёпишиб, овоз оқими эркин чиқшдан тўсади, натижада товуш оқими тилнинг икки ёни бўйлаб чиқади. Мана шу ҳолат оғиш, яъни инҳироф дейилади. «ر» ҳарфида эса тил учининг икки чети кўтарилиб, ўртасида чуқур пайдо бўлади. Орқадан келаётган овоз оқими шу ерга келганида кенг жойдан бирданига тор йўлга ўтади. Мана шу ҳолат оғиш – инҳироф дейилади.

## ТАКРИР

«**Такрир**»нинг луғавий маъноси «такрорлаш», «қайтариш»дир. Истилоҳий маъноси товуш талаффузида тил учининг титрашидир.

Такрир сифатига эга бўлган ҳарф битта бўлиб, у «**ر**» ҳарфидир.

Такрир сифатининг зикр қилиниши ҳақида ҳам икки хил фикр бор. Баъзилар: «**ر**»нинг ижро қилиниши керак бўлган зотий сифати, яъни такрир унинг сифати ўларок зикр қилинади», дейишади. Бошқалар эса: «Бу сифат ҳам инҳирофга ўхшаш сақланиш керак бўлган сифатдир. «**ر**»нинг талаффузида тил учи бир мартадан кўп титраши мумкин эмас, шунини таъкидлаш учун такрир сифати эслатилади», дейишади.

## ТАФАШШИЙ

«**Тафашший**» луғатда «ёйилиш» деган маънода келади. Истилоҳда эса ҳарф нутқида товуш оқимининг тил юзасида то тилнинг учигача ёйилишидир. Бу сифатга эга бўлган ҳарф битта: «**ش**».

## ИСТИТОЛА

«**Иститола**» луғатда «чўзилиш» деган маънода келади. Истилоҳда эса товуш оқимининг тилнинг ён чети бўйлаб чўзилишидир. Иститола фақат «**ض**» ҳарфига хос. «**ض**» ҳарфининг иститола сифатини олишини баъзилар товуш махражи тил ёни ва унинг тўғрисидаги тишлар бўлгани учун махраж узун бўлиши билан, бошқалар эса товуш узун махражда шакллангани учун унда чўзилувчанлик борлиги билан изоҳлайдилар.

## СИФАТЛАРНИ БИЛИШ

Бирорта ҳарфнинг сифатларини билмоқчи бўлсак, аввало уни зидди бор сифатлардан бирма-бир қидириб кўрамиз. Масалан, ҳамс ҳарфларидан қараймиз, бор бўлса, демак, у ҳамс ҳарфи бўлади, уларнинг ичида бўлмаса, унинг зидди, яъни жаҳр ҳарфи ҳисобланади. Сўнг кейинги сифат – шиддага ўтамиз ва ҳоказо. Зидди бор сифатлардан кейин эса зидди йўқ сифатларга ўтамиз.

Ҳар бир ҳарф камида бешта сифатга, кўпи билан еттита сифатга эгадир.

Ҳарфнинг кучли ёки кучсиз экани ҳам сифатлардан билинади. Сифатлар икки қисмга: кучли ва кучсизга бўлинади. Агар ҳарфнинг кучли сифатлари кўпроқ бўлса, у кучли ҳарф ҳисобланади. Кучсиз сифатлари кўпроқ бўлса, кучсиз ҳисобланади, иккаласи баробар бўлса, ўртача ҳисобланади.

### **Кучли сифатлар:**

1. Жаҳр
2. Шидда
3. Истеъло
4. Итбоқ
5. Исмо
6. Сафир
7. Қалқала
8. Инҳироф
9. Такрир
10. Тафашший
11. Иститола

### **Кучсиз сифатлар:**

1. Ҳамс
2. Рахова
3. Истифола
4. Инфитоҳ
5. Излоқ
6. Лин

Мазкур мезон бўйича хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «ط» ҳарфи энг кучли ҳарф ҳисобланади, чунки унда бирорта ҳам кучсиз сифат йўқ. Энг кучсиз ҳарф эса «ف» ҳарфидир. Бу ҳарфда кучли сифатлардан бирортаси йўқ.

## СИФАТЛАРНИ БИЛИШНИНГ ФОЙДАСИ

Товушларнинг махражларини билиш лозим бўлганидек, сифатларини билиш ҳам лозимдир. Махражларни билишда кўплаб фойда бўлганидек, сифатларни билишда ҳам фойдалар кўп. Биз улардан асосийларини зикр қиламиз:

1. Махраждош товушларни бир-биридан ажратишда ёрдам беради. Масалан: «ت», «د», «ط» товушлари бир махраждан чиқади. Агар ҳар бирига ўз сифатини бермасак, ҳаммаси деярли бир хил талаффузга эга бўлиб қолади.

2. Товушни тўғри ва гўзал нутқ қилиш имконини беради. Айниқса, бир-бирига зид сифатли ҳарфлар кетма-кет келганида бу нарса кўпроқ билинади. Масалан, истьеъло ҳарфидан кейин истифола ҳарфи келиб қолган ўринда сифатларни яхши билмаган киши йўғон ҳарф таъсирида ингичка ҳарфни йўғон қилиб ўқиши ёки акси бўлиши мумкин. Мисол учун, қуйидаги сўзларни олайлик:

﴿مَخْصَةٌ﴾، ﴿حَصْحَصَ﴾، ﴿يَصْدُرُ﴾

3. Ҳарфларни бир-бирига идғом қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини билиш малакасини беради. Қоида бўйича кучли ҳарфни кучсиз ҳарфнинг ичига киритиб бўлмайди, лекин аксини қилиш мумкин. Баъзи истисно ҳолатлар ҳам борки, иншааллох, уларни ўз ўрнида ўрганамиз.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Сифатнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини айтинг.
2. Зидди бор сифатлар қайсилар? Уларни зидди билан сананг.
3. Зидди йўқ сифатлар қайсилар?
4. Ҳарфларнинг сифатларини қандай қилиб биламиз?
5. Сифатларни билишнинг қандай фойдалари бор?

## ЕТТИНЧИ ДАРС

### МУТАМОСИЛ, МУТАҚОРИБ, МУТАЖОНИС ВА МУТАБОИД

Ҳарфлар орасида идғом ёки изҳор бўлиши уларнинг бир-бирига нисбатан мутамосил, мутақориб, мутажонис ёки мутабоид бўлишига қараб бўлади.

#### МУТАМОСИЛ

«Мутамосил» сўзи «мисл» сўзидан олинган бўлиб, «ўхшаш» деган маънони англатади. Кетма-кет келган икки ҳарф махражда ҳам, сифатда ҳам бир хил бўлса, мутамосил дейилади. Масалан, ﴿أَضْرِبْ بَعْصَاكَ﴾ жумласидаги икки «ب» ҳарфи.

Мутамосил уч қисмга бўлинади:

1. Кичик мутамосил.
2. Катта мутамосил.
3. Мутлақ мутамосил.

#### Кичик мутамосил:

1. Икки бир хил ҳарфнинг биринчиси сукувли, иккинчиси ҳаракатли бўлса, «кичик мутамосил» дейилади. Масалан:

﴿وَقَدْ دَخَلُوا﴾، ﴿وَمَنْ نُعَمِّرْهُ﴾

**Ҳукми:** Идғом қилиш, яъни биринчисини иккинчисининг ичига киргизиб ўқиш.

Аммо биринчи ҳарф мад бўлиб келган бўлса, идғом қилинмайди. Масалан, мад бўлиб келган «ي» ҳарфи ўзидан кейин келган ҳаракатли «ي» ҳарфига идғом қилинмайди. Масалан:



﴿ فِي يَوْمٍ ﴾

Шунингдек, «و» ҳарфи ҳам мад бўлиб, кетидан ҳаракатли «و» келса, идғом қилинмайди: Масалан:

﴿ قَالُوا وَهُمْ ﴾

*Илова:*

Ҳаққо сурасининг 28-ояти охиридаги ﴿ مَالِيَةً ﴾ калимаси билан кейинги оятнинг бошидаги ﴿ هَلَاكَ ﴾ сўзи имом Ҳафс ривояти бўйича уч хил ўқилиши мумкин:

а) ﴿ مَالِيَةً ﴾ дан кейин нафас олмай, бир сония туриб, сўнгра ﴿ هَلَاكَ ﴾ ни ўқиш, яъни иккала калима ўрта-сида сакта қилиш;

б) иккала калима орасида вақф қилиш, яъни ﴿ مَالِيَةً ﴾ калимасида тўхтаб, нафас олиб, кейин ﴿ هَلَاكَ ﴾ ни ўқиш;

в) иккала сўзни бир-бирига улаб, яъни икки «ه» ни идғом қилиб ўқиш:

مَالِيَهُ هَلَاكَ

**Катта мутамосил:**

2. Иккита бир хил ҳарфнинг иккаласи ҳам ҳаракатли бўлса, «катта мутамосил» дейилади: Масалан:

﴿ مَتَسِكْتُمْ ﴾، ﴿ عَدَدٌ ﴾

**Ҳукми:** Изҳор қилиш (яъни ҳарфни кейинги ҳарфга киргизмасдан, билдириб ўқиш).

**Мутлақ мутамосил:**

3. Иккита бир хил ҳарфнинг биринчиси ҳаракатли, иккинчиси суқунли бўлса, «мутлақ мутамосил» дейилади. Масалан:

﴿يَمْسِكُمْ﴾ ، ﴿شَقَقْنَا﴾

**Ҳукми:** Изҳор қилиш.

**МУТАҚОРИБ**

«Мутақориб» сўзи «қурб» сўздан олинган бўлиб, «ўзаро яқин» деган маънони англатади. Кетма-кет келган икки ҳарф махражда ёки сифатда, ёхуд ҳар иккисида бир-бирига яқин бўлса, улар «мутақориб» дейилади.

Махраж ва сифатда бир-бирига яқин икки товушга «ل» ва «ر» ни мисол қилиш мумкин:

﴿قُل رَّبِّ﴾

«ل» тилнинг олд четидан, «ر» эса тил учидан чиқади. Тил олди чети билан тил учи бир-бирига яқиндир. Бу икки товушнинг сифатлари ҳам деярли бир хил, илло «ر»нинг биргина ортиқ сифати бор, у ҳам бўлса тақрир. Биргина сифатдан ташқари барча сифатда шерик бўлган бу икки товуш ёнма-ён келган пайтда «мутақориб» деб аталади.

Фақат сифатда бир-бирига яқин бўлган товушларга «س» ва «ش» ҳарфлари мисол бўла олади:

﴿الْعَرْشِ سَيْلًا﴾

«ش» товуши «س» товушидан тафашший сифати билан, «س» эса «ش» дан сафир сифати билан фаркланади. Уларнинг қолган сифатлари бир хилдир. Демак, улар сифатда бир-бирига яқин, аммо махражда яқин эмас.

Фақат махражда бир-бирига яқин товушларга «د» ва «ر» ҳарфлари мисол бўла олади:

﴿فَقَدْ رَأَيْتُمُوهُ﴾

«د» ҳарфи тил учи ва юқори курак тишларининг милкидан чиқади. «ر» эса тил учи ҳамда юқори курак тишлар милки тепасидан чиқади. Бу икки товушнинг махражлари бир-бирига яқин, аммо сифатлари ҳар хилдир.

Мутақориб ҳам уч қисмга бўлинади:

1. Кичик мутақориб.
2. Катта мутақориб.
3. Мутлақ мутақориб.

### 1. Кичик мутақориб.

Кичик мутақорибда биринчи ҳарф сукунли, иккинчиси ҳаракатли бўлади. Масалан:

﴿فَقَدْ رَأَيْتُمُوهُ﴾

**Ҳукми:** Изҳор қилиш. Айрим ўринлар мустасно: «ل» ва «ر» товушларида. Масалан:

﴿قُلْ رَبِّ﴾, ﴿بَلْ رَبُّكُمْ﴾

Имом Ҳафс ривоятида ﴿مَخْلُقَكُمْ﴾ калимасида «ق» ҳарфи «ك» ҳарфига идғом қилинади.

Шунингдек, «ن» товуши «ي», «ل», «م», «ر» ва «و» ҳарфларига идғом қилинади.

## 2. Катта мутақориб.

Катта мутақорибда иккала ҳарф ҳам ҳаракатли бўлади. Масалан:

﴿كشَجَرَو﴾

Ҳукми: изҳор қилиш.

## 3. Мутлақ мутақориб.

Мутлақ мутақорибда эса биринчи ҳарф ҳаракатли, иккинчиси сукунли бўлади:

﴿عَلَيْكَ﴾

Ҳукми: изҳор қилиш.

## МУТАЖОНИС

«Мутажонис» сўзи «жинс» калимасидан олинган бўлиб, «жинсдош» деган маънони англатади. Махражи бир, сифатлари ҳар хил бўлган икки товуш кетма-кет келса, «мутажонис» дейилади. Масалан:

﴿قَدَبَيْنَ﴾

Мутажонис ҳам уч қисмга бўлинади:

1. Кичик мутажонис.
2. Катта мутажонис.
3. Мутлақ мутажонис.

### 1. Кичик мутажонис.

Кичик мутажонисда кетма-кет келган икки махраж-дош ҳарфнинг биринчиси сукунли, иккинчиси ҳаракатли бўлади. Масалан:

﴿أَوْ مَا مَلَكَتْ﴾

**Хукми:** Изҳор қилиш, қуйидаги беш ўрин мустасно бўлиб, уларда идғом қилинади:

1. «ذ» ҳарфи «ظ» ҳарфига учраганида. Масалан:

﴿إِذ ظَلَمُوا﴾

2. «ت» ҳарфи «د» ҳарфига йўлиққанида. Масалан:

﴿أُجِيبَتْ دَعْوَتُكُمْ﴾

3. «د» ҳарфи «ت» ҳарфига йўлиққанида. Масалан:

﴿لَقَدْ تَقَطَّعَ﴾

4. «ت» ҳарфи «ط» ҳарфига йўлиққанида. Масалан:

﴿وَدَّتْ طَائِفَةٌ﴾

Ушбу тўрт ҳолатда тугал идғом қилинади, яъни биринчи товуш иккинчи товушнинг ичига мутлақо кириб кетади, зоти ҳам, сифати ҳам қолмайди. Бопқача қилиб айтганда, ўзидан кейинги товушга алмашиб кетади.

5. «ط» ҳарфи «ت» ҳарфига учраганида. Масалан:

﴿فَرَطْتُمْ﴾

Ушбу бешинчи суратда идғом ноқис бўлади. Чунки икки махраждош товушнинг биринчиси иккинчисига киргани билан унинг айрим сифатлари қолади. Бунинг сабаби, биринчи ҳарф бўлмиш «ط» кучли ҳарфдир, ик-

кинчи «ت» эса ундан кучсиздир. Кучли ҳарф кучсиз ҳарфга идғом қилинганда, қоида бўйича, кучлилиқ сифати қолади. Шунинг учун «ط» ҳарфидаги итбоқ ва истеъло сифатлари йўқ бўлмайди, аммо идғом учун қалқала сифати йўқолади.

Имом Ҳафс ривоятида мутажонислардан яна икки ўринда идғом қилиш ривоят қилинган:

1. ﴿يَا هَيْتَ ذَاكَ﴾ да.

2. ﴿أَرْكَبَ مَعَنَا﴾ да.

Ушбу икки ўринда тугал идғом қилинади.

а. ث ҳарфи ذ ҳарфига;

б. ب ҳарфи م ҳарфига идғом қилинади.

## 2. Катта мутажонис.

Катта мутажонисда икки махраждошнинг биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам ҳаракатли бўлади. Масалан:

﴿الصَّالِحَاتِ طُوبَى﴾

Бу ерда «ت» ва «ط» ҳарфлари назарда тутиляпти.

Ҳукми: изҳор қилиш.

## 3. Мутлақ мутажонис.

Мутлақ мутажонисда биринчи ҳарф ҳаракатли, иккинчиси сукунли бўлади. Масалан:

﴿يَشْكُرُ﴾

Ҳукми: изҳор қилиш.

## МУТАБОИД

«Мутабоид» сўзи «буъд» сўзидан олинган бўлиб, «бир-биридан узоқ» деган маънони англатади. Махражда бир-биридан узоқ, сифатда ҳам фарқли бўлган икки товуш кетма-кет келса, «мутабоид» дейилади. Баъзан сифатда бир хил бўлиши ҳам мумкин.

Мутабоид ҳам уч қисмга бўлинади:

1. Кичик мутабоид.
2. Катта мутабоид.
3. Мутлақ мутабоид.

### 1. Кичик мутабоид.

Кичик мутабоидда биринчи ҳарф сукунли, иккинчиси ҳаракатли бўлади. Масалан, ﴿تَلَيْتَ عَلَيْهِمْ﴾ даги «ت» ва «ع» каби.

### 2. Катта мутабоид.

Катта мутабоидда кетма-кет келган икки ҳарф ҳам ҳаракатли бўлади. Масалан, ﴿خَتَمَهُ مِسْكٌ﴾ даги «م» ва «و» каби.

### 3. Мутлақ мутабоид.

Мутлақ мутабоидда биринчиси ҳаракатли, иккинчиси сукунли бўлади. Масалан, ﴿يَلَهَتْ﴾ даги «ه» ва «ث» каби.

*Эслатма:* Ҳар қайси икки товушнинг махражлари орасида бошқа товуш махражи бўлса, ана шу икки товуш бир-бирига нисбатан мутабоид бўлади. Мисол учун, «ك» ва «ل» ҳарфлари орасида «ش», «ج», «ي» ҳарфлари бор. Бинобарин, бу икки товуш бир-бирига нисбатан мутабоид ҳисобланади.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Мутамосил нима ва у неча қисмга бўлинади?
2. Мутамосилнинг ҳар қайси қисмини баён қилинг ва мисоллар келтиринг.
3. Мутақориб нима?
4. Мутақорибнинг қисмларини мисоллар билан баён қилинг.
5. Мутажониснинг таърифи ва қисмлари ҳақида гапириб беринг.
6. Мутажониснинг ҳар бир қисмини мисоллар билан тушунтиринг.
7. Мутабоид нима ва у неча қисмдан иборат?
8. Мутабоиднинг қисмларини баён қилинг ва мисоллар келтиринг.



## САККИЗИНЧИ ДАРС

### СУКУНЛИ НУН ВА ТАНВИН ҚОИДАЛАРИ

#### СУКУНЛИ НУН

«Суқун» сўзи луғатда «соқинлик», «ҳаракатсизлик» деган маъноларни билдиради. Истилоҳда эса ҳарфнинг фатҳа, замма, касра ҳаракатларидан холи эканини билдирувчи белгидир. «ن» эса араб алифбоси ҳарфларидан бири экани маълум. Демак, суқунли нун ҳаракатлардан холи, яъни фатҳа, замма ва касраси бўлмаган «ن»дир. Масалан:

﴿مَنْ﴾، ﴿أَنْعَمْتَ﴾

Суқун икки хил бўлади: лозим ва оризий. Калиманинг асл таркибида бор бўлган суқун «лозим суқун» дейилади. «Лозим» сўзи «ўзгармас» деган маънони англатади. Бу суқун «аслий» деб ҳам юритилади. Вақф сабабли калиманинг охириги ҳарфининг ҳаракати ўрнига келган суқун «ориз суқун» дейилади. «Ориз» сўзи луғатда «вақтинчалик» деган маънони англатади. Суқунли нун ва танвин қоидаларини ўрганишдан олдин суқунли нун ва танвин нима эканини билиб олишимиз лозим.

#### ТАНВИН

«Танвин» сўзнинг охирида келадиган қўшимча нундир. Унинг аломати қуйидагилардир:

Икки фатҳа: ﴿إِنَّ اللَّهَ كَانَ سَمِيعًا بَصِيرًا﴾

Икки замма: ﴿إِنَّ اللَّهَ عَلَيْهِمْ قَدِيرٌ﴾

Икки касра: ﴿وَيُجْرِكُمْ مِّنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

## СУКУНЛИ НУН ВА ТАВВИН ОРАСИДАГИ ФАРҚЛАР

Сукунли нун билан танвин орасида бир нечта фарқ бор:

1. Сукунли нун аслий, яъни калиманинг асл таркибида мавжуд ҳарфлардандир. Масалан:

﴿أَنْصَارٍ﴾

Лекин танвин аслий ҳарф эмас, доим зоида (ортикча) бўлиб келади.

2. Сукунли нун лафзда доим нутқ қилинади ва ёзувда ҳарф сифатида ёзилади. Масалан: ﴿الْأَنْفَالِ﴾ сўзидаги каби.

Танвин эса лафзда доим ҳам нутқ қилинмайди (яъни вақфда тушиб қолади) ва ёзувда ҳарф сифатида ёзилмайди, балки ҳаракат, белги сифатида ёзилади.

Масалан: ﴿إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ قَدِيرٌ﴾ сўзларидаги каби.

3. Сукунли нун васлда ҳам, вақфда ҳам, яъни ўзидан кейинги ҳарфга улаб ўқилганда ҳам, сукунли нунда тўхталганда ҳам талаффуз қилинади. Масалан:

Васл ҳолати: ﴿مِنْ أَنْصَارٍ﴾

Вақф ҳолати: ﴿اللَّوْزُ وَالْمَرْجَاتُ﴾ каби.

Танвин эса васлдагина талаффуз қилинади.

Масалан, ﴿عَلِيمٌ خَيْرٌ﴾ жумласида «м» устидаги танвин васлда «ن» қилиб ўқилади, аммо вақф ҳолатида танвин тушиб қолади ва «м» сукунли ўқилади: «عَلِيمٌ» эмас, «عَلِمٌ» деб ўқилади.

Агар танвин икки фатҳа бўлса, вақфда танвин ўрнига чўзиқ алиф ўқилади. Масалан: «عَلِيمًا» калимаси «عَلِيمًا» деб ўқилади.

4. Сукунли нун исмда ҳам, феълда ҳам, ҳарфда ҳам келаверади.<sup>3</sup>

Исмга мисол: ﴿أَنْعَمَ﴾

Феълга мисол: ﴿نَسَخَ﴾

Ҳарфга мисол: ﴿وَلَنْ﴾

Танвин эса фақат исмларда келади:

﴿سَمِيعٌ﴾, ﴿كُلُّ شَيْءٍ﴾

Бироқ Куръони Каримда истисно тариқасида икки ўринда феълда сукунли нун ўрнига танвин ёзилган.

﴿وَلَيَكُونَنَّ مِنَ الصَّغِيرِينَ﴾<sup>4</sup>

﴿لَتَسْفَعَنَّ بِالنَّاصِيَةِ﴾<sup>5</sup>

Ушбу икки оятдаги танвинлар аслида шаддасиз таъкид нунидир.<sup>6</sup>

5. Сукунли нун сўзнинг ўртасида ҳам, охирида ҳам келиши мумкин:

Сўз ўртасида: ﴿أَنْعَمْتَ﴾

Сўз охирида: ﴿مِنْ﴾

Аммо танвин фақат сўзнинг охирида келади. Масалан:

<sup>3</sup> Бу ерда араб тили қондаси бўйича араб калималари тақсимида ишора қилинапти. Араб калималари исм, феъл ва ҳарф туркумларидан иборат. Сукунли нун барча туркум сўзларида келиши мумкин.

<sup>4</sup> Юсуф сураси, 32-оят.

<sup>5</sup> Алақ сураси, 15-оят.

<sup>6</sup> Араб тилида феълдаги маънони таъкидлаш учун феъл охирига нун ҳарфи қўшилади. Бу нун «таъкид нуни» дейилади. У икки хил бўлади: шаддали, шаддасиз. Батафсил маълумот араб тили қондалари китобларидан олинади.

﴿سَوَاءٌ﴾، ﴿أَحَدٌ﴾

Шунинг учун ҳам сукунли нунга оид қоидалар бир калиманинг ичида ҳам, икки калиманинг орасида ҳам қўлланади. Масалан:

﴿لَنْ نَنَالُوا﴾، ﴿أَنْزَلَ﴾

Аммо танвин қоидалари икки сўз орасидагина қўлланади. Масалан:

﴿غَسَّوَةٌ<sup>هـ</sup> وَلَهُمْ﴾

Сукунли нун ва танвин талаффуз жиҳатидан бир хил бўлгани учун иккаласига бир хил қоидалар берилган. Бу қоидалар тўртта:

1. Изҳор.
2. Идғом.
3. Иқлоб.
4. Ихфо.

## ИЗҲОР

### Таърифи:

«Изҳор» луғатда «баён қилиш», «очик айтиш», «билдириш» деган маъноларни англатади. Истилоҳда эса сукунли нун ёки танвин изҳор ҳарфларидан бирига йўликқан пайтда «ن» товушини ўз махражидан аник, ғуннасиз чиқаришдир.

## Ҳарфлари:

ء، ه، ع، ح، غ، خ

Сукунли нун ёки танвиндан кейин мазкур изҳор ҳарфларидан бири келса, сукунли нун ва танвиндаги «ن» товуши ғуннасииз, очиқ билдириб талаффуз қилинади. Масалан:

﴿ذَرَّةٌ خَيْرًا يَرَهُ﴾، ﴿مِنْهُمْ﴾

## Номланиш сабаби:

Бу қоиданинг «изҳор» деб аталишининг сабаби шуки, сукунли нун ёки танвин изҳор ҳарфларига йўлиққанида очиқ айтилади. Бу изҳор тажвид илмидаги бошқа турдаги изҳор қоидаларидан ажралиб туриши учун «ҳалқум изҳори» деб ҳам аталади. Чунки қоиданинг асоси бўлган изҳор ҳарфларининг ҳаммаси ҳалқум товушларидир.

## Қоиданинг сабаб ва моҳияти:

Сукунли нун ёки танвин ушбу олти ҳарфдан бирига йўлиққанида изҳор қилиб ўқилишининг сабаби маҳражлар орасидаги узоқликдир. Маълумки, «ن» товуши тил учидан чиқади, изҳор ҳарфлари эса ҳалқумдан чиқади. «ن» тил учидан чиқадиган нутқи енгил товуш, изҳор ҳарфлари эса ҳалқум тубидан чиқадиган талаффузи оғирроқ товушлардир.

**Сукунли нуннинг бир сўзнинг ичида изҳор бўлиб келишига мисоллар:**

﴿ وَيَتَوَاتُ ﴾، ﴿ يَنْهَوْنَ ﴾، ﴿ أَنْعَمَ ﴾،  
﴿ تَنْجِثُونَ ﴾، ﴿ فَسَيُغَضُّونَ ﴾، ﴿ وَالْمُنْخَنِقَةُ ﴾

**Сукунли нуннинг икки калимада изҳор бўлиб келишига мисоллар:**

﴿ لَنْ أَرْسِلَهُ ﴾، ﴿ مَنْ هَاجَرَ ﴾، ﴿ إِنْ عَلَيْكَ ﴾،  
﴿ مَنْ حَكِيمٍ ﴾، ﴿ مَنْ غَلٍ ﴾، ﴿ مَنْ خَيْرٍ ﴾

**Танвиннинг изҳор бўлишига мисоллар:**

﴿ وَجِئْتِ الْأَفَافَا ﴾، ﴿ وَلِكُلِّ قَوْمٍ هَادٍ ﴾، ﴿ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴾،  
﴿ عَلِيمٌ حَلِيمٌ ﴾، ﴿ لَعَفُوْ غَفُوْرٌ ﴾، ﴿ عَلِيمٌ خَبِيرٌ ﴾

**Изҳорда кўп учрайдиган хатолар:**

1. Сукунли нун ёки танвинни изҳор қиламан деб сакта қилиб кўйиш, талаффузда изҳор ҳарфлар билан орасини ажратиб кўйиш.

2. Сукунли нун ёки танвинни қалқала қилиб кўйиш.

3. Сукунли нун ёки танвинни ихфо қилиб яшириб ўқиш.

4. Сукунли нун ёки танвинни ғунна қилиб, димоғ билан айтиш.

Демак, сукунли нун ва танвин изҳор ҳарфларига йўлиққанида «ن» товушини тўғри талаффуз қилиш учун у

билан изҳор ҳарфлари орасини очиб, сакта қилмасдан, «ن»ни ғунна, ихфо ёки қалқала қилмасдан, очиқ билдириб, уни байнийя сифатига биноан рахова ва шидда орасида нутқ қилиш лозим бўлади.

## ИДҒОМ

### Таърифи:

«Идғом» сўзи луғатда «киргизиш» деган маънони англатади. Истилоҳда эса сукунли нун ёки танвин идғом ҳарфларидан бирига йўлиққан пайтда «ن» товушини кейинги товушга киргизиб, иккаласини шаддали бир ҳарф шаклида ўқиш.

### Ҳарфлари:

Идғом ҳарфлари олтита бўлиб, улар қуйидагилардир:

يَرْمَلُونَ

### Қисмлари:

Идғом ҳарфлари иккига бўлинади:

- а) ғуннали идғом ҳарфлари: «و», «م», «ن», «ي» ;
- б) ғуннасиз идғом ҳарфлари: «ر», «ل».

Шунга биноан, сукунли нун ва танвиндаги идғом икки қисмга – ғуннали ва ғуннасиз идғомга бўлинади.

### Ғуннали идғом:

Ғунна аслида «ن» ва «م» товушлари талаффузи пайтидаги димоғдан чиқадиган ёқимли бир овоздир. Биз бу ҳақда махраж ва сифатлар баҳсида сўз юритганмиз. Аммо ғуннали идғом ҳақида сўз кетганда миқдорли ғунна назарда тутилади. Сукунли нун ёки танвиндан кейин ғуннали идғом ҳарфларидан бири келиб қолганда

«ن»ни кейинги ҳарфнинг ичига киргизиш билан бирга, идғомни икки ҳаракат миқдорича ушлаб туришга ғуннали идғом дейилади. «Бир ҳаракат миқдорича» деганда битта ҳаракатли ҳарфни талаффуз қилиш муддати тушунилади.

Ғуннали идғом тугал ёки ноқис идғом бўлиши ҳақида уламолар икки хил фикр айтганлар.

Биринчи фикрга кўра, «ن» ва «م» ҳарфларидаги идғом тугал идғом бўлади. Сукунли нун ва танвин ушбу икки ҳарфдан бирига идғом қилинган чоғида зотини ҳам, сифатини ҳам йўқотади. Яъни сукунли нун ёки танвин «ن» ҳарфига кириб, шаддали ҳарф бўлади, «م» ҳарфига киришганда эса «ن» «م» га айланади. Бу билан унинг зоти йўқолади. Йўқотадиган сифати эса ғуннадир. Шунда тўла идғом ҳосил бўлади. Идғомдаги ғунна кейинги ҳарфнинг ғуннасидир, сукунли нун ёки танвинники эмас. «و» ва «ي» ҳарфларида эса идғом ноқис бўлади. Сукунли нун ёки танвин ушбу икки ҳарфга киришиб, зотини йўқотса ҳам, сифати, яъни ғуннани йўқотмайди. «Ҳозирда Мусҳафларда, хусусан Мадина Мусҳафида идғом ўрнидаги «ن» ва «م» ҳарфларига шадда белгиси ёзилиши, «و» ва «ي» ҳарфларига эса шадда ёзилмаслиги шундан», дейишади ушбу фикр эгалари.

Иккинчи фикрга кўра, сукунли нун ва танвин ушбу тўрт ҳарфнинг қай бирига идғом қилинса ҳам, идғом ноқис бўлади. «ن» ва «م» ҳарфларидаги идғом ғуннаси сукунли нун ва танвин ғуннасидир, кейин келаётган «ن» ва «م» ҳарфлариники эмас.

Ғуннали идғомга мисоллар:

﴿مَنْ يَعْمَلْ﴾، ﴿وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ﴾، ﴿مِنْ نِعْمَةٍ﴾



﴿شَيْءٍ نُّكْرٍ﴾، ﴿مِنْ مَّرْقَدِنَا﴾، ﴿قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ﴾،  
 ﴿مِنْ وَالٍ﴾، ﴿مِنْ وَالِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ﴾.

### Ғуннасиз идғом:

Сукунли нун ёки танвин ғуннасиз идғом ҳарфлари бўлмиш «ل» ва «ر»дан бирига йўликса, сукунли нун ёки танвинни мазкур ҳарфларнинг ичига киргизиб, ғуннасиз, бир шаддали ҳарф каби талаффуз қилиш «ғуннасиз идғом» дейилади.

Ғуннасиз идғом тугал идғомдир, чунки сукунли нун ёки танвин «ل» ёки «ر» ҳарфларига киргизиб ўқилганда зоти ҳам, сифати ҳам қолмайди.

﴿مِنْ لَدُنَّ﴾، ﴿مَا لَا بُدَّ﴾، ﴿مِنْ رَبِّهِمْ﴾،  
 ﴿فِي عَيْشَةٍ رَّاضِيَةٍ﴾.

Шунинг учун Мадина Мусхафи услубида бундай «ل» ва «ر»га шадда кўйилади. «ن»га сукун кўйилмайди.

### Идғомнинг шарти:

Идғомнинг шарти – сукунли нун билан идғом ҳарфи бошқа-бошқа калимада бўлиши, яъни сукунли нун биринчи калиманинг охирида, идғом ҳарфи эса кейинги калиманинг бошида келишидир. Табиийки, танвин фақат сўз охирида келади.

Бир калиманинг ичида сукунли нундан кейин идғом ҳарфи келса, изҳор қилинади, идғом қилинмайди. Негаки, идғом қилинса, сўзнинг ўзаги йўқолиб, маъноси бузилади.

Бир сўзнинг ичида сукунли нундан кейин идғом ҳарфи келган калималар Куръони Каримда тўрттадир:

﴿صِنَوَانٌ﴾، ﴿قِنَوَانٌ﴾، ﴿بِنَيْنٌ﴾، ﴿الدُّنْيَا﴾

### Қонданинг сабаб ва моҳияти:

Сукунли нун ёки танвинни мазкур ҳарфларга идғом қилинишининг сабаби «ن» ва идғом ҳарфларининг махражлари бир-бирига яқин бўлганидир. Махражлари бир-бирига яқин бўлган ҳарфларни изҳор қилиш нутққа оғир бўлгани учун уларнинг бири иккинчисига идғом қилинади.

«ن» билан «ن» мислайндир, яъни махраж ва сифатлари бир бўлган икки бир хил ҳарф.

«ن» билан «م» ҳарфи мутажонис, яъни жинсдош ҳарфлардир. Иккаласи ҳам ғуннали товуш бўлиб, ғуннаси бир махраждан (товуш оқимидан), яъни димоғдан чиқади.

«ن» билан қолган идғом ҳарфлари, яъни «ر», «ل», «و», «ي» мутақориб, яъни махражлари яқин ҳарфлардир. «ن» тил учидан чиқади. «ر» ҳарфи тил уч юзасидан, «ل» эса тил олди қирғоғидан, яъни иккиси ҳам «ن»нинг махражига яқин жойдан чиқади. «و» эса лабдан, «ي» тил ўртасидан чиқади. Шу билан бирга, «ن» бу икки ҳарфга инфитоҳ ва жаҳр сифатларида мутажонис, яъни жинсдошдир. Мана шу омиллар туфайли сукунли нун ва танвиндаги «ن» товуши мазкур идғом ҳарфларига йўлиққанда идғом қилиб ўқилади.

### Идғомда кўп учрайдиган хатолар:

1. Сукунли нун ёки танвин «ل» ҳарфига идғом қилинганида ғунна қилиш;

2. Ғуннали идғомда ғуннанинг миқдорини икки ҳаракатдан кам ёки кўп қилиш.

## ИҚЛОБ

### Таърифи:

«Иқлоб» сўзи луғатда нарсани ўз ҳолатидан бошқага ўзгартиришни англатади. Истилоҳда эса сукунли нун ёки танвин иқлоб ҳарфига йўлиққанда улардаги «ن» товуши «م»га алмаштириб, ихфо қилиб, ғунна билан ўқишдир. (Баъзилар буни «қалб қоидаси» ҳам дейишади)

### Ҳарфлари:

Иқлоб ҳарфи битта бўлиб, «ب» ҳарфидир.

Демак, сукунли нун ёки танвиндан кейин «ب» ҳарфи келса, «ن» ни «م» га айлантириб, кейин «م»ни ихфо қилиб, ғунна билан ўқиймиз.

Сукунли нун иқлоби бир калиманинг ичида ёки икки калиманинг орасида бўлиши мумкин. Масалан:

﴿لَيُنْبَذَنَّ﴾، ﴿مِنْ بَعْدِ﴾

Танвин иқлоби эса икки сўз орасида келади. Масалан:

﴿سَمِيعٌ بَصِيرٌ﴾

### Қоиданинг сабаб ва моҳияти:

Иқлобнинг сабаби шуки, «ب» товуши олдидан сукунли нун ёки танвинни изҳор қилиб, очиқ талаффуз қилиш қийиндир.

«ن» товуши «ب» билан махраждош бўлмагани учун идғом қилиб бўлмайди. Шунинг учун у «ب» нинг мах-

раждоши бўлган «м» ҳарфига алмаштирилади. Натижада талаффузда енгиллик ҳосил бўлади.

### **Иқлобда кўп учрайдиган хатолар:**

1. Иқлобда икки лабни қаттиқ юмиш.

Бунда «м» шаддалига ўхшаб қолади, иқлобда эса «м» ҳарфи иккита эмас.

2. «м»ни талаффуз қилаётганда икки лаб орасини очиб юбориш. Лаблар ораси кенг очиб юборилса, «м» ғунна махражидан узоқлашиб, унга керакли ғунна берилмай қолади.

Демак, иқлобда «м»ни талаффуз қилаётганда лабларни оҳиста юмамиз, қаттиқ ҳам юммаймиз, орасини очиб ҳам юбормаймиз.

## **ИХФО**

### **Таърифи:**

«Ихфо»нинг луғавий маъноси «яшириш» демакдир. Истилоҳий маъноси эса сукунли нун ёки танвин ихфо ҳарфларидан бирига йўликқанда уларни ўша товушнинг махражига яшириб, ғунна билан талаффуз қилишдир.

### **Ҳарфлари:**

ص، ذ، ث، ك، ج، ش، ق، س، د، ط، ز، ف، ت،

ض، ظ

Демак, сукунли нун ёки танвин ихфо ҳарфларидан бирига йўликса, сукунли нун ва танвиндаги «ن» товушини кейинги келган товушнинг махражига яшириб, ғунна билан ўқилади.

**Қонданинг сабаб ва моҳияти:**

Ихфо ҳарфларининг махражлари «ن»нинг махражига изҳор ҳарфлариники каби узоқ ҳам эмас, идғом ҳарфлариники каби яқин ҳам эмас, балки ўртачадир. Шу боис изҳор ва идғом орасидаги ҳукм ихфо ҳукмини олган. Ихфода сукунли нун ва танвиндаги «ن» товуши идғомдагидек кейинги товушга бир йўла кириб ҳам кетмайди, изҳордагидек очик, билдириб ҳам ўқилмайди, балки ўзидан кейинги товуш билан қоришиқ ҳолда талаффуз қилинади.

**Даражалари:**

Ихфо ҳарфлари махражда «ن» ҳарфига узоқ ёки яқинлигига қараб даражаларга бўлинади. Масалан:

«ط», «د», «ت» ҳарфлари «ن» ҳарфига махражда яқин бўлгани учун «кучли ихфо» дейилади. Ихфонинг кучлилиги «ن» нинг кўпроқ яширин бўлиши, изҳордан идғомга яқинлашиши билан изоҳланади.

«ق», «ك» ҳарфларининг махражи «ن» ҳарфининг махражига узоқ бўлгани учун «кучсиз ихфо» дейилади.

Қолган ҳарфлар ораликда бўлгани учун «ўрта ихфо» дейилади.

**Мисоллар:**

﴿يَنْصُرْكُمْ﴾، ﴿أَنْ صَدُّوَكُمْ﴾، ﴿رِيحًا صَرَّصَرًا﴾  
 ﴿لِيُنذِرَ﴾، ﴿مَنْ ذَا الَّذِي﴾، ﴿ظَلِي ذِي﴾  
 ﴿مَنْشُورًا﴾، ﴿مِنْ ثَمَرَةٍ﴾، ﴿مَاءَ ثَجَاجًا﴾  
 ﴿أَنْكَالًا﴾، ﴿أَنْ كَانَ﴾، ﴿فِي يَوْمٍ كَانَ﴾  
 ﴿فَأَنْجَيْنَاهُ﴾، ﴿وَمَنْ جَاهِدْ﴾، ﴿فَصَبْرٌ جَمِيدٌ﴾  
 ﴿مَنْشُورًا﴾، ﴿إِنْ شَاءَ﴾، ﴿بِأَسْسٍ شَدِيدٍ﴾

﴿فَأَنقَذَكُم﴾، ﴿فَإِن قَتَلُوكُم﴾، ﴿شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾  
 ﴿مِنسَاتِهِم﴾، ﴿مِن سُوءٍ﴾، ﴿قَوْلًا سَدِيدًا﴾  
 ﴿عِنْدَ﴾، ﴿مِن دُونِ﴾، ﴿قِتْوَانٌ دَانِيَةٌ﴾  
 ﴿يَنْطِقُونَ﴾، ﴿فَإِن طِبْنَ﴾، ﴿قَوْمًا طَغِينَ﴾  
 ﴿مُنزَلًا﴾، ﴿فَإِن زَلَلْتُمْ﴾، ﴿يَوْمَئِذٍ زُرْقًا﴾  
 ﴿أَنفِرُوا﴾، ﴿وَإِن فَاتَكُمُ﴾، ﴿عُمَىٰ فَهَمَّ﴾  
 ﴿مُنْهَوْنَ﴾، ﴿مِن تَرَابٍ﴾، ﴿جَنَّتِ بَجْرَىٰ﴾  
 ﴿مَنْضُودٍ﴾، ﴿مَنْ ضَلَّ﴾، ﴿قَوْمًا ضَالِّينَ﴾  
 ﴿يُنظُرُونَ﴾، ﴿مِن ظَهِيرٍ﴾، ﴿قُرَىٰ ظَهْرَةَ﴾

### Номланиш сабаби:

Бу қоидада сукунли нун ва танвиндаги «ن» товуши ўзидан кейин келаётган товушга яшириб, қориштириб талаффуз қилингани учун «ихфо» деб ном олган. («Ихфо» сўзи луғатда «яшириш» деган маънони англаштишини юқорида айтиб ўтдик.) Бу ихфо бирламчи ихфо бўлгани учун уни тажвиддаги бошқа ихфо қоидаларидан ажратиш учун «ҳақиқий ихфо» деб ҳам юритилади.

### Ихфода кўп учрайдиган хатолар:

1. Сукунли нун ёки танвиндан олдинги ҳаракатни чўзиб юбориш. Масалан, ﴿كُنْتُمْ﴾ни ﴿كُونْتُمْ﴾ деб ўқиш. Бунда ортиқча бир ҳарф кўшилиб қолади.

2. Сукунли нун ёки танвинни ихфо қилишда тил учининг юқори курак тишларнинг милкига тегиб қолиши. Бундай қилинса, «ن» ихзор бўлиб қолади. Агар шу ҳолатда ғунна қилинса, «ن» шаддали ҳам бўлиб қолади.

3. Ихфода сукунли нун ёки танвиндан кейин келади-ган ҳарфнинг йўғон ёки ингичка ўқилишини эътиборга олмаслик. Қоидага кўра, кейинги ҳарф ингичка бўлса, «ن»ни унинг махражига яқинлаштириб, ингичка ихфо қилинади, йўғон бўлса, йўғон ихфо қилинади.

4. Ихфонинг даражаларини тўғри бермаслик. Айтиб ўтганимиздек, «ط», «د», «ت» ҳарфларида энг кучли, «ق», «ك» ҳарфларида кучсизроқ, қолган ҳарфларда ўрта даражадаги ихфо лозимдир.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Сукун, сукунли нун ва танвин нима? Сукунли нун ва танвин орасидаги фарқларни айтинг.

2. Ихзорнинг таърифини айтиб беринг. Ихзор ҳарфлари қайсилар? Номланиш сабаби, қоиданинг моҳияти ва сабабини айтинг. Ихзорда қайси хатолар кўп учрайди. Ихзорга мисоллар келтиринг.

3. Идғомни таърифланг, ҳарфларини ва қисмларини айтинг. Номланиш сабаби, қоиданинг моҳияти ҳамда сабаби нима? Идғомдаги кўп учрайдиган хатолар қайсилар? Идғомнинг шарти нима? Мисоллар билан тушунтиринг.

4. Иқлоб нима ва у қайси ҳарфларда бўлади? Номланиш сабаби ва ундаги қоиданинг моҳиятини баён қилинг. Иқлобда учрайдиган хатолар қайсилар? Иқлоб қоидаси фақат бир сўзнинг ичида бўладими ёки икки сўз бир-бирига йўлиққанида ҳам учрайдими?

5. Ихфони таърифланг ва ҳарфларини айтинг, мисоллар келтиринг. Таърифи сабабини, қоида моҳиятини ва унда учрайдиган хатоларни санаб беринг.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС

### СУКУНЛИ МИМ ҚОИДАЛАРИ

Сукунли мим ҳаракатсиз «м»дир.

Сукунли мимда учта қоида бор:

1. Шафавий ихфо.
2. Кичик идғоми мислайн.
3. Шафавий изҳор.

#### 1. ШАФАВИЙ ИХФО

##### Таърифи:

«Ихфо» юқорида айтиб ўтилганидек, «яшириш» демакдир. «Шафавий» сўзи «лабга оид» деган маънони англатади. Истилоҳда сукунли «м» «б» ҳарфига йўлиққанда уни ихфо қилиб, икки ҳаракат ғунна билан ўқиш «шафавий ихфо» дейилади.

##### Ҳарфи:

Битта «б» ҳарфи.

Демак, сукунли «м» дан кейин «б» ҳарфи келса, «мим»ни бир оз яшириб, ғунна билан ўқилади. Масалан:

﴿يَوْمَ هُمْ بَرْزُونَ﴾

##### Номланиш сабаби:

Сукунли «м» «б» ҳарфининг олдида яшириб ўқилгани сабабли ушбу қоида «ихфо» деб, лабда ижро қилингани учун «шафавий» деб ном олган. «ن» ҳарфи ихфосидан ажралиб туриши учун бу қоида «шафавий ихфо», яъни «лаб ихфоси» деб ном олган.



### Қоиданинг сабаб ва моҳияти:

«м» ва «ب» ҳарфлари махраждош бўлиб, «м» ғуннали бўлгани учун талаффузда «м» товушидан «ب» товушига бирдан ўтиш бироз қийинчилик туғдиради. Шунинг учун у ихфо билан икки ҳаракат ғунна қилинади.

### Шафавий ихфода кўп учрайдиган хатолар:

1. Лабларни қаттиқ юмиш. Бунда «м» шаддалига ўхшаб қолади.

2. Лаблар орасини катта очиб олиш. Бунда «м» мутлақо йўқ бўлиб, ғунна сифати ҳам йўқолади.

## 2. КИЧИК ИДҒОМИ МИСЛАЙН

### Таърифи:

«Идғом» сўзи, юқорида айтилганидек, бир нарсани бошқасига киргизиш, «мислайн» эса икки бир хил ҳарф демакдир. Истилоҳда сукунли «м» ортидан «м» келса, биринчисини иккинчисининг ичига киргизиб, бир шаддали «м» қилиб ўқиш.

### Ҳарфи:

Битта «м» ҳарфи.

Демак, сукунли мим ҳарфидан кейин яна «м» келса, иккаласи ташдидли бир ҳарф қилиб, ғунна билан ўқилади.

Мисол учун:

﴿وَلَكُمْ مَّا كَسَبْتُمْ﴾

### Номланиш сабаби:

«м»ни иккинчи бир «м»нинг ичига киргизиб ўқилгани учун «идғом» дейилади. Иккала ҳарф бир хил бўлгани учун «мислайн» деб аталади. Бошқа кетма-кет келган бир хил ҳарфлардан ажратиш мақсадида «кичик» деб аталади.

**Кичик идғоми мислайнда кўп учрайдиган хатолар:**

1. Сукунли мимдан аввалги ҳарфнинг ҳаракатини чўзиб юбориш, бунда ортиқча ҳаракат пайдо бўлиб қолади. Масалан, ﴿أَخْرَجُوهُمْ مِّنْ﴾ калимасини أَخْرَجُوهُمْ қилиб ўқиш.

2. Ғунна миқдорини икки ҳаракатдан оз ёки кўп қилиш.

### 3. ШАФАВИЙ ИЗҲОР

#### Таърифи:

«Изҳор»нинг луғавий маъноси «очиқ айтиш», «баён қилиш» эканини юқорида ўргандик. «Шафавий» ҳам маълум.

#### Ҳарфлари:

«ب» ва «م» ҳарфларидан ташқари 26 та ҳарфнинг барчаси.

Демак, сукунли мим «ب» ва «م»дан бошқа ҳарфга йўлиқса, уни изҳор қилиб, очиқ-ойдин талаффуз қилинади.

Мисол учун:



#### Номланиш сабаби:

«م» ҳарфи билдириб ўқилгани учун «изҳор» дейилади. Лабдан чиққани учун «шафавий» деб аталади.

#### Қонданинг сабаб ва моҳияти:

«م» товушининг махражи билан аксар изҳор ҳарфларининг махражлари орасидаги узоқликдир.

### Эслатма:

Сукунли мим «ف» ва «و» ҳарфларига йўликса, изҳорни яна ҳам кучлироқ қилиш лозим бўлади. «ف» ҳарфининг махражи «م» ҳарфининг махражига яқин, «و» эса «م» билан махраждошдир. Шу сабабдан сукунли мимнинг бу ҳарфлар олдида ихфо бўлиб қолиш эҳтимоли кучлидир.

Мисол учун:

﴿لَهُمْ فِيهَا﴾، ﴿ءَابَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ﴾

### Эслатма:

Ёсин сурасининг 19-ояти сукунли мимнинг ҳамма аҳкомларини ўз ичига олган:

﴿قَالُوا طَٰغِيْرُكُمْ مَّعَكُمْ اَيْنَ ذُكِّرْتُمْ بَلْ اَنْتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُوْنَ﴾

Нисо сурасининг 155-оятида сукунли «м»нинг бир нечта аҳкомлари билан бирга, сукунли «ф»нинг «ф» ва «о» ҳарфларидан олдин келганига ҳам мисол бор:

﴿فِيْمَا نَقَضِهِمْ مَّيْشَقَهُمْ وَكُفْرِهِمْ بِآيٰتِ اللّٰهِ وَقَوْلِهِمْ اَلْاَنْبِيَاءَ يَغِيْرُ حَقِّ وَقَوْلِهِمْ قُلُوْبُنَا غُلْفٌ بَلْ طَبَعَ اللّٰهُ عَلٰىهَا بِكُفْرِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُوْنَ اِلَّا قَلِيْلًا﴾

### Шафавий изҳорда кўп учрайдиган хатолар:

1. Сукунли мимда ғунна қилиш.
2. Сукунли мимни тебратиш.
3. Сукунли мимда сакта қилиб, туриб қолиш.

4. Сукунли мим «ف» ёки «و» ҳарфларига йўлиққанида ихфо қилиб қўйиш.

### ШАДДАЛИ НУН ВА МИМ ҚОИДАСИ

Шаддали «ن» иккита «ن» бўлиб, биринчиси сукунли, иккинчиси ҳаракатли нундир. Шаддали «م» ҳам худди шундай. Масалан:

﴿إِنَّ﴾، ﴿عَمَّ﴾

«ن» ва «م» ҳарфлари шаддали бўлганда икки ҳаракат миқдорида ғунна билан ўқилади.

### ҒУННА

Юқорида айтиб ўтилганидек, ғунна икки хил бўлади. Бири табиий, яъни «ن» ва «م» товушларининг таркибидаги димоғдан чиқадиган овоз. Иккинчиси «миқдорли ғунна» бўлиб, икки ҳаракат миқдорича давом этадиган ғуннадир. Бу ерда ана шу ғунна ҳақида баҳс юритамиз. Бу ғунна уч турли бўлиб, мазкур турларига биноан у уч даражали бўлади.

#### Ғуннанинг даражалари:

1. Энг кучли ғунна. Бу шаддали «ن» ва «م»даги ғуннадир:

﴿إِنَّ﴾، ﴿عَمَّ﴾

2. Ўрта даражали ғунна. Бу ғуннали идғомдаги ғунна:

﴿خَلَقْتُمْ مِّنْ﴾، ﴿مَنْ يَقُولُ﴾

### 3. Кучсиз ғунна. Бу ихфодаги ғунна:

﴿يَأْتِيكُمْ بِمَاءٍ﴾، ﴿يَنْصُرُكُمْ﴾

#### Ғуннада кўп учрайдиган хатолар:

1. Ғунна миқдорини икки ҳаракатдан кўп ёки кам қилиш.
2. Шаддали «ن» ёки «م»дан аввалги ҳарфнинг ҳаракатини чўзиб юбориш. Масалан, ﴿إِنَّ﴾ни اِنَّ қилиб ўқиш.
3. Сукунли нун ёки сукунли мимда вақф қилинганда сукунли нун ёки мимни тебратиб тўхташ.

#### Савол ва топшириқлар:

1. Сукунли мим нима ва унда нечта қоида бор? Ҳар бирининг таърифини, таърифининг сабабини ва қоиданинг моҳиятини айтинг.
2. Сукунли мим қоидаларининг ҳар бирига мисол келтиринг ва унда учрайдиган хатоларни баён қилинг.
3. Сукунли мим қайси ҳарфларга йўлиққанида изҳорни янада аниқроқ қилиш керак ва бунинг сабаби нима?
4. Шаддали нун ва мим нима? Ғунна-чи? Ғуннанинг қандай даражалари бор? Ғуннада учрайдиган хатолар нималардан иборат?

## ЎНИНЧИ ДАРС

## СУКУНЛИ ЛАМ ҚОИДАЛАРИ

Сукунли, яъни ҳаракатсиз лам Қуръони Каримда беш хил суратда келади:

1. Таъриф (аниқлик) лами – «ال».
2. Феъл лами.
3. Исм лами.
4. Ҳарф лами.
5. Буйруқ лами.

## 1. ТАЪРИФ ЛАМИ

«ال» (алиф-лам) накра сўзнинг олдига қўшилиб, уни маърифага айлантиради.<sup>7</sup> Алиф васлани бўлиб, ундан бошлаб ўқилганда, фатҳа билан ўқилади.

﴿الْحَمْدُ﴾، ﴿الرَّحْمَنُ﴾

«ال» нинг «лам»и ўзидан кейинги ҳарфга қараб икки хил ҳолатда бўлади: изҳор ва идғом.

**Изҳор:**

«ال»нинг «лам»идан кейин қамарий ҳарфлар келса, сукунли лам изҳор қилинади:

﴿الْحَجُّ﴾، ﴿الْبُرِّ﴾

Қамарий ҳарфлар 14 та бўлиб, улар куйидаги иборада жамланган:

<sup>7</sup> Накра – тингловчига номаълум бўлган сўз, маърифа – тингловчига маълум бўлган сўз. Батафсил маълумот учун араб тили қоидалари битилган китобларга қаранг.

ابغ حَجَّكَ وَحِفِّ عَقِيمَهُ

(Иборанинг маъноси: «Хажингни ният қил ва унинг қабул бўлмаслигидан кўрк»).

**Идғом:**

«ال» нинг «лам»идан кейин шамсий ҳарфлар келганда сукунли лам ўзидан кейин келган ҳарфнинг жинсига айланади ва шу ҳарфга идғом қилинади, натижада ўша ҳарф шаддали қилиб ўқилади:

﴿الشَّمْسُ﴾، ﴿مَلِكِ النَّاسِ﴾

Шамсий ҳарфлар 14та бўлиб, улар ушбу байтдаги сўзларнинг бошида келган:

طِبُّ ثُمَّ صَلِّ رُحْمًا تَقْرُ ضِفْ ذَا نِعَمٍ دَعِ سُوءَ ظَنِّ زُرٍّ شَرِيفًا لِلْكَرَمِ

(Иборанинг маъноси: «Яхши бўл, сўнг силаи раҳм қил, ютукқа эришгайсан. Саҳоват эгасини меҳмон қил, бадгумонликни қўй, шарифни саҳоват учун зиёрат қил»).

## 2. ФЕЪЛ ЛАМИ

Феъл «лам»и феълда келадиган сукунли ламдир. У ўтган замон, келаси замон феълида ва феълнинг буйрук майлида, шунингдек, феълнинг ўртасида ва охирида келиши мумкин.

Феъл «лам»и икки ҳолатга эга: идғом ва изҳор.

Феъл «лам»идан кейин «ل» ёки «ر» ҳарфи келганда «лам» ўша ҳарфга идғом қилинади:

﴿قَدْ رَبِّ﴾، ﴿يَجْعَلْ لَكُمْ﴾

Феъл «лам»идан кейин бу икки ҳарфдан бошқа ҳарф келганда, феъл «лам»и изҳор қилинади.

### 3. ИСМ ЛАМИ

Исмда келган сукунли «лам» калиманинг асл ҳарфларидан бўлгани учун доимо изҳор қилинади:

﴿الْسِنْتُكُمْ﴾

### 4. ҲАРФ ЛАМИ

«Ҳарф лами» араб тилидаги сўзларнинг ҳарф туркумига оид калималарида келадиган сукунли «лам» бўлиб, Қуръони Каримда фақат иккита ҳарфда – «هَلْ» ва «بَلْ» да келади.

Бу икки калимадан кейин «ل» ёки «ر» ҳарфи келса, ҳарф лами идғом қилинади. Масалан:

﴿هَلْ لَكُمْ﴾، ﴿بَلْ رَفَعَهُ﴾

Бошқа барча ўринда изҳор қилинади. Масалан:

﴿بَلْ هُوَ﴾



## 5. БУЙРУҚ ЛАМИ

Буйруқ «лам»и келаси замон феълининг бошига қўшилиб, уни буйруқ феълига айлантирадиган «ل» дир. Ундан олдин «لَمْ» ёки «و» ёки «ف» ҳарфлари келса, сукунли бўлиб, ўзидан олдинги калимага қўшиб талаффуз қилинади:

﴿ثُمَّ لِيَقْضُوا﴾، ﴿فَلْيَمْدُدْ﴾، ﴿وَلْيُوفُوا﴾

Бошқа ўринларда касрали ўқилади: Масалан:

﴿لِيُنْفِقْ﴾

Буйруқ феълидаги «лам» ҳар доим изҳор қилинади.

### Савол ва топшириқлар:

1. Куръони Каримда «ل» ҳарфи неча турда келади?
2. Таъриф «лам»и нима? У қай ҳолатларда изҳор ва қай ҳолатларда идғом қилинади?
3. Феъл «лам»и нима? У қачон изҳор ҳукмини ва қачон идғом ҳукмини олади?
4. Исм «лам»ини таърифланг. Ҳукми нима?
5. Ҳарф «лам»и ва унинг ҳукми ҳақида сўзланг.
6. Буйруқ «лам»и нима? Унга оид ҳукмларни зикр қилинг.

## ЎН БИРИНЧИ ДАРС

### ТАФХИМ ВА ТАРҚИҚ

«Тафхим» сўзи луғатда «йўғонлаштириш», «улканлаштириш» деган маънони англатади. Истилоҳда эса «Товуш талаффузида тилнинг орқаси ёки катта қисми юқори танглайга кўтарилиши натижасида товушнинг йўғон талаффуз этилишидир».

«Тарқиқ» сўзи луғатда «ингичкалаштириш», «нозиклаштириш» деган маънони англатади. Истилоҳда «Товуш талаффузида тил орқасининг юқори танглайдан узоқ туриши натижасида товушнинг ингичка талаффуз этилишидир».

Ҳарфлар тафхим ва тарқиқ бўлишига қараб учга бўлинади.

1. Ҳар доим тафхим қилинадиган ҳарфлар.
2. Ҳар доим тарқиқ қилинадиган ҳарфлар.
3. Баъзан тафхим, баъзан тарқиқ қилинадиган ҳарфлар.

#### *1. Ҳар доим тафхим қилинадиган ҳарфлар.*

Ҳар доим тафхим билан ўқиладиган ҳарфлар истеъло ҳарфлари бўлиб, улар талаффуз қилинганда тилнинг орқаси юқори танглайга кўтарилади ва шунинг учун йўғон талаффуз қилинади. Улар сифатда кучли ҳисобланади.

حُصَّ ضَغَطٌ قُظٌ

**Кучлилиги бўйича тафхим ҳарфларининг тартиби куйидагичадир:**

ط، ض، ص، ظ، ق، غ، خ.

**Тафхимнинг даражалари:**

Мазкур тафхим ҳарфлари ҳар доим тафхим қилинса-да, тафхим даражаси, яъни йўғонлик миқдори турли ўринларда турлича бўлади.

1. Тафхим ҳарфидан кейин «ا» келса, унинг тафҳими энг кучли бўлади:

﴿وَأَن طَآئِفَتَانِ﴾، ﴿وَلَا الضَّالِّينَ﴾، ﴿الصَّالِحِينَ﴾،  
﴿الظَّالِمِينَ﴾، ﴿الْقَتِينِينَ﴾، ﴿غَافِرٍ﴾، ﴿خَشِعًا﴾

2. Тафхим ҳарфи фатҳали келганида:

﴿الطَّيْرُ﴾، ﴿وَضَعَهَا﴾، ﴿صَبْرًا﴾، ﴿ظَلَمَ﴾،  
﴿وَعَفَرَ﴾، ﴿خَرَجَتْ﴾، ﴿الْقَمَرَ﴾

3. Тафхим ҳарфи заммали бўлганида:

﴿الطُّوفَانَ﴾، ﴿فَضْرِبَ﴾، ﴿صُرِفَتْ﴾، ﴿ظَلِمَ﴾،  
﴿وَالْقَمَلَ﴾، ﴿غَلِبَتْ﴾، ﴿خَلِقُوا﴾

4. Тафхим ҳарфи сукунли бўлганида:

﴿نَطَوِي﴾، ﴿يَضْرِبُ﴾، ﴿نَصْرًا﴾، ﴿أَظْلَمَ﴾

﴿يَقْدِرُ﴾، ﴿يَغْفِرُ﴾، ﴿يَخْلُقُ﴾

5. Тафхим ҳарфи касрали бўлганида:

﴿طِفْلًا﴾، ﴿ضِرَارًا﴾، ﴿صِرَاطٌ﴾، ﴿ظَلِيلٍ﴾،  
﴿قِيلَ﴾، ﴿غَسِيلِينَ﴾، ﴿خِفْتُمْ﴾

Мана шу охирги суратда тафхим товуши энг кам тафхим олади, йўғонлик даражаси энг паст ҳолатга тушади. Аммо унутмаслик керакки, тафхим сифатидан мутлақо холи бўлиб қолмайди.

## 2. Ҳар доим тарқиқ қилинадиган ҳарфлар.

Ҳар доим тарқиқ қилиб ўқиладиган ҳарфлар барча истифола ҳарфлари бўлиб, истеъло ҳарфларидан қолганидир. Уларнинг товушлари талаффуз қилинганда тилнинг орқаси юқори танглайга кўтарилмасдан, ундан узоқ тургани боис бу товушлар ингичка нутқ қилинади. Улар сифатда заиф бўлади.

Мисол учун:

﴿تَابَ﴾، ﴿ءَامَنَ﴾

Бироқ мазкур истифола ҳарфларидан иккита ҳарф истисно тариқасида шартли равишда баъзан тафхим билан ўқилади.

## 3. Баъзан тафхим, баъзан тарқиқ қилинадиган ҳарфлар.

Юқорида айтилган баъзан йўғон, баъзан ингичка ўқиладиган икки мустасно ҳарфлар:

- Лафзи жалолодаги «ل» ҳарфи;
- «ر» ҳарфи.

**Эслатма:** Ҳаракатлардан бири – фатҳа ҳаракати ҳам ушбу учинчи туркумга қўшилади. У ингичка ҳарфлардан кейин «а», йўғон ҳарфлардан кейин «о» деб талаффуз қилинади. Бу қоида қисқа фатҳага ҳам, чўзиқ фатҳага ҳам тегишлидир. Масалан:

﴿ تَطَهَّرَنَ ﴾، ﴿ طَاقَةَ ﴾

### ЛАФЗИ ЖАЛОЛАДАГИ ЛАМ

Лафзи жалола, яъни «الله» лафзидаги «ل» куйидаги ҳолларда тафҳим қилинади:

– Фатҳадан кейин келса: ﴿ قَالَ اللَّهُ ﴾

Нутқ лафзи жалолодан бошланганда ҳам калиманинг аввали бўлмиш маърифа алиф-лами фатҳа билан бошлангани учун «ل» тафҳим қилинади: ﴿ اللَّهُ نُورٌ ﴾

– Заммадан кейин келса: ﴿ يُرِيدُ اللَّهُ ﴾

– Чўзиқ фатҳадан кейин келса: ﴿ وَإِلَى اللَّهِ ﴾

– Чўзиқ заммадан кейин келса: ﴿ قَالُوا اللَّهُمَّ ﴾

Куйидаги ҳолларда тарқиқ қилинади:

– Касрадан кейин келса: ﴿ يَا اللَّهُ ﴾

– Чўзиқ касрадан кейин келса: ﴿ وَيَسْجِي اللَّهُ ﴾

– Танвиндан кейин келса: ﴿ قَوْمًا اللَّهُ ﴾

Танвиндан кейин васл ҳамзаси келса, танвиндаги «ن» товушига «и», яъни касра қўшилади. Шу боис ундан кейин келган лафзи жалола «ل» ҳам касрадан кейин келган бўлади.

Лафзи жалоланинг ҳар уч ҳаракатдан кейин келганига Хужурот сурасининг биринчи оятида мисол бор:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا نُقَدِّمُوا بَيْنَ يَدَيْ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۗ وَانقُوا  
 اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

### «РО» ҲАРФИ

«р» ҳарфи Қуръони Каримда ҳар доим уч ҳолатдан бирида бўлади:

1. Тафхим.
2. Тарқиқ.
3. Иккиси ҳам жоиз ҳолат.

«р» тафхим бўладиган ҳолатлар:

1. Фатҳали бўлганда: «رَ». Бунда «р» сўз бошида келсин, сўз ўртасида келсин, барибир. Масалан:

﴿رَعُوفٌ﴾، ﴿أَبْرَحٌ﴾

Фатҳали «р» сўз охирида келса, васлда тафхим қилинади:

﴿أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ﴾

Аммо «р» ҳарфида вақф қилинса, ўзидан аввалги ҳарф ёки ҳаракатга қараб тафхим ёхуд тарқиқ қилинади:

﴿الْأَبْرَارِ﴾، ﴿الْخَيْرِ﴾

2. Сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф фатҳали бўлса: «رُ». Сукуни хоҳ аслий, хоҳ ориз бўлсин, барибир:

﴿سَخَرْنَا﴾ ﴿وَمَنْ كَفَرَ﴾

3. «р»нинг сукуни ориз бўлиб, ундан аввалги ҳарф ҳам ҳаракатсиз, ундан аввалгиси фатҳали бўлса.

Масалан:

﴿بِالصَّبْرِ﴾ ← ﴿الْقَرَارُ﴾ ← الْقَرَارُ.

4. Заммали бўлганда: «رُ». Бунда «р» сўз бошида бўлсин, ўргасида бўлсин, барибир. Масалан:

﴿رُزِقُوا﴾، ﴿يَبْصِرُونَ﴾

Заммали «р» сўз охирида келса, васлда тафхим қилинади:

﴿وَالشَّجَرُ يَسْجُدَانِ﴾

Аммо «р» ҳарфида вақф қилинса, ўзидан аввалги ҳарф ёки ҳаракатга қараб тафхим ёхуд тарқиқ қилинади.

5. Сукунли бўлиб, ўзидан аввалги ҳарф заммали бўлса:

Сукуни хоҳ аслий, хоҳ ориз бўлсин, барибир:

﴿عُرْفَةً﴾، ﴿يَشْكُرُ﴾

6. «р»нинг сукуни ориз бўлиб, ундан аввалги ҳарф ҳам ҳаракатсиз, ундан аввалгиси заммали бўлса.

Масалан:

﴿حُضْرٍ﴾ ← حُضْرٌ، ﴿يَحُورٍ﴾ ← يَحُورٌ.

7. «р» ҳарфи аслий сукунли, ундан аввалги ҳарф аслий касрали бўлиб, «р» дан кейин фатҳали истеъло ҳарфи бир сўзда уланиб келса, тафҳим қилинади. Бундай калима Қуръони Каримда фақат бештадир:

﴿قِرطَاسٍ﴾، ﴿فِرْقَةٍ﴾، ﴿لِبِالْمِرْصَادِ﴾،  
﴿مِرْصَادًا﴾، ﴿وَأِرْصَادًا﴾

8. «р» сукунли бўлиб, ундан олдин оризий касра келган бўлса, яъни:

а) ундан олдин касрали васл ҳамзаси келган бўлса:

﴿أَرْجِي﴾

б) ундан олдин васл ҳамзаси келиб, ҳамзадан аввал бошқа сўзда касра келган бўлса:

﴿إِنْ أَرَبْتُمْ﴾

«р» тарқиқ бўладиган ҳолатлар:

1. Касрали бўлганда: «р». Бунда «р» сўз бошида бўлсин, сўз ўртасида бўлсин, барибир. Масалан:

﴿رِزْقًا﴾، ﴿قَرِيبًا﴾

Аммо касрали «р» сўз охирида келган бўлса, васлда тарқиқ қилинади, вақфда ундан олдинги ҳарф ёки ҳаракатга қараб тафҳим ёки тарқиқ қилинади:



﴿قَدَرَ﴾ ← قُدِرَ.

2. Сукунли бўлиб, аслий касрадан кейин келса ва кетидан у билан бир сўзда истеъло ҳарфи келмаса. Мисол учун:

﴿شَرَعَةً﴾، ﴿أَسَاوَرَ﴾ ← أَسَاوَرَ.

Демак, асл касрадан кейин «ر» сўз ўртаси ёки охирида келишининг, сукуни аслий ёки ориз бўлишининг фарқи йўқ.

3. Сўз охирида сукунли бўлиб келиб, ундан олдин «ي» ҳарфи келса:

﴿بَصِيرٌ﴾ ← بَصِيرٌ، ﴿خَيْرٌ﴾ ← خَيْرٌ.

4. «ر»нинг сукуни ориз, ундан аввалги ҳарф ҳам ҳаракатсиз бўлиб, ундан олдин касра келган бўлса:

﴿الذِّكْرِ﴾ ← الذِّكْرُ، ﴿حَجْرٍ﴾ ← حَجْرٌ.

**«ر»да тафҳим ҳам, тарқиқ ҳам жоиз бўладиган ҳолатлар:**

1. ﴿فَرَقٍ﴾ калимаси. Бу сўздаги «ر»да тафҳим ҳам, тарқиқ ҳам жоиз.

Тафҳимни афзал деганлар сукунли «р»дан кейин истеъло ҳарфи келганини ҳисобга олишган. Тарқиқни афзал санаганлар «р»дан олдин касра келганини ҳамда «ق» ҳарфининг ҳам касрали эканини, яъни касра унинг тафҳимини заифлаштирганини эътиборга олишган.

Васлда тарқиқ афзал.

2. ﴿مَضْرٌ﴾ ва ﴿مَضْرٌ﴾ → ﴿الْقَطْرُ﴾ калималари. Бу сўзларда вақф қилинганида тафхим ҳам, тарқиқ ҳам жоиз. Ибн Жазарий: «مَضْرٌ» сўзида вақф қилинганида, асл ҳаракатига биноан, «ر»ни тафхим қилган афзал. «قَطْرٌ» сўзида эса «ر» аслида касрали бўлгани учун вақф-да ҳам тарқиқ қилган афзал», деган.

3. Қамар сурасида олти ўринда ﴿وَنُذِرٌ﴾ ва ﴿وَنُذِرٌ﴾ сўзи келган. Бу калиманинг «ر»сида вақф қилинганида ҳам тафхим ва тарқиқ жоиз. Тафхимнинг жоизлиги юқорида ўтган умумий қоидага биноандир. Тарқиқнинг жоизлигига келсак, «ر»дан кейин аслида бўлиб, кейин тушиб қолган «ي» ҳарфи сабаблидир. Аслида «نُذِرِي» бўлгани учун «ي»га ишора сифатида тарқиқ қилиш афзалдир.

4. ﴿أَسْرِي﴾ ва ﴿يَسْرِي﴾ сўзларида ҳам тафхим ва тарқиқ жоиз. Тафхим умумий қоидага биноандир. Тарқиқ эса сўзнинг аслига кўрадир. Аслида бу сўзлар «يَسْرِي» ва «أَسْرِي» бўлган. Тилга енгиллаштириш мақсадида «ي» ҳарфи туширилган. Бу сўзларда ҳам аслини эътиборга олган ҳолда тарқиқ қилиш афзал ҳисобланади.

### Савол ва топшириқлар:

1. Тафхимнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини айтинг.

2. Тафхимнинг даражаларини сананг.

3. Тарқиқ нима?

4. Қайси ҳолатларда «ر» ҳарфи тафхим бўлади?

5. «ر» ҳарфининг тарқиқ ҳолатлари қайсилар?

6. «ر» ҳарфининг тафхим ва тарқиқ жоиз бўладиган ҳолатларини сананг.

7. Лафзи жалоланинг «ل» ҳарфидаги тафхим ва тарқиқ ҳолатларини баён қилинг.

## ЎН ИККИНЧИ ДАРС

### МАДЛАР

«Мад» луғатда «чўзиш» деган маънони англатади. Истилоҳда эса мад – уч мад ҳарфи ва икки лин ҳарфини чўзиб айтишдир.

#### Мад ҳарфлари:

1. Фатҳадан кейин келган ҳаракатсиз «ا»:

﴿قَالَ﴾

2. Заммадан кейин келган ҳаракатсиз «و»:

﴿جُوعٍ﴾

3. Касрадан кейин келган ҳаракатсиз «ي»:

﴿قِيلَ﴾

Мад ҳарфларнинг барчаси Қуръони Каримнинг қуйидаги калимасида жамланган:

﴿نُوحِيهَا﴾

#### Лин ҳарфлари:

1. Фатҳадан кейин келган сукунли «و»:

﴿خَوْفٍ﴾

2. Фатҳадан кейин келган сукунли «ي»:

﴿قَرِيْشٍ﴾

**Мад икки қисмга бўлинади:**

1. Аслий мад.
2. Фаръий мад.

### АСЛИЙ МАД

Мад ёки лин ҳарфларининг кетидан ҳамза ёки сукун келмаса, у «аслий мад» бўлади. «Аслий мад» «табиий мад» ҳам дейилади. Аслий мад деб аталишининг сабаби шуки, у фаръий маднинг аслидир. У икки ҳаракат миқдорича чўзилади. Унинг «табиий мад» деб айтилиши ҳам шундан, яъни табиий миқдоридан ортиқ чўзилмаганидандир.

﴿قَالَ﴾، ﴿يَقُولُ﴾، ﴿قِيلَ﴾،

﴿قَرِيْشٍ﴾، ﴿خَوْفٍ﴾

Куйидаги уч турдаги мад ҳам аслий мад туркумига қўшилади:

1. Эваз мад;
2. Кичик сила мад;
3. Тамкин мади.

## ЭВАЗ МАД

Фатҳа-танвинли ҳарфда вақф қилинганда танвин, яъни иккинчи фатҳа тушириб қолдирилади. Натижада у аслий мадга айланади. Танвин эвазига келган бу мад «эваз мад» дейилади. Масалан, ﴿عَلِيمًا﴾ калимаси «عَلِيمًا» деб ўқилади.

## КИЧИК СИЛА МАД

Сўз охирида келган, икки тарафи ҳаракатли «ه» олмошининг замма ва касраси икки ҳаракат чўзиб айтилади ва у «кичик сила мад» деб аталади. Бу «ه» араб тили қондаси бўйича, учинчи шахс музаккар бирликка далолат қиладиган замир, яъни олмошдир:

﴿لَهُ صَاحِبُهُ﴾ ← هُوَ صَاحِبُهُ، ﴿رَجِعِهِ لِقَادِرٌ﴾ ←  
رَجِعِهِ لِقَادِرٌ.

Ҳозирги мусҳафларда кичик сила мад умумий хатдан бошқа алоҳида кичик «ي» ва «و» билан ифода қилинади.

Кичик сила мад қондасидан қуйидагилар мустасно:

1. «ه» замиридан олдинги ёки кейинги ҳарф сукулли бўлса, юқоридаги қондага биноан, «ه»нинг ҳаракати икки ҳаракат чўзилмайди. Бироқ Фурқон сурасининг 69-оятдаги қуйидаги биргина калима мустасно:

﴿فِيهِ مِهَانًا﴾

2. Зумар сурасининг 7-оятда келган қуйидаги калимада эса аксинча, умумий қондага хилоф ўлароқ, «ه» замирининг ҳаракати чўзилмайди.

﴿يَرْضَاهُ لَكُمْ﴾

## ТАМКИН МАДИ

Шаддали касрали «ي»дан кейин келган ҳаракатсиз «ي»даги мад «тамкин мади» дейилади:

﴿حَيْثُمْ﴾، ﴿النَّيِّبِينَ﴾

Бундай калималарда жавфдан ҳосил бўладиган чўзиқ касра (яъни «ي» мади) товушини ундан олдин келаётган тил ўртаси ундоши бўлмиш «ي»дан ажратиб айтиш лозим бўлгани учун бу мад алоҳида зикр қилинади.

## ФАРЪИЙ МАДЛАР

Мад ва лин ҳарфларининг бири билан ҳамза ёки сукун келса, у аслий маддан кўра кўпроқ чўзилгани учун «фаръий мад» дейилади. Ҳамза сабабидан чўзилган мадлар «ҳамза мадлари», сукун сабабли чўзилган мадлар «сукун мадлари» дейилади.

**Ҳамза мадлари:**

Ҳамза мадлари тўрт хил бўлади:

1. Вожиб муттасил мад.
2. Жоиз мунфасил мад.
3. Катта сила мад.
4. Бадал мади.

## ВОЖИБ МУТТАСИЛ МАД

Бир калимада мад ҳарфи ва ундан кейин ҳамза келса, бундай мад «муттасил мад» дейилади:

﴿جَاءَ﴾، ﴿السَّوَاءُ﴾

Бу мад барча қироатларда табиий мадга қараганда кўпроқ чўзилгани учун «вожиб мад» дейилади. Мадад ҳарфи билан ҳамза бир калимада келгани учун у «муттасил» (кўшилган) деб юритилади.

**Ҳукми:** Васлда 4 ёки 5, вақфда 5 ёки 6 ҳаракат чўзилади:

﴿شَاءَ﴾، ﴿جَاءَ﴾

## ЖОИЗ МУНФАСИЛ МАД

Мад ҳарфидан кейин бошқа калиманинг аввалида ҳамза келса, бу «мунфасил мад» бўлади:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ﴾، ﴿وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ﴾

Мад ҳарфи билан мад сабаби бўлган ҳамза бошқа-бошқа калимада келгани учун бу мад «мунфасил» (алоҳида, бошқа-бошқа) мад деб аталади. Бу мад баъзи қироат ва ривоятларда табиий мад миқдорича чўзилиши ҳам жоиз бўлгани учун «жоиз» деб айтилади. Бу йўл «қаср тариқи» деб юритилади. Қаср тариқининг ўзига хос қоидалари, шартлари бор. Бу ҳақда китобнинг охирида, иншааллоҳ, алоҳида баҳс юритилади.

**Ҳукми:** 2, 4 ёки 5 ҳаракат миқдорида чўзилади.

**Эслатма:** Агар ушбу мунфасил мад калимасида вақф қилинса, шу сабабли ҳамза йўқ бўлгани учун мад ҳарфи табиий мад ҳолига қайтади.

### КАТТА СИЛА МАД

Кичик сила мадан кейин ҳамза келса, бу «катта сила мад» бўлади:

﴿فَلَهُ أَجْرُهُ﴾، ﴿مَالَهُ أَخْلَدَهُ﴾

**Ҳукми:** Бу мад ҳукмда жоиз мунфасил мадга эргашади, яъни у кироатда 4 ёки 5 ҳаракат миқдоридида чўзилади, баъзи кироат ва ривоятларда табиий мад миқдорича чўзилиши ҳам жоиз.

### БАДАЛ МАД

Ҳамзадан кейин мад ҳарфи келса, бу «бадал мад» бўлади:

﴿ءَامَنُوا﴾، ﴿أُوتُوا﴾

Калимада биринчиси ҳаракатли, иккинчиси сукунли икки ҳамза кетма-кет келса, иккинчиси биринчисининг ҳаракатига мос мад ҳарфига алмаштирилади. Бу мад ҳарфи ҳамзанинг бадалига, яъни ўрнига келгани учун «бадал мад» деб аталади.

﴿أَمَنُوا﴾ ← ﴿ءَامَنُوا﴾، ﴿أُوتُوا﴾ ← ﴿أُوتُوا﴾، ﴿إِمَانًا﴾ ← ﴿إِيمَانًا﴾

**Ҳукми:** Ҳар доим икки ҳаракат миқдоридида чўзилади.



**Эслатма:** Ҳамзадан кейин келган ҳар қандай мад ҳарфи, гарчи у ҳамзадан бадал бўлмаса ҳам, бадал мад ҳисобланади ва у ҳам бадал мад деб юритилади. Масалан:

﴿الْخَطِئُونَ﴾، ﴿مُسْتَهْزِئُونَ﴾

### БАДАЛ МАДНИНГ КҶРИНИШЛАРИ

Бадал мад тўрт кўринишда келади:

#### **1. Вақфда ҳам, васлда ҳам амал қилинадиган:**

Бадал мад сўзнинг боши ёки ўртасида келганида вақфда ҳам, васлда ҳам унга амал қилинади:

﴿ءَامَنَ﴾، ﴿أَنِبُؤِنِي﴾

#### **2. Васлда амал қилиниб, вақфда амал қилинмайдиган:**

﴿الْخَطِئُونَ﴾، ﴿مُسْتَهْزِئُونَ﴾

Бу суратдаги бадал маддан кейинги ҳарфда вақф қилинмаса, у калиманинг ўртасида келгани учун амал қилинади. Аммо вақф қилинса, мад ҳарфида иккита мад жамланиб қолади: бадал ва ориз сукун мади. Ориз сукун мади кучли бўлгани учун унга амал қилинади, бадал мад бекор қилинади.

**Ҳукми:** Ориз сукун мадига эргашади. 2, 4, 6 ҳаракат миқдорида чўзилади.

Мисол учун:

﴿يَسْتَهْزِئُونَ﴾

#### **3. Вақфда амал қилиниб, васлда амал қилинмайдиган:**

﴿وَجَاءَ وَآبَاهُم﴾

Бу ерда бадал мад кетидан ҳамза келган. Агар бадал мадда вақф қилинса, у табиий мадлигича қолади. Аммо ундан кейин ҳамза келса, у ҳолда мад ҳарфида икки қоида жамланиб қолади: бадал мад ва мунфасил мад. Мунфасил кучли бўлгани учун унга амал қилинади ва бадал бекор бўлади.

**4. Бадал маддан олдин васл ҳамзаси келади:**

﴿الَّذِي أَوْثَمِنَ﴾

Калиманинг бошида иккинчиси сукунли икки ҳамза келиб, биринчи ҳамза васл ҳамзаси бўлса, васлда иккинчи ҳамза ўз ҳолича қолади:

﴿الَّذِي أَوْثَمِنَ﴾ (аллазиѳтумина), яъни ҳамза мад ҳарфига алмашмай, тўлиқ ҳамзалигича ўқилади.

Аммо тиловат шу калимадан бошланса, иккинчи ҳамза бадал мадга айланади:

﴿أَوْثَمِنَ﴾ (уутумина)

**Сукун мадлари:**

Сукун мадлари икки хил бўлади:

1. Ориз сукун мади;
2. Лозим сукун мади.

## ОРИЗ СУКУН МАДИ

Мад ёки лин ҳарфидан кейин ориз сукун келса, улар ориз сукун мади бўлади:

﴿الْحِسَابِ﴾ ← الْحِسَابِ، ﴿الْمُفْلِحُونَ﴾ ← الْمُفْلِحُونَ،  
﴿بِمُؤْمِنِينَ﴾ ← بِمُؤْمِنِينَ،  
﴿يَوْمٍ﴾ ← يَوْمٍ، ﴿قُرَيْشٍ﴾ ← قُرَيْشٍ.

Ориз сукун сабабли ҳосил бўлгани учун бу мад «ориз сукун мади» деб аталган.

**Ҳукми:** 2, 4 ёки 6 ҳаракат миқдоридан чўзилади.

**Эслатма:**

1. Тажвид илми истилоҳида мад ёки лин ҳарфини 2 ҳаракат чўзиш «қаср», 4 ҳаракат чўзиш «тавассут», 6 ҳаракат чўзиш «ишбоъ» дейилади.

2. Ориз сукун мадини 2, 4 ёки 6 ҳаракат чўзиш жоизлигидан биламизки, 1, 3, 5 ёки 7 ҳаракат чўзиш жоиз эмас.

3. Ориз сукун мади ориз сукундан келиб чиқишидан биламизки, бу мад вақфга хосдир.

## ЛОЗИМ МАД

Мад ёки лин ҳарфидан кейин лозим суқун келса, бу «лозим суқун мади» бўлади. У «лозим мад» деб юритилади. Лозим мад калималарда ёки ҳарфларда бўлиши мумкин:



Бу мад чўзилишидаги сабаб лозим суқун бўлиб, доим бир хилда чўзилгани ҳамда у барча қироатларда чўзилиши лозим деб топилгани учун «лозим» деган номни олган.

**Ҳукми:** Тажвид уламоларининг иттифоқиға кўра, 6 ҳаракат чўзиш вожибдир.

## ЛОЗИМ МАДНИНГ ҚИСМЛАРИ

Лозим мад икки қисмға бўлинади:

1. Калимий (сўзда келадиган);
2. Ҳарфий (ҳарфда келадиган).

Калимий лозим мад сўзларда, ҳарфий лозим мад эса муқаттаот ҳарфларида келади. Муқаттаот ҳақида кейинроқ муфассал тўхталамиз.

Лозим маднинг калимийси ҳам, ҳарфийси ҳам икки хил бўлади:

1. Шаддали;
2. Шаддасиз.

## ШАДДАЛИ КАЛИМИЙ ЛОЗИМ МАД

Калимада мад ҳарфидан кейин шаддали ҳарф келса, «шаддали калимий лозим мад» дейилади:

﴿ دَابَّةٌ ﴾، ﴿ الْحَاقَّةُ ﴾

Бу лозим мад калимада келгани учун «калимий», маднинг сабаби бўлган сукун шаддали ҳарф сукуни бўлгани учун «шаддали» деб юритилади.

## ШАДДАСИЗ КАЛИМИЙ ЛОЗИМ МАД

Калимада мад ҳарфидан кейин шаддасиз сукунли ҳарф келса, «шаддасиз калимий лозим мад» дейилади:

﴿ ءَآلِئْنَ ﴾

Бу лозим мад калимада келгани учун «калимий», маднинг сабаби бўлган сукун шаддасиз ҳарф сукуни бўлгани учун «шаддасиз» деб юритилади.

Бу турдаги мад Қуръони Каримда фақат бир сўзда келган. У сўз Юнус сурасининг 51 ва 91-оятларида келади.

﴿ اٰثُمَّ اِذَا مَا وَقَعَ ءَامَنْتُمْ بِٓءَآلِئْنَ وَقَدْ كُنْتُمْ بِٓءَاسْتَعْجِلُوْنَ ﴾

﴿ ءَآلِئْنَ وَقَدْ عَصَيْتَ قَبْلُ وَكُنْتَ مِنَ الْمُفْسِدِيْنَ ﴾

Хукми: 6 ҳаракат чўзилади ёки тасхил<sup>8</sup> қилинади.

<sup>8</sup> Тасхил ҳақида қаранг: Васлий ҳамза, 121-бет.

## ШАДДАЛИ ҲАРФИЙ ЛОЗИМ МАД

Муқаттаот ҳарфининг номи уч ҳарфли бўлиб, ўртасидагиси мад ҳарфи бўлса ва ундан кейин шаддали ҳарф келса, «шаддали ҳарфий лозим мад» бўлади:

﴿اَلَمْ﴾ ← (أَلِفٌ + لَامٌ + مِيمٌ).

﴿طَسَرَ﴾ ← (طَا + سَيْنٌ + مِيمٌ).

Ҳарфлари саккизта бўлиб, қуйидаги жумлада жамланган:

نَقَصَ عَسَلَكُمْ

(Иборанинг маъноси: «Асалингиз камайди»).

## ШАДДАСИЗ ҲАРФИЙ ЛОЗИМ МАД

Муқаттаот ҳарфининг номи уч ҳарфли бўлиб, ўртасидагиси мад ҳарфи бўлса ва ундан кейин ташдидсиз сукунли ҳарф келса, «шаддасиз ҳарфий лозим мад» дейилади:

﴿قَفَّ﴾ ← (قَافٌ)، ﴿قَبَّ﴾ ← (قُونٌ).

## МУҚАТТАОТ ҲАРФЛАРИ

Айрим сураларнинг биринчи ояти ҳеч қандай маънони англатмайдиган бир ёки бир нечта ҳарфлардан иборат бўлиб, қироатда мазкур ҳарфларнинг номлари талаффуз қилинади. Бу ҳарфларнинг маъно-мазмуни ёлғиз Аллоҳга аён бўлгани учун улар «муқаттаот», яъни «маънодан кесилган» ҳарфлар деб аталган. Бу ҳарфлар «фаватихус-сувар», яъни суралар очқичлари деб ҳам номланади.

Муқаттаот ҳарфлари 14 та бўлиб, улар қуйидаги иборادا жамланган:

صَلُّهُ سُّخَيْرًا مِّنْ قَطَعَكَ

(Иборанинг маъноси: «Ким сендан алоқани узса, саҳарда бўлса ҳам унга алоқани боғла»).

Муқаттаот ҳарфлари йигирма тўққизта суранинг бошида келади.

Улар тўрт қисмга бўлинади:

1) Мутлақо чўзилмайдиган ҳарф. Унинг исми уч ҳарфли бўлиб, ўрта ҳарфи мад ҳарфи ҳам, лин ҳам бўлмаган ҳарфдир. Бундай ҳарф битта – алиф ҳарфидир:

﴿المر﴾ ← (ألف).

2) Табиий мадли ҳарф. Бу қисмдаги ҳарфларнинг номи икки ҳарфли бўлиб, уларнинг иккинчиси мад ҳарфи бўлади ва у табиий мад сифатида икки ҳаракат чўзилади.

﴿كهيَعص﴾ ← (ها، يا).

﴿ طه ﴾ ← (طا + ها).

Бундай ҳарфлар бешта бўлиб, улар қуйидаги жумлада жамланган:

حَيِّ طَهْرَ

(Иборанинг маъноси: «Тирик пок бўлди»).

3) Олти ҳаракат мадди ҳарфлар. Бу қисмдаги ҳарфларнинг исми уч ҳарфли бўлиб, ўртадаги ҳарфи мад, охириги ҳарфи сукунли бўлади:

﴿ كَهَيْعَص ﴾ ← (كَاف، صَاد، قَاف) ﴿ ق ﴾ ←  
(قَاف).

Бу қисмга кирувчи ҳарфлар қуйидаги жумлада жамланган:

نَقَصَ عَسَلَكُمْ

(Иборанинг маъноси: «Асалингиз камайди»).

4) Тўрт ва олти ҳаракат чўзиш мумкин бўлган ҳарф. Бу қисмга исми уч ҳарфли бўлган биргина «ع» ҳарфи киради. Унинг исмидаги ўртада келган «ي» товуши лин ҳарфи бўлиб, у 6 ёки 4 ҳаракат чўзилади. 6 ҳаракат чўзган афзал:

﴿ عَسَق ﴾، ﴿ كَهَيْعَص ﴾




## МАДНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Маднинг турлари кувватда бир-биридан фарқланади.

1. Лозим мад (энг кучли мад).
2. Муттасил мад.
3. Сукунга ориз мад.
4. Мунфасил мад.
5. Бадал мад.

Маднинг куввати икки турнинг ҳукми бир жойда келиб қолган пайтда қай бирига амал қилинишида кўринади. Масалан, муттасил мад билан ориз мад ҳукми бир калимада келса, оризга эмас, муттасил мад қоидасига амал қилинади.

Мисол учун:



### Савол ва топшириқлар:

1. Мад нима? Мад ва лин орасида қандай фарқ бор? Мад неча қисмга бўлинади?
2. Аслий мадга қандай мадлар киради? Уларнинг тарърифини айтинг ва ҳар бирига мисоллар келтиринг.
3. Фаръий мадга қандай мадлар киради? Уларнинг тарърифини айтинг ва ҳар бирига мисоллар келтиринг.
4. Бадал маднинг қандай кўринишлари бор?
5. Сукун сабабли неча хил мад ҳосил бўлади? Ориз сукун мади қандай мад?
6. Лозим мад нима? Таърифи, ҳукми ва қисмларини келтиринг. Мисоллар айтинг.
7. Муқаттаот ҳарфлари нима ва улар мадга кўра неча қисмга бўлинади?

## ЎН УЧИНЧИ ДАРС

## ҚАТЪИЙ ВА ВАСЛИЙ ҲАМЗАЛАР

## ҚАТЪИЙ ҲАМЗА

Қатъий ҳамза ҳар доим ўқиладиган ҳамзадир. У сўз бошида келиб, ундан бошлаб ўқилганда ҳам, ўзидан аввалги сўзга улаб ўқилганида ҳам тушиб қолмайди. У калиманинг бошида, ўртасида ёки охирида келиши мумкин. Қатъий ҳамза сўзнинг аслий ҳарфларидан ҳисобланиб, исм, феъл ҳамда ҳарфларда келади. У фатҳали, заммали ёки касрали ва сукунли бўлиши мумкин. У ёзувда ҳам, лафзда ҳам барқарор туради. Мисол учун:

﴿أَفَحَسِبْتُمْ﴾، ﴿تَوَلَّوْا﴾

## ВАСЛИЙ ҲАМЗА

Фақат сўзнинг бошида келиб, ушбу сўзни ўзидан кейинги сўзга улаш учун хизмат қиладиган ҳамза васлий ҳамза дейилади. Ўқиш илк ҳарфи ҳамза бўлган сўздан бошланса, у ўқилади. Агар бу сўз ўзидан олдинги калимага улаб ўқиладиган бўлса, талаффузда тушиб қолади, аммо ёзувда тураверади.

Араб тилида сўзни сукунли ҳарф билан бошлаш мумкин эмас. Мабодо шундай ҳолат юзага келса, мазкур сукунли ҳарфдан олдин васл ҳамзаси қўйилади. У исм, феъл ва ҳарфларда келади.

Мисол учун:

﴿أَبْنِ﴾، ﴿أَبْتَعَاءَ﴾، ﴿الشَّمْسِ﴾

Васл ҳамзасининг исмларда келиши икки хил бўлади: *қиёсий ва самоий*. Самоий қиёсийнинг акси, қоидага тушмайдиган мустасно сўздир.

*Қиёсий сўзлар* араб тилининг маълум қоида ва меъёрларига тушадиган сўзлардир.

*Самоий сўзлар* эса қиёсийнинг акси бўлиб, жузъиятларни қамраб олган умумий қоидага тушмайдиган сўзлардир. Бундай сўзлар араб тили аҳлларида эшитилган ва шу ҳолда қабул қилинган бўлади.

Самоийлари етти хил сўзда келади:

۱. ﴿ حِينَ الْوَصِيَّةِ أَثْنَانِ ﴾<sup>9</sup>

۲. ﴿ مِنْهُ اثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا ﴾<sup>10</sup>

۳. ﴿ ابْنِ مَرْيَمَ ﴾<sup>11</sup>

۴. ﴿ وَمَرْيَمَ ابْنَتَ عِمْرَانَ ﴾<sup>12</sup>

۵. ﴿ إِنْ أَمْرًا ﴾<sup>13</sup>

۶. ﴿ وَإِنْ أَمْرًا ﴾<sup>14</sup>

۷. ﴿ وَأَذْكُرِ اسْمَ ﴾<sup>15</sup>

<sup>9</sup> Моида сураси, 106-оят.

<sup>10</sup> Бақара сураси, 60-оят.

<sup>11</sup> Бақара сураси, 78-оят.

<sup>12</sup> Таҳрим сураси, 12-оят.

<sup>13</sup> Нисо сураси, 176-оят.

<sup>14</sup> Нисо сураси, 128-оят.

<sup>15</sup> Муззаммил сураси, 8-оят.

Қиёсийлари хумосий ва судосий феълларнинг мас-  
дарида келади.

Хумосий феълнинг масдарида келишига мисол:

﴿أَبْتَعَاءَ﴾

Судосий феълнинг масдарида келишига мисол:

﴿أَسْتَكْبَارًا﴾

Ушбу айтиб ўтилган ўринларда васл ҳамзаси ҳар  
доим касрали бўлади.

#### ВАСЛ ҲАМЗАСИНИНГ ФЕЪЛЛАРДА КЕЛИШИ

1. Хумосий мозийда. Масалан:

﴿أَتَّخَذَ﴾ ← اتَّخَذَ

2. Судосий мозийда. Масалан:

﴿أَسْتَكْبَرَ﴾ ← اسْتَكْبَرَ

3. Хумосийнинг амрида. Масалан:

﴿أَنْظِلُوا﴾ ← انْظِلُوا

4. Судосийнинг амрида. Масалан:

﴿اسْتَغْفِرُوا﴾ ← اسْتَغْفِرُوا

Мазкур ўринларда ҳам васл ҳамзаси касрали бўлиб келади.

### 5. Сулосий амр.

Сулосий амрда васл ҳамзаси заммали ёки касрали бўлади.

Амр феълининг учинчи ҳарфи заммали бўлса, васл ҳамзаси ҳам заммали ўқилади, масалан:

﴿أَشْكُرُ﴾ ← أَشْكُرُ

Сулосий амр феълининг учинчи ҳарфи фатҳа ёки касрали бўлса, васл ҳамзаси касрали ўқилади, масалан:

﴿اعْلَمُوا﴾ ← اعْلَمُوا، ﴿أَضْرِبْ﴾ ← اضْرِبْ

Сулосий амр феълининг учинчи ҳарфи заммали бўлса-ю, заммаси аслий эмас, ориз бўлса, васл ҳамзаси касрали бўлади. Бундай феъллар Куръонда фақат бештадир:

﴿اقضُوا﴾، ﴿وَأَمْضُوا﴾، ﴿ابْنُوا﴾، ﴿أَتَّوْأ﴾،  
﴿أَمْشُوا﴾

## ВАСЛ ҲАМЗАСИНИНГ ҲАРОФЛАРДА КЕЛИШИ

Васл ҳамзаси маърифа лами (аниклик артикли) бўлмиш «ل» бирикмасида келади ва ҳар доим фатҳали бўлади:

﴿الرَّحْمَنُ﴾، ﴿الْحَى﴾

### Эслатмалар:

1. Васл ҳамзаси истифҳом (сўроқ) ҳамзаси билан бир сўзда жам бўлса, васлий ҳамза тушиб қолади. Бунинг шарт иккита бўлиб, биринчиси феълда келиши, иккинчиси васл ҳамзасидан кейин маърифа алиф-лами келмаслигидир. Бундай калима Қуръонда етти ўринда келган.

1. ﴿أَتَّخَذْتُمْ﴾<sup>16</sup>

2. ﴿أَطَّلَعَ﴾<sup>17</sup>

3. ﴿أَفْتَرَى﴾<sup>18</sup>

4. ﴿أَصْطَفَى﴾<sup>19</sup>

5. ﴿أَتَّخَذْتَهُمْ﴾<sup>20</sup>

6. ﴿أَسْتَكْبَرْتَ﴾<sup>21</sup>

7. ﴿أَسْتَغْفَرْتَ﴾<sup>22</sup>

<sup>16</sup> Бақара сураси, 80-оят.

<sup>17</sup> Марям сураси, 78-оят.

<sup>18</sup> Сабаъ сураси, 8-оят.

<sup>19</sup> Соффот сураси, 153-оят.

<sup>20</sup> Сод сураси, 63-оят.

<sup>21</sup> Сод сураси, 75-оят.

<sup>22</sup> Мунафиқун сураси, 6-оят.

2. Васл ҳамзаси истифҳом ҳамзаси билан бир сўзда келса-ю, васл ҳамзасидан кейин маърифа алиф-лами бўлса, гап сўроқ ёки дарак гап экани чалкашмаслиги учун васл ҳамзаси тушиб қолмайди. Лекин васл ҳамзаси одатдагидек ўқилмай, балки икки хил кўринишдан бирида ўқилади:

а). Тасҳил қилиш. «Тасҳил» сўзининг луғавий маъноси «енгиллатиш» бўлиб, у кетма-кет келган икки ҳаракатли ҳамзанинг иккинчисини фатҳа ва ҳамза орасида айтишдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳамзани махражни қаттиқ бўлмаган ҳолда, енгилроқ, яъни чала айтиш. Бу ўринда васл ҳамзаси тасҳил қилинади.

б). Васл ҳамзасини алифга алмаштириб ўқиш. Бунда мад ҳарфидан кейин сукун келгани учун у б ҳаракат чўзиладиган лозим мадга айланади. Бундай сўзлар учта бўлиб, Куръони Каримда олти ўринда келган.

۱. ﴿ءَالَّذِينَ﴾<sup>23</sup>

۲. ﴿ءَاَلَن﴾<sup>24</sup>

۳. ﴿ءَالله﴾<sup>25</sup>

Бу мад сўроқ гап билан дарак гап орасини ажратишга хизмат қилгани учун «фарқ мади» деб ҳам аталади.

3. ﴿يَسْأَلُ﴾ иборасини ﴿الْأَسْمُ﴾ сўзидан бошлаб ўқилса, <sup>ا</sup>يَسْأَلُ деб ёки <sup>ا</sup>لِاسْمُ деб ўқиш мумкин.

<sup>23</sup> Анъом сураси, 143-144-оятлар.

<sup>24</sup> Юнус сураси, 51-91-оятлар.

<sup>25</sup> Юнус сурасининг 59-ояти ва Намл сурасининг 59-ояти.

4. Васл ҳамзасидан кейин сукунли қатъий ҳамза келса. Масалан, қуйидаги жумлалар каби:

﴿الَّذِي أَوْثَمِنَ﴾، ﴿يَقُولُ أَتَذَن﴾

а) Васл ҳамзаси турган сўздан бошлаб ўқилса, васл ҳамзаси ҳаракатли ўқилади ва ундан кейинги қатъий ҳамза ўзидан олдинги ҳаракатга мос мад ҳарфига алмаштирилади.

﴿أَوْثَمِنَ﴾ ← أَوْثَمِنَ (уутумина)

﴿أَتَذَن﴾ ← أَيْذَن (иизан)

б) васл ҳамзаси турган калима ўзидан олдинги калимага улаб ўқилса, васл ҳамзаси тушиб қолади ва кейинги қатъий ҳамза ўз ҳолича, яъни соф ҳамза қилиб ўқилади:

﴿الَّذِي أَوْثَمِنَ﴾ (аллазиътумина)

﴿يَقُولُ أَتَذَن﴾ (йақуулуъзан)

### Савол ва топшириқлар:

1. Қатъий ва васлий ҳамзаларнинг таърифини айтинг.
2. Васлий ҳамза қандай исмларда келади?
3. Васлий ҳамза қайси феълларда келади?
4. Қайси ҳарфларда васлий ҳамза келади? Васлий ҳамзадаги нодир ҳолатлар қайсилар?



## ЎН ТЎРТИНЧИ ДАРС

## ВАҚФ ВА ИБТИДО

Вақф ва ибтидо илми Қуръон илмларининг энг муҳим-ларидандир. Зотан, Қуръон тиловатида тўғри тўхташ ва тўғри бошлаш орқали кўзланган маъно тўғри ифода топади. Аксинча, тиловат қилувчи қаерда тўхтаб, қаердан бошлашни билмаса, Қуръон оятининг маъноси бузилиши, кўзда тутилгандан бошқа маънолар келиб чиқиши мумкин.

Вақф ва ибтидо илми ҳам бошқа қироат илмлари қатори, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қироатларидан олинган.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، قَالَتْ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَقْطَعُ قِرَاءَتَهُ يَقْرَأُ: ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾، ثُمَّ يَقِفُ، ﴿الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ﴾، ثُمَّ يَقِفُ، وَكَانَ يَقْرؤها: ﴿مَلِكِ يَوْمِ الدِّينِ﴾. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Умму Салама розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қироатларини таърифлар экан, шундай деган:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қироат қилсалар, оят-оят қилиб бўлиб ўқир эдилар. «Алҳамду лиллаҳи Роббил ʼаламийн», деб тўхтар, кейин «Ар-Роҳмаанир Роҳийм», деб тўхтар, кейин «Маалики явмид-дийн», дер эдилар».

Алий розияллоҳу анҳудан Аллоҳ таолонинг ﴿وَرَوَّلْنَاهُ تَرْبِيًّا﴾ деган ояти<sup>26</sup> ҳақида сўралганда: «Тартил – ҳарфларни гўзал адо этиш ва вақфларни билишдир», деган.

<sup>26</sup> Муззаммил сураси, 4-оят.

## ВАҚФ

«Вақф» луғатда «тўхташ» деган маънони англатади. Истилоҳда эса қироат асносида нафас олиш учун бирор калимада нутқни кесишдир.

### ВАҚФНИНГ ҚИСМЛАРИ

Вақф бир неча қисмга бўлинади:

#### *1. Изтирорий вақф.*

Мажбурликдан тўхташ. Масалан, нафас етмай қолиши, йўтал, унутиш, йиғи ёки шунга ўхшаш тасодифий ҳолатлар сабабидан тўхтаб қолиш. Бундай ҳолатларда қайси калимада тўхталса ҳам узрли ҳисобланади, чунки бунда киши ихтиёрли эмас. Лекин янги нафасда қироатни тўғри жойдан бошлаб ўқиб кетиш лозим.

#### *2. Ихтиборий вақф.*

Бу вақф имтиҳонда, муаллим ўқувчига мақтуъ, мавсул<sup>27</sup> каби қоидаларни баён қилиб бераётганда қўлланади. Вақфнинг бу тури таълим жараёнига хосдир. Бундай вақф қайси калимада бўлса ҳам жоиз, лекин кейин тўғри жойдан бошлаб ўқиш лозим бўлади.

#### *3. Интизорий вақф.*

Бу вақф ҳам таълимдагина қўлланади. Бир неча қироатни бир ўқишда жамлаб ўқиганда турли ўқиладиган калималарда тўхтаб-тўхтаб ўқиш. Бунда маъно тугал бўлиши шарт эмас. Бу вақф жоиз бўлиб, ундан фақат таълим беришда қўлланилади.

#### *4. Ихтиёрий вақф.*

Юқоридаги сабаблардан холи ҳолда ўз ихтиёри билан тўхташ. Биз ўрганмоқчи бўлган вақф мана шудир. Умуман, вақф деганда асосан мана шу вақф назарда тутилади. Ихтиёрий вақф беш турга бўлинади.

<sup>27</sup> Мақтуъ ва мавсул ҳақида қаранг: 163-бет.

## ИХТИЁРИЙ ВАҚФНИНГ ТУРЛАРИ

**1. Лозим вақф.**

Бирор калима ёки жумла ўзидан кейинги калимага улаб ўқилганда ногўғри маъно чиқиб қоладиган бўлса, унда тўхташ лозим бўлади ва бу «лозим вақф» дейилади. Мусҳафларда лозим вақф белгиси сифатида م белгиси қўйилади. Масалан, Анъом сурасининг 36-оятда лозим вақф келган.

﴿إِنَّمَا يَسْتَجِيبُ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ وَالْمَوْتَى يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ ثُمَّ إِلَيْهِ يُرْجَعُونَ﴾

Ояти кариманинг маъноси: «Албатта, тинглайдиганларгина қабул қилурлар. Ўликларни эса Аллоҳ тирилтирур ва сўнгра Унинг Ўзига қайтарилурлар» (36-оят).

Агар бу ерда вақф қилинмасдан, улаб ўқилса, оятнинг маъноси: «Албатта, тинглайдиганлар ва ўликларгина қабул қилурлар», бўлиб қолади.

**Хукми:** Вақф белгиси қўйилган сўздан кейин тўхтаб, ундан кейинги сўздан бошлаб ўқишда давом этиш лозим.

**2. Тугал вақф.**

Ўзидан кейинги сўзларга маънан ҳам, лафзан (яъни грамматик жиҳатдан) ҳам боғланмаган калимада тўхташ тугал вақфдир. Мусҳафларда тугал вақф аломати сифатида «قلى» белгиси қўйилган. Бу белги «ал-вақфу авлаа», (вақф қилган афзал) деган гапнинг қисқартма шаклидир. Бундай вақфга мисол тариқасида Каҳф сурасининг 22-оятини келтираемиз:

﴿قُلْ رَبِّيَ أَعْلَمُ بِعِدَّتِهِمْ مَا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا قَلِيلٌ فَلَا تُمَارِ فِيهِمْ  
إِلَّا مِرَّةً ظَهْرًا وَلَا تَسْتَفْتِ فِيهِمْ مِنْهُمْ أَحَدًا﴾

Ояти кариманинг маъноси: «Уларнинг саноғини Роббим яхши билувчидир. Уларни жуда оз киши билур», дегин. Бас, улар ҳақида таллашиб юрма, фақатгина очик таллашиш билан (талаш). Улар ҳақида буларнинг ҳеч биридан фатво ҳам сўрама».

Ҳукми: Вақф (тўхташ) ҳам, васл (улаш) ҳам жоиз, вақф қилиб, кейинги калимадан бошлаб ўқиб кетиш афзал.

### 3. Кифоя вақф.

Ўзидан кейинги сўзларга маънан боғлиқ бўлиб, лафзан боғлиқ бўлмаган калимада тўхташ кифоя вақф дейилади. Мусхафларда кифоя вақф аломати сифатида «ع» белгиси қўйилади ва бу жоиз деганидир. Бундай вақфга Юнус сурасининг 65-оятини мисол келтирамыз:

﴿إِنَّ الْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾

Ояти кариманинг маъноси: «Албатта, иззатнинг барчаси Аллоҳникидир. У ўта эшитувчидир, ўта билувчидир».

Ҳукми: Вақф ҳам, васл ҳам баробар жоиз.

### 4. Ҳасан вақф.

Ўзидан кейинги сўзлар билан лафзан ҳам, маънан ҳам боғлиқ бўлган ҳолда тугал маъно ифода этган жумла ёки калимада тўхташ ҳасан вақфдир. Мусхафларда ҳасан вақф аломати сифатида «صلى» белгиси қўйилади.

Бу белги «ал-васлу авлаа» (васл қилган афзал) деган гапнинг қисқартмасидир. Бундай вақфга Анъом сурасининг 17-оятни мисол бўла олади:

﴿وَإِنْ يَمَسُّكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِنْ  
يَمَسُّكَ بِخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

Ояти кариманинг маъноси: «Агар Аллоҳ сенга бирор зарар етказса, Ўзидан бошқа унга кушойиш берувчи йўқ. Агар У сенга бирор яхшилик етказса, бас, У ҳар бир нарсага ўта қодирдир».

Ҳукми: Васл ҳам, вақф ҳам жоиз, васл афзал.

### 5. Қабих вақф.

Маъно тугал бўлмайдиган ёки нотўғри маъно келиб чиқадиган қилиб тўхташ қабих вақф дейилади. Мусхафларда бундай ўринларда «لا» белгиси қўйилган. Бунга мисол тариқасида Бақара сурасининг 26-оятини келтириш мумкин:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيٰٓ ۚ أَنْ يَضْرِبَ مَثَلًا مَّا بَعُوضَةٌ فَمَا وَقَّهَا﴾

Ояти кариманинг маъноси:

«Албатта, Аллоҳ чивин ёки ундан устунроқ нарсаларни мисол қилиб келтиришдан уялмас».

Масалан, ﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيٰٓ ۚ﴾ деб тўхташ жоиз эмас, чунки бунда «Албатта, Аллоҳ уялмас», деган маъно чиқиб қолади.

Бу оятни ﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيٰٓ ۚ أَنْ يَضْرِبَ مَثَلًا﴾ деб улаб ўқиш лозим.

**Эслатма:** Мусхафи шарифларда қабих вақфларнинг ҳаммасида ҳам «ل» белгиси қўйилмаган. Лекин қироатда жумланинг маъносига қараб бундай ўринларда вақф қилиш жоиз эмас.

**Хукми:** Бундай вақф жоиз эмас. Мажбурлик, яъни изтирорий вақф бўлиб қолса, олдинроқдаги маъно тўғри бўладиган калимага қайтиб, улаб кетиш лозим бўлади. Қасддан қабих вақф қилган одам гуноҳкор бўлади.

### ТАОНУҚ ВАҚФИ

Бирор калима ёки жумла ўзи мустақил тўлиқ маъно билдира олмаган ҳолда ўзидан аввалги гапга ҳам, ўзидан кейинги гапга ҳам қўшиб ўқилиши мумкин бўлса, бу калима ёки жумланинг икки тарафига уч нуқта белгиси қўйилади ва бу «таонуқ вақфи» дейилади. («Таонуқ» сўзи луғатда «кучоқлашиш» деган маънони англатади). Бунда ўша уч нуқта белгисининг биринчисида тўхтаб, иккинчисида улаб кетиш ҳам, биринчисида улаб, иккинчисида тўхташ ҳам, ҳар иккисини улаб ўқиш ҳам мумкин. Аммо иккаласида баравар тўхташ жоиз эмас. Мисол учун, Бақара сурасининг:

﴿ذَلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ﴾

деган 2-оятда биринчи белгида тўхталса, «Китоб мана шудир, унда тақводорлар учун ҳидоят бор, шубҳа йўқ», деган маъно, иккинчи белгида тўхталса, «Китоб мана шудир, унда шубҳа йўқ. У тақводорларга ҳидоятдир», деган маъно келиб чиқади.

Таонуқ вақфи Куръони Каримда етти ўринда келган:

1. Бақара сураси, 2-оят:

﴿ ذَٰلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ ﴾

2. Бақара сураси, 195-оят:

﴿ وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ وَأَحْسِنُوا  
إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴾

3. Моида сураси, 26-оят:

﴿ قَالَ فَإِنَّهَا مُّحَرَّمَةٌ عَلَيْهِمْ أَرْبَعِينَ سَنَةً يَتِيهُونَ فِي الْأَرْضِ ﴾

4. Моида сураси, 41-оят:

﴿ يَأْتِيهَا الرَّسُولُ لَا يَحْزُنكَ الَّذِينَ يُسْكَرُونَ  
فِي الْكُفْرِ مِنَ الَّذِينَ قَالُوا بِأَمْنًا بِأَفْوَاهِهِمْ وَلَمْ تُؤْمِن  
قُلُوبُهُمْ وَمِنَ الَّذِينَ هَادُوا سَمَّعُونَ لِلْكَذِبِ  
سَمَّعُونَ لِقَوْمٍ لَّا خَيْرَ لَّهُمْ يَأْتُوكَ ﴾

5. Аъроф сураси, 172-оят:

﴿ وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِن بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ  
وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن  
تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَٰذَا غَافِلِينَ ﴾

6. Иброҳим сураси, 9-оят:

﴿الَّذِ يَأْتِيكُمْ نَبَأُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُودَ وَالَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ لَا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا اللَّهُ﴾

7. Муҳаммад сураси, 4-оят:

﴿فَإِمَّا مَنَّا بَعْدُ وَإِمَّا فِدَاءً حَتَّى تَضَعَ الْحَرْبُ أَوْزَارَهَا ذَلِكَ وَلَوْ يَشَاءُ اللَّهُ لَانْتَصَرَ مِنْهُمْ وَلَكِنْ لِيَبْلُوَ بَعْضَكُمْ بِبَعْضٍ﴾

Бу оятда ﴿أَوْزَارَهَا﴾ сўзида вақф қилинса, ﴿ذَلِكَ﴾ кали-масида тўхташ жоиз эмас. Ёки акси.

### ОЯТЛАРНИНГ ОХИРИДА ВАҚФ ҚИЛИШ

Ҳар бир оятнинг охирида вақф қилиш керакми ёки оятнинг тугабини эътиборга олмаган ҳолда маънога қараб вақф қилиш лозимми, деган саволга уламолар турлича жавоб беришган. Шунга биноан, оятлар охирида вақф қилиш ҳақидаги фикрларнинг турличалигига кўра тўрт мазҳаб шаклланган:

Биринчи мазҳаб вакиллари шундай дейишади: «Ўзидан кейинги оятга маънан ва лафзан ҳар қанча боғлиқ бўлса ҳам, ҳар бир оятнинг охирида вақф қилиш лозим. Чунки ҳар бир оятда вақф қилиш суннатдир. Юқорида ўтган Умму Салама розияллоху анҳодан қилинган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳар бир оятнинг охирида вақф қилганлари очиқ айтилган».

Бу аксар олимларнинг мазҳабидир.


Иккинчи мазҳаб вакиллари айтадилар: «Оят охирида тўхташ ёки тўхтамаслик оятлар орасидаги боғлиқликка қараб бўлади. Вақф жоиз ўрин бўлса, вақф қилинади, бўлмаса, кейинги оятга улаб ўқилади».



Бу мазҳаб эгалари бир сурани бир оятдек тасаввур қилишади. Оятларнинг тугагини мутлақо эътиборга олишмайди. Жумлаларнинг маънан ва лафзан боғланишига қараб ҳукм қилишади.

Учинчи мазҳабдагилар айтадилар: «Суннатга амал қилиш учун ҳар оятнинг охирида вақф қилинади, агар оят ўзидан кейинги оятга лафзан боғлиқ бўлса, бир-икки калима юқорироқдан қайта бошлаб, кейинги оятга улаб кетилади».

Тўртинчи мазҳаб эгалари айтадилар: «Ҳар оятда вақф қилинади, чунки бу суннатдир. Аммо вақф қилинган оятдан кўзланган маъно кейинги оятни қўшмасдан чиқмайдиган бўлсагина, васл қилинади. Бундай ҳолатлар Қуръони Каримда санокли ўринларда келади. Мисол тариқасида Моъун сурасининг тўртинчи ва бешинчи оятларини келтириш мумкин.

﴿فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّينَ﴾  الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ﴿

«Бир «намозхонлар»га вайл бўлсинки... улар намозларини унутувчилардир».

Кўп муҳаққиқ олимлар мана шу мазҳабни танлаганлар, жумладан, имом Жазарий ҳам.

## ИБТИДО

«Ибтидо» сўзи луғатда «бошлаш» деган маънони англа-тади. Истилоҳда эса Куръони Карим калималарини ўқиш-ни бошлашдир. Ибтидо қироатга киришишда ҳамда қироат асносида вақфдан кейин бўлиши мумкин. Вақфни яхши ўз-лаштириб олган киши ибтидонини ҳам тўғри адо қилади.

Нотўғри маъно чиқадиган тарзда ибтидо қилиш жоиз эмас. Масалан:

﴿لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَاءُ﴾<sup>28</sup>

деган оятда ﴿إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ﴾ дан бошлаб ўқиш жоиз эмас. Ким қасддан шундай қилса, Аллоҳ сақласин, қаттиқ гу-ноҳкор бўлади.

Оятнинг маъноси:

«Батаҳқиқ, Аллоҳ «Албатта, Аллоҳ камбағал, биз эса боймиз», деганларнинг гапини эшитди». ﴿إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ﴾ деб бошлаганда эса «Аллоҳ камбағал» деган маъно ке-либ чиқади, астағфируллоҳ.

Эслатма: Куръони Каримда ﴿الَّذِي﴾ ва ﴿الَّذِينَ﴾ калималари билан бошланган оятлар бор. Уларни ўзи-дан олдинги оятга васл қилиб ўқиш мумкин. Фақат етти ўринда жоиз эмас, яъни улар билан ўзидан олдинги оят орасида вақф қилиш лозим бўлади. Акс ҳолда кўзлан-гандан тескари маъно чиқиб қолади. Улар қуйидагилар:

1. Бақара сурасининг 120 ва 121-оятлари орасида:

﴿... وَلَئِنِ اتَّبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿١٢٠﴾ الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ ...﴾

<sup>28</sup> Оли Имрон сураси, 181-оят.

2. Бақара сурасининг 145 ва 146-оятлари орасида:

﴿...وَلَيْنِ اتَّبَعَتْ أَهْوَاءَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ  
مِنَ الْعِلْمِ إِنَّكَ إِذَا لَمِنَ الظَّالِمِينَ ﴿١٤٥﴾ الَّذِينَ ءَاتَيْنَاهُمْ  
الْكِتَابَ ...﴾

3. Бақара сурасининг 274 ва 275-оятлари орасида:

﴿...وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٧٤﴾  
الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا ...﴾

4. Анъом сурасининг 19 ва 20-оятлари орасида:

﴿...قُلْ إِنَّمَا هُوَ اللَّهُ وَحِدٌ وَإِنِّي بَرِيءٌ مِمَّا تُشْرِكُونَ ﴿١٩﴾ الَّذِينَ  
ءَاتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ ...﴾

5. Тавба сурасининг 19 ва 20-оятлари орасида:

﴿...وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿١٩﴾ الَّذِينَ ءَامَنُوا  
وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ ...﴾

6. Фурқон сурасининг 33 ва 34-оятлари орасида:

﴿وَلَا يَأْتُونَكَ بِمَثَلٍ إِلَّا جِئْنَاكَ بِالْحَقِّ وَأَحْسَنَ تَفْسِيرًا ﴿٣٣﴾  
الَّذِينَ يُحْشَرُونَ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ إِلَىٰ جَهَنَّمَ ...﴾

7. Гофир сурасининг 6 ва 7-оятлари орасида:

﴿ وَكَذَلِكَ حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّهُمْ  
 أَصْحَابُ النَّارِ ۖ ﴾ ﴿٦﴾ الَّذِينَ يَمْجُلُونَ الْعَرْشَ وَمَنْ حَوْلَهُ يُسَبِّحُونَ  
 بِحَمْدِ رَبِّهِمْ ... ﴿﴾

### ҚАТЪ

«Қатъ»нинг луғавий маъноси «кесиш»дир. Истилоҳда эса «тиловатни тўхтатиб, бошқа ишга ўтишни билдиради». Қатъдан кейин қироатни қайтадан бошламоқчи бўлган одам истиъоза («Аъзузу биллаҳи минашшайтонир-рожийм»)ни) айтиши лозимдир. Қатъ одатда сура ёки оятларнинг охирида бўлади.

### САКТА

«Сакта»нинг луғавий маъноси «бир марта жим бўлиш»дир. Истилоҳда эса қироат асносида нафас олмай, икки ҳаракат миқдорича тўхтаб туриш сакта дейилади. Мусхафларда сакта аломати сифатида сатр юқорисида кичик «س» ҳарфи қўйилади.

Ҳафс ривоятида сакта тўрт ўринда келади:

1. Каҳф сураси, 1 ва 2-оятлар орасида:

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَى عَبْدِهِ الْكِتَابَ وَلَمْ يَجْعَلْ لَهُ عِوَجًا  
 ۖ قِيمًا لِيُنذِرَ بَأْسًا شَدِيدًا ... ﴾ ﴿١﴾

2. Ёсин сураси, 52-оятда:

﴿ قَالُوا يَتَوَلَّوْنَا مَنْ بَعَثْنَا مِنْ مَّرْقَدِنَا ۗ هَذَا مَا وَعَدَ الرَّحْمَنُ  
 وَصَدَقَ الْمُرْسَلُونَ ﴾ ﴿﴾

3. Қиёмат сураси, 27-оятда:

﴿ وَقِيلَ مَنْ رَاقٍ ﴾

4. Мутоффифин сураси, 14-оятда:

﴿ كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَىٰ قُلُوبِهِم مَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴾

Булардан ташқари, яна икки ўринда сакта жоиз:

1. Ҳаққо сурасининг 28 ва 29-оятлари орасида:

﴿ مَا أَغْنَىٰ عَنِّي مَالِي ﴿٢٨﴾ هَلْكَ عَنِّي سُلْطَانِيَّةٌ ﴾

Ушбу икки сўзни ўқишда аввалда ўтганидек, уч хил йўл бор:

- а) Сакта қилиш.
- б) Вақф қилиш.
- в) Идғом қилиш.

2. Анфол ва Тавба суралари орасида:

﴿ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٧٥﴾ ﴾ ﴿ بَرَاءَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ﴾ إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴾

Анфол сурасининг охириги ояти ва Тавба сурасининг биринчи оятини кетма-кет ўқишда ҳам уч хил услуб бор:

- а) Сакта.
- б) Вақф.
- в) Иқлоб.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Вақф нима? Унинг қисмларини айтинг.
2. Ихтиёрий вақфнинг қисмларини айтинг.
3. Оятлар охирида вақф қилиш ҳақида уламолар қандай фикрларни айтганлар?
4. Ибтидо нима? «الذِّي» силаси<sup>29</sup> келганда қандай йўл тутилади?
5. Қатъ нима?
6. Сактани таърифлаб беринг. Сакта Қуръони Каримда неча ўринда келади?

---

<sup>29</sup> Сила – ўздан кейин келадиган жумла воситасида ўздан олдинги сўзнинг маъносига далолат қиладиган сўздир.

## ЎН БЕШИНЧИ ДАРС

### КИНОЯ «ҲА»СИ

Сўзнинг ўзагидан бўлмаган, ғойиб музаккар муфрад замири, яъни эр жинсидаги олмошнинг учинчи шахсидаги бирлик шакли киноя «ҲА»си деб юритилади.

«Сўзнинг ўзагидан бўлмаган» деганда сўзнинг асл таркибидан бўлмаган «ҳ» назарда тутилган. Масалан, куйидаги калималарнинг охирида турган «ҳ» ҳарфи сўзнинг ўзак ҳарфларидандир:

﴿وَأَنَّهُ﴾، ﴿تَنَّهُ﴾، ﴿نَفَقَهُ﴾

«Ғойиб музаккар муфрад замири» деганда:

﴿عَلَيْهَا﴾ каби ғойиб муаннас бирликка далолат қилмайдиган;

﴿عَلَيْهِمَا﴾ каби ғойиб музаккар ва муаннас иккиликларга далолат қилмайдиган;

﴿عَلَيْهِمْ﴾ каби ғойиб музаккар кўпликка далолат қилмайдиган;

﴿عَلَيْهِنَّ﴾ каби ғойиб муаннас жамъга ҳам далолат қилмайдиган «ҳ» назарда тутилган.

Киноя «ҳ»си исмга уланиб келади: ﴿أَجَلَهُ﴾

Феълга уланиб келади: ﴿قَلْتُهُ﴾

Ҳарфга уланиб келади: ﴿إِلَيْهِ﴾

Киноя «ҳ»си тўрт хил ҳолатда келади:

1. Икки ҳаракатсиз ҳарф ўртасида:

﴿ مِنْهُ أَسْمَاءُ ﴾

2. Икки ҳаракатли ҳарф орасида:

﴿ بَلَىٰ إِنَّ رَبَّهُ كَانَ بِهِ بَصِيرًا ﴾

Киноя замири кетидан ҳаракатли ҳарф келса, у кичик сила мад бўлади, мазкур ҳаракатли ҳарф ҳамза бўлса, у катта сила мад бўлади.

Кичик сила мад табиий мад ҳукмида, катта сила мад эса мунфасил мад ҳукмида бўлишини аввал айтган эдик.

Ҳафс ривоятида учта сўздаги «о» қоидадан мустасно саналади:

а) Аъроф сурасининг 111-оятда ҳамда Шуаро сурасининг 36-оятда келган ﴿ أَرْجِهٖ وَأَخَاهُ ﴾ калимасидаги «ҳ». У икки ҳаракатли ҳарф орасида бўлса ҳам, сукунли ўқилади.

б) Намл сурасининг 28-оятда келган ﴿ فَالْقَهْلَ الْيَمِيمَ ﴾ калимасидаги «ҳ». Бу ҳам сукунли ўқилади.

в) Зумар сурасининг 7-оятда келган ﴿ يَرْضَاهُ لَكُمْ ﴾ калимасидаги «ҳ». У икки ҳаракатли ҳарф орасида келган бўлса ҳам қисқа заммали ўқилади, яъни сила мад қилинмайди.

3. Ҳаракатли ва сукунли ҳарф орасида:

﴿ وَ لَهُ أٰخْتٰلِفٌ ﴾

4. Сукунли ва ҳаракатли ҳарф орасида:



﴿مَنْهُ تُوقَدُونَ﴾

Бу кўринишда ҳам замир ҳаракати сила мад бўлмайди. Фақат Куръони Каримнинг Фурқон сурасидаги 69-оятда биргина калима мустасно бўлиб келган:

﴿فِيهِ مِهَانًا﴾

Эслатма:

﴿هَذِهِ﴾ калимаси аёл жинсидаги кўрсатиш олмошининг бирлик шакли бўлиб, ҳукмда киноя «ه»сига эргашади. Яъни иккинчи «ه»сидан кейин ҳаракатли ҳарф келса, сила мад қилинади. Мазкур ҳаракатли ҳарф ҳамза бўлмаса, кичик сила мад бўлади:

﴿هَذِهِ بِضَاعُنَا﴾

Ҳамза бўлса, катта сила мад бўлади:

﴿هَذِهِ أَنْعَمٌ﴾

Ушбу «ه»дан кейин сукунли ҳарф келса, сила тушиб қолади:

﴿وَهَذِهِ الْأَنْهَرُ﴾

﴿هَذِهِ﴾ калимасидаги «ه»нинг киноя «ه»сидан фарқи шуки, бу «ه» заммали бўлмайди ва васлда истисно тариқасида ҳам сукунли ўқилмайди.

Мусҳафларда ҳаракати сила мад қилинадиган «ه»ларда кичик «و» ёки «ي» ҳарфи қўйилади.

## ВАҚФ ИЖРОСИНИНГ ТУРЛАРИ

Биз юқорида Қуръони Каримда қайси ўринларда вақф қилиш лозимлиги ҳақида баҳс юритдик. Энди эса вақфда калималарнинг охири қандай ўқилиши ҳақида сўз юритамиз. Калималардаги вақф беш хил бўлади:

1. Соф сукун билан вақф қилиш;
2. Равм билан вақф қилиш;
3. Ишмом билан вақф қилиш;
4. Ҳазф (ҳарф ёки ҳаракатнинг тушиб қолиши) билан вақф қилиш;
5. Ибдол (ҳарф ёки ҳаракатни бошқа ҳарфга алмаштириш) билан вақф қилиш.

### Биринчи тур: соф сукун билан вақф қилиш.

Асл вақф мана шудир. Чунки араблар одатда калимани сукунли ҳарф билан бошламагандек, ҳаракат билан тугатишмайди. Негаки, калиманинг охирида сукун билан тўхташ ҳаракат билан тўхташдан енгилроқдир.

### Иккинчи тур: равм билан вақф қилиш.

Равм – ҳаракат товушини паст айтиш. Ҳаракат товушини яқин турган киши эшитадиган, узоқда турган киши эшитмайдиган қилиб чала айтиш. Уламолар: «Равмда ҳаракатнинг учдан бири талаффуз қилинади», дейишади.

Равм марфуъ (заммали) ва заммага мабний (охири заммали), мажрур (касрали) ва касрага мабний (охири касрали) сўзларда қилинади:

﴿ نَسَعِيْتُ ﴾ ، ﴿ حَيْثُ ﴾ ، ﴿ الرَّجِيمُ ﴾ ، ﴿ هَؤُلَاءِ ﴾

### Учинчи тур: ишмом билан вақф қилиш.

Ишмом – лабни заммага чўзгандек чўзиб, заммани талаффуз қилмаслик. Бунда ортган нафас ҳам лаб тирқишидан чиқиб кетади. Ишмом кўринади, эшитилмайди. Ишмом фақат марфуъ (заммали) ва заммага мабний (охири заммали) бўлган сўзларда қилинади:

﴿ نَسَعِيْبُ ﴾، ﴿ حَيْثُ ﴾

### РАВМ ВА ИШМОМДАН МАҚСАД

Равм ва ишмомдан мақсад вақф қилинган сўзнинг васлдаги асл ҳаракатини баён қилишдир. Қулоғи эшитадиган одам равмдан, кўзи кўрадиган одам ишмомда билиб олади.

### РАВМ ВА ИШМОМ МАН ҚИЛИНАДИГАН ҲОЛАТЛАР

Равм ва ишмом барча калималарнинг охирида қилинавермай, балки айрим ўринларда тақиқланади:

1. Равм ва ишмом ориз ҳаракатларда қилинмайди, масалан:

﴿ قُلِ ادْعُوا ﴾، ﴿ اَنْذِرِ النَّاسَ ﴾،  
﴿ لَهُمُ النَّاسُ ﴾، ﴿ عَلَيْكُمْ الْقِتَالُ ﴾

Ушбу жумлаларнинг биринчи калимасидаги охириги ҳарф аслида сукунли бўлган. Ундан кейин яна сукунли ҳарф келгани учун икки сукунли ҳарфнинг ораси ҳаракат билан боғланган. Бу ҳаракат сукуннинг ўрнига келгани учун ориз (вақтинчалик) ҳаракат дейилади. Равм

ва ишмом сукуни аслий бўлган ҳарфларда қилинмаганидек, ориз ҳаракатларда ҳам қилинмайди.

2. Равм ва ишмом мансуб (фатҳали) ҳолатдаги ҳамда фатҳага мабний (охири фатҳали) сўзларда ҳам қилинмайди. Чунки фатҳанинг талаффузи енгил бўлиб, вақф қилганда ҳаммаси чиқиб кетиши мумкин. Баъзисини чиқариб, баъзисини ушлаб туриб бўлмайди. Мисол учун, ﴿الْمُسْتَقِيمَ﴾ сўзидаги каби.

3. Равм ва ишмом тўгарак «ё»да ҳам қилинмайди. Чунки вақфда у сукунли «ه»га айланган бўлади:

﴿مَغْفِرَةٌ﴾ ← مَغْفِرَةٌ

Ўзгартирилган ҳарфда равм ҳам, ишмом ҳам қилинмайди. Аммо аслида араб ёзувларида тўгарак «ё» билан ёзилса-ю, Мусҳафда ётиқ «ت» билан ёзилган бўлса, унда равм ва ишмом қилиш мумкин. Масалан:

﴿كَلِمَاتٍ﴾ ، ﴿سُنَّتٍ﴾

4. Калиманинг охирида «о» замири бўлса, уни равм ва ишмом қилиш мумкин ёки мумкинмаслигида икки хил фикр бор, баъзилар қилинади, дейишади, баъзилар қилинмайди, дейишади.

Бу борада учинчи фикр ҳам бор. Унда у равм ва ишмом қилинадиган ҳамда қилинмайдиган ҳолатларга ажратилади.

**Равм ва ишмом қилинадиган ҳолатлар:**

– замирдан олдин сукун келса. Мисол учун:

﴿مِنْهُ﴾ ، ﴿فَأَجْرُهُ﴾

– замирдан олдин алиф келса. Мисол учун:

﴿ هَدَيْنَهُ ﴾، ﴿ عَلَّمْنَاهُ ﴾

– замирдан олдин фатҳа келса. Мисол учун:

﴿ مَأْمَنَهُ ﴾، ﴿ عَلِمْتَهُ ﴾

**Равм ва ишмом ман қилинган ҳолатлар:**

– замирдан олдин чўзиқ «و» ёки сукунли «و» ҳарфи келса. Масалан:

﴿ قَتَلُوهُ ﴾، ﴿ رَأَوْهُ ﴾

– замирдан олдин замма келса. Масалан:

﴿ قَلْتُهُ ﴾، ﴿ جَرَّوْهُ ﴾

– замирдан олдин чўзиқ «ي» ёки сукунли «ي» ҳарфи келса. Масалан:

﴿ فِيهِ ﴾، ﴿ عَلَيْهِ ﴾

– замирдан олдин касра келса. Масалан:

﴿ إِلَىٰ أَهْلِهِ ﴾، ﴿ حَقَّ قَدْرِهِ ﴾

**Эслатма:**

Имом Ҳафс ривоятига кўра бир ўриндагина вақфдан ташқари, ишмом ёки равм қилиш лозим. У ҳам бўлса, Юсуф сурасининг ўн биринчи оятидаги ﴿ تَأْمَنَّا ﴾ кали-

масининг «ن»идадир. Баъзилар бу ўриндаги равмни «ихтилос» деб атайдилар.

**Тўртинчи тур: ҳазф билан вақф қилиш.**

– Замма ва касра танвини вақфда тушиб қолади.

Мисол учун:

﴿بَصِيرٌ﴾، ﴿مِنْ نَّصِيرٍ﴾

– «ه» замири силаси вақфда тушиб қолади.

Мисол учун:

﴿ءَامَنَّا بِهِ﴾

**Бешинчи тур: ибдол билан вақф қилиш.**

– Фатҳа танвинида вақф қилинганда, иккинчи фатҳа тушиб, ўрнига фатҳадан кейинги «ا» ўқилади.

Мисол учун:

﴿بَلَىٰ إِنَّ رَبَّهُ كَانَ بِهِ بَصِيرًا﴾

– Тўгарак «ة»да вақф қилинганда у «ة»га алмаштирилади.

Мисол учун:

﴿الْفَارِعَةُ﴾

## ИККИ СУКУНЛИ ҲАРФНИНГ БИР-БИРИГА ЙЎЛИҚИШИ

Икки калимани бир-бирига улаб ўқишда биринчи калиманинг охири, иккинчисининг боши сукунли бўлса, икки сукуннинг биридан халос бўлиш керак бўлади. Бу ҳазф (ҳарфни тушириб қолдириш) билан ёки ҳаракатлантириш, яъни сукунни ҳаракатга алмаштириш билан амалга оширилади.

### Ҳазф билан:

Агар учала мад ҳарфидан бирортаси сукунли ҳарфга (васл ҳамзасига) йўлиқса, тушиб қолади:

﴿يَمَحُوا اللَّه﴾ ← يَمَحَلَاهُ، ﴿قَلْنَا أَحْمِل﴾ ← قُلْنَا حَمِلْ،  
﴿فِي الْأَرْضِ﴾ ← فَلِأَرْضِ.

Кўриб турганингиздек, бу ўринда мад ҳарфлари васлда тушиб қолади, вақфда эса ўқилади.

### Ҳаракатлантириш билан:

Араб тилининг қоидаларидан бири шуки, агар икки сукунли ҳарф бир-бирига йўлиқса, аввалгиси касрали қилинади. Бу асл қоидалардандир.

﴿قُلْ اَدْعُوا﴾ = قُلْ + اَدْعُوا

Лин ҳарфи сукунли ҳарфга йўлиққанда тушиб қолмайди, балки ҳаракатланади:

﴿طَرَفِي النَّهَارِ﴾ = طَرَفِيَّ + النَّهَارِ

Лекин Ҳафс ривоятида баъзи истиснолар бор. Уларда биринчи сукунли ҳарф касра билан эмас, фатҳа ёки замма билан ҳаракатланади.

Уч хил ҳолатда фатҳа билан ҳаракатланади:

1. «**مِنْ**» калимасидан кейин. Бу калима аслида сукунли бўлиб, ундан кейин сукунли ҳарф (васлий ҳамза) келса, сукуни фатҳага айланиб кетади:

﴿مِنَ السَّمَاءِ﴾، ﴿مِنَ الشَّهِدِينَ﴾

2. Муаннас «**ت**»си иккилик алифига уланиб келганда:

﴿قَالَتَا﴾

3. Оли Имрон сурасининг бошида келган муқаттаотлардаги «**م**»да.

﴿الْمِ ۝۱ ۝۲﴾

«**م**» ҳарфи номининг («**ميم**») охири сукунлидир. У васл ҳамзасига йўлиққанда фатҳа билан ҳаракатланади.

أَلِفٌ لَّامِيَّةٌ مِنَ اللَّهِ

Икки ҳолатда замма билан ҳаракатланади.

1. Кўпликка далолат қиладиган лин ҳарфларидан бўлмиш «**و**» (вав)да:

﴿فَتَمَنُّوا الْمَوْتَ﴾

Бу ердаги «**و**» аслида сукунли. У сукунга йўлиққанида замма ҳаракатини олган.



2. Кўпликка далолат қилувчи «м»:

﴿عَلَيْكُمْ الْقِتَالُ﴾

Аслида бу ердаги «м» суқунлидир. Аммо ўзидан кейин васлий ҳамза келгани учун у замма билан ҳаракатланган.

### Савол ва топшириқлар:

1. Киноя «ҳа»си нима? Унинг қандай ҳолатлари учрайди?
2. Калималардаги вақф неча хил бўлади?
3. Равм ва ишмом билан вақф қилишнинг кўриниши қандай? Бу иккисидан мақсад нима? Равм ва ишмом қай ҳолатларда ман қилинади?
4. Икки суқунли ҳарф бир-бирига йўлиққанда ҳарфларнинг таркибида қандай ўзгаришлар содир бўлади?

## ЎН ОЛТИНЧИ ДАРС

### ҲАЗФ ВА ИСБОТ

Ҳазф ва исбот тажвид илмининг энг муҳим бобларидан биридир. Бу мавзуга киришишдан олдин мавзуга доир истилоҳларни билиб олишимиз лозим.

**Ҳазф** – калиманинг охирида келган уч иллат ҳарфи «ي», «ل» ва «و» ҳарфларининг тушиб қолишидир.

**Исбот** – ҳазфнинг акси, яъни ҳарфларнинг тушиб қолмасдан, барқарор қолиши.

**Расм** – Қуръони Карим калималарининг Усмоний Мусҳафдаги ёзилиш тарзи.

**Лафз** – талаффуз қилиш.

**Васл** – икки калимани улаб ўқиш.

**Вақф** – бирор калиманинг охирида тўхташ.

Ушбу сарлавҳа остида биз ўрганмоқчи бўлган мавзунинг моҳияти шундан иборатки, Қуръони Каримни Усмоний Мусҳаф хатида ўқир эканмиз, сўз охирида иллат ҳарфлари келганда, уларни улаб ўқиганимизда ёки ана шу сўзда тўхтаганимизда, ушбу иллат ҳарфлари талаффуз қилинадими ёки талаффузда улар тушиб қоладими, шуларни билиш ва тиловат пайтида билганларимизга амал қилишдир.

**Ҳазф икки хил бўлади: муҳаққақ ҳазф ва муқаддар ҳазф.**

Муҳаққақ ҳазф эъроб қоидалари сабабли вужудга келадиган ҳазфдир. Муқаддар ҳазф қуръоний хатга хос, энгиллик мақсадида қилинган ҳазфдир.

## «АЛИФ» ҲАРФИ

Алиф ҳарфи беш суратда келади:

1. Расму лафзда, васлу вақфда исбот қилинади, яъни талаффузда тушиб қолмасдан, барқарор қолади:

﴿فَأَسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّي لَا أُضِيعُ عَمَلَ عَمَلٍ مِّنْكُمْ  
مِّنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ﴾<sup>30</sup>

﴿قَالَ رَبَّنَا ظَلَمْنَا أَنفُسَنَا وَإِن لَّمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَرْحَمْنَا لَنَكُونَنَّ  
مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾<sup>31</sup>

2. Расму лафзда, васлу вақфда ҳазф бўлади, яъни тушиб қолади:

﴿إِنَّمَا يَعْمُرُ مَسْجِدَ اللَّهِ مَن ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ  
وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَءَاتَى الزَّكَاةَ وَلَمْ يَخْشَ إِلَّا اللَّهَ﴾<sup>32</sup>  
﴿وَلَا تَنسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا﴾<sup>33</sup>

﴿يَأْتِيهَا﴾ калимаси Қуръони Каримнинг ҳамма ўрнида охири алиф билан келади. Фақат уч ўринда охиридаги алиф тушиб қолган:

Нур сурасининг 31-оятида:

<sup>30</sup> Оли Имрон сураси, 194-оят.

<sup>31</sup> Аъроф сураси, 23-оят.

<sup>32</sup> Тавба сураси, 18-оят.

<sup>33</sup> Қасас сураси, 77-оят.

﴿ وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَ الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴾

Зухруф сурасининг 49-оятда:

﴿ وَقَالُوا يَا أَيُّهَ السَّاحِرِ ادْعُ لَنَا رَبَّكَ بِمَا عَهِدَ عِنْدَكَ إِنَّنَا لَمُهْتَدُونَ ﴾

Раҳмон сурасининг 31-оятда:

﴿ سَنَفْرُغُ لَكُمْ أَيُّهَ الثَّقَلَانِ ﴾

3. Расмда исбот бўлиб, лафз, васл ва вақфда ҳазф бўлади:

﴿ شَمُودًا ﴾ сўзининг охиридаги алиф тўрт ўринда шундай келади:

Худ сураси, 68-оят:

﴿ كَانَ لَمْ يَغْنَوْا فِيهَا إِلَّا إِنَّ شَمُودًا كَفَرُوا رَبَّهُمْ إِلَّا بَعْدًا لَشَمُودًا ﴾

Фурқон сураси, 38-оят:

﴿ وَعَادًا وَشَمُودًا وَأَصْحَابَ الرَّسِّ وَقُرُونًا بَيْنَ ذَلِكَ كَثِيرًا ﴾

Анкабут сураси, 38-оят:

﴿ وَعَادًا وَشَمُودًا وَقَدْ تَبَيَّنَ لَكُمْ مِنْ مَسْكِنِهِمْ ﴾

Нажм сураси, 51-оят:

﴿وَتُمُودًا فَمَا أَتَقَى﴾

Инсон сурасининг 16-оятдаги ﴿قَوَارِيرًا﴾ сўзи ҳам шундай.

Шунингдек, кўплик «و»идан кейинги алиф ҳам. Мисол учун:

﴿قَالُوا﴾, ﴿يَتْلُوا﴾

4. Расм ва вақфда исбот бўлиб, васл ва лафзда ҳазф бўлади. Бу икки хилдир:

а) Икки сукунли ҳарф бир-бирига йўлиққанда:

﴿حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَمْرُنَا وَفَارَ التَّنُّورُ قُلْنَا احْمِلْ فِيهَا مِن كُلِّ زَوْجَيْنِ اثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ إِلَّا مَن سَبَقَ عَلَيْهِ الْقَوْلُ وَمَنْ ءَامَنَ﴾<sup>34</sup>

б) Етти алифда. Улар қуйидагилардир:

– Бақара сураси, 258-оят:

﴿قَالَ أَنَا أَحْيَىٰ وَأَمِيتٌ﴾

– Каҳф сураси, 38-оят:

﴿لَيْكِنَّا هُوَ اللَّهُ رَبِّي وَلَا أُشْرِكُ بِرَبِّي أَحَدًا﴾

– Аҳзоб сураси, 10-оят:

﴿وَتَتَّظِنُونَ بِاللَّهِ الظُّنُونًا﴾

<sup>34</sup> Худ сураси, 40-оят.

– Аҳзоб сураси, 66-оят:

﴿ يَقُولُونَ يَا لَيْتَنَّا اطَّعْنَا اللَّهَ وَأَطَّعْنَا الرَّسُولَ ﴾

– Аҳзоб сураси, 67-оят:

﴿ وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطَّعْنَا سَادَتَنَا وَكِبَرَاءَنَا فَأَضَلُّونَا السَّبِيلَ ﴾

– Инсон сураси, 15-оят:

﴿ وَيُطَافُ عَلَيْهِم بِثَانِيَةٍ مِّنْ فِضْدِهِ وَأَكْوَابٍ كَانَتْ قَوَارِيرًا ﴾

– Инсон сураси, 4-оят:

﴿ إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ سَلَاسِلًا وَأَغْلَالًا وَسَعِيرًا ﴾

Ушбу калимада икки хил кўриниш бор:

а) Охирги «л»ни исбот қилиш.

б) Охирги «л»ни ҳазф қилиб, сукунли «ل» билан тўхташ.

Мазкур етти алифга мусҳафларда кичик ғовакли тўгарак белгиси қўйилган.

5. Расм ва вақфда исбот бўлади. Бу танвиндан сўнг келганда бўлади:

<sup>35</sup> ﴿ إِذَا لَارْتَابَ الْمُبْطِلُونَ ﴾

<sup>36</sup> ﴿ وَلَيَكُونَنَّ مِنَ الصَّغِيرِينَ ﴾

<sup>35</sup> Анкабут сураси, 48-оят.

<sup>36</sup> Юсуф сураси, 32-оят.

﴿كَلَّا لَئِن لَّمْ يَنْتَه لَنْسَفَعْنَا بِالنَّاصِيَةِ﴾<sup>37</sup>

«BAV» ҲАРФИ

«و» ҳарфи ҳам уч суратдан бирида бўлади.

1. Расму лафзда, васлу вақфда исбот бўлади:

﴿وَأَسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْخَاشِعِينَ﴾<sup>38</sup>

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا قَوْمِينَ لِلَّهِ شُهَدَاءَ بِالْقِسْطِ﴾<sup>39</sup>

2. Расму лафзда, васлу вақфда ҳазф бўлади. Бу эса тўрт феъл ва битта исмда келади.

Тўртга феъл қуйидагилар:

﴿وَيَدْعُ الْإِنْسَانَ بِالشَّرِّ دُعَاءَهُ بِالْخَيْرِ﴾<sup>40</sup>

﴿وَيَمْحُ اللَّهُ الْبَاطِلَ وَيُحِقُّ الْحَقَّ بِكَلِمَاتِهِ﴾<sup>41</sup>

﴿فَتَوَلَّ عَنْهُمْ يَوْمَ يَدْعُ الدَّاعِ إِلَى شَيْءٍ نَّكُرٍ﴾<sup>42</sup>

﴿سَدَّعُ الزَّبَانِيَةَ﴾<sup>43</sup>

<sup>37</sup> Алақ сураси, 15-оят.

<sup>38</sup> Бақара сураси, 45-оят.

<sup>39</sup> Моида сураси, 8-оят.

<sup>40</sup> Исро сураси, 11-оят.

<sup>41</sup> Шура сураси, 24-оят.

<sup>42</sup> Қамар сураси, 6-оят.

<sup>43</sup> Алақ сураси, 18-оят.

Қуйидаги битта исмда:

﴿وَأَن تَظْهَرَ عَلَيْهِ فَإِنَّ اللَّهَ هُوَ مَوْلَاهُ وَجِبْرِيلُ وَصَلِحُ  
الْمُؤْمِنِينَ﴾<sup>44</sup>

3. Расм ва вақфда исбот қилиниб, васл ва лафзда ҳазф бўлади:

﴿إِنَّا كَاشِفُو الْعَذَابِ قَلِيلًا إِنَّكُمْ عَائِدُونَ﴾<sup>45</sup>

### «ЙА» ҲАРФИ

«Йа» ҳарфи ҳам уч кўринишга эга.

1. Расму лафзда, васлу вақфда исбот қилинади:

﴿رَبِّ قَدْ آتَيْتَنِي مِنَ الْمَلِكِ وَعَلَّمْتَنِي مِنْ تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ﴾<sup>46</sup>  
﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُو إِلَى اللَّهِ عَلَى بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي﴾<sup>47</sup>

2. Расм ва вақфда исбот қилиниб, васл ва лафзда ҳазф бўлади. Бу эса икки сукуннинг биридан халос бўлиш учун бўлади:

﴿يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ﴾<sup>47</sup>

3. Расму лафзда, васлу вақфда ҳазф бўлади:

<sup>44</sup> Таҳрим сураси, 4-оят.

<sup>45</sup> Духон сураси, 15-оят.

<sup>46</sup> Юсуф сураси, 101, 108-оятлар.

<sup>47</sup> Бақара сураси, 269-оят.



﴿ وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ﴾<sup>48</sup>

﴿ وَآتَ ذَا لَهُ الْقُرْبَى حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا  
نُبذَرُ تَبذِيرًا ﴾<sup>49</sup>

Уламолар бу турдаги «йа»ларни санаб чиқиб, улар Қуръони Каримда ўн етти ўринда ўн уч калимада келганини айтишган. Улар қуйидагилардир:

1. Нисо сураси, 146-оятда:

﴿ وَسَوْفَ يُؤْتِي اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ أَجْرًا عَظِيمًا ﴾

2. Моида сураси, 44-оятда:

﴿ فَلَا تَخْشَوْا النَّكَاسَ وَأَخْشَوْنَ ﴾

3. Юнус сураси, 103-оятда:

﴿ كَذَلِكَ حَقَّقْنَا لِنُجِّ الْمُؤْمِنِينَ ﴾

4. Тоҳа сураси, 12-оятда:

﴿ إِنَّكَ بِالْوَادِ الْمُقَدَّسِ طُوًى ﴾

5. Ҳаж сураси, 54-оятда:

﴿ وَإِنَّ اللَّهَ لَهَادٍ الَّذِينَ ءَامَنُوا إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴾

6. Намл сураси, 18-оятда:

<sup>48</sup> Талок сураси, 2-оят.

<sup>49</sup> Исро сураси, 26-оят.

﴿ حَتَّىٰ إِذَا أَتَوْا عَلَىٰ وَادِ النَّمْلِ قَالَتْ نَمْلَةٌ يَا أَيُّهَا النَّمْلُ ادْخُلُوا مَسْكِنَكُمُ ﴾

7. Қасас сураси, 30-оятда:

﴿ فَلَمَّا أَتَاهَا نُودِيَ مِن شَاطِئِ الْوَادِ الْأَيْمَنِ فِي الْبُقْعَةِ الْمُبْرَكَةِ ﴾

8. Рум сураси, 53-оятда:

﴿ وَمَا أَنْتَ بِهَدِيٍّ الْعَمَىٰ عَن ضَلَالَتِهِمْ ﴾

9. Ёсин сураси, 23-оятда:

﴿ إِن يُرِيدِ الرَّحْمَنُ بِضُرٍّ لَا تُغْنِي عَنِّي شَفَاعَتُهُمْ شَيْئًا وَلَا يُنْقِذُونِ ﴾

10. Софот сураси, 163-оятда:

﴿ إِلَّا مَنْ هُوَ صَالٍ الْجَحِيمِ ﴾

11. Зумар сураси, 10-оятда:

﴿ قُلْ يَاعِبَادِ الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا رَبَّكُمْ ﴾

12. Зумар сураси, 17 ва 18-оятларда:

﴿ فَبَشِّرْ عِبَادِ ﴾

13. Қоф сураси, 41-оятда:

﴿وَأَسْمِعْ يَوْمَ يُنَادِ الْمُنَادِ مِنْ مَّكَانٍ قَرِيبٍ﴾

14. Қамар сураси, 5-оятда:

﴿حِكْمَةٌ بَالِغَةٌ فَمَا تُغْنِ النُّذُرُ﴾

15. Раҳмон сураси, 24-оятда:

﴿وَلَهُ الْجَوَارِ الْمُنشَآتُ فِي الْبَحْرِ كَالْأَعْلَامِ﴾

16. Нозиёт сураси, 16-оятда:

﴿إِذَا نَادَاهُ رَبُّهُ بِالْوَادِ الْمُقَدَّسِ طُوًى﴾

17. Таквир сураси, 16-оятда:

﴿الْجَوَارِ الْكُنُسِ﴾

Намл сурасининг 36-оятдаги

﴿فَمَاءٌ آتِنِ ۚ اللَّهُ خَيْرٌ مِمَّا آتٰكُمْ﴾ сўзида вақф қилинганда  
икки хил йўл жоиздир:

а) Сукунли «ي»ни исбот қилиш, яъни «ي» билан тўхташ;

б) «ي»ни ҳазф қилиб, сукунли нун билан вақф қилиш.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Ҳазф ва исбот нима?
2. «ب»га оид ҳазф ва исбот ҳолатларини айтинг.
3. «و»га оид ҳазф ва исбот ҳолатларини айтинг.
4. «ي»га оид ҳазф ва исбот ҳолатларини айтинг.

## ЎН ЕТТИНЧИ ДАРС

## МАҚТУЪ ВА МАВСУЛ

«Мақтуъ» сўзининг луғавий маъноси «кесилган» деганидир. Истилоҳда Усмоний Мусҳафда бир калиманинг бошқа калимадан узиб ёзилишидир. «Мавсул» «қўшилган» дегани бўлиб, истилоҳда Усмоний Мусҳафда бир калиманинг бошқа калимага қўшиб ёзилишидир. Масалан, ﴿أَنَّ﴾ ва ﴿لَنْ﴾ калималари Анбиё сурасининг 87-оятда бир-биридан ажратиб ёзилган бўлса, Қиёмат сурасининг 3-оятда қўшиб ёзилган: ﴿أَنَّ﴾.

Ажратиб ёзиш асл қоида, қўшиб ёзиш эса жузъий ўзгаришдир. Чунки аслида ҳар бир калима алоҳида ёзилиши керак.

Мақтуъ ва мавсул боби тажвид илмининг энг муҳим мавзуларидан бўлиб, Қуръон ўқишни истаган ҳар бир одам уни яхши билиши лозим. Мақтуъ ва мавсулни билишнинг фойдаси шуки, бирор калимада вақф қилиш керак бўлса, унинг мақтуъ ёки мавсулликка қараб вақф қилиш жоиз ёки жоиз эмаслигини билиш имкони бўлади. Аслида бошқа-бошқа бўлган икки калима бир-бирига қўшилиб, бир калима сифатида, яъни мавсул (қўшилиб) ёзилган бўлса, гарчи аслида иккита калима бўлса ҳам, уларнинг орасида вақф қилиш жоиз бўлмайди. Мақтуъ (ажратиб ёзилган) бўлса, жоиз бўлади. Масалан, юқорида келтирилган Анбиё сурасидаги ﴿أَنَّ﴾ ва ﴿لَنْ﴾ калималари орасида, яъни «لَنْ» деб вақф қилиш жоиз. Аммо худди шу икки калима Қиёмат сурасида мавсул ёзилгани учун унда тўхташ мумкин эмас.

Энди мақтуъ ва мавсул қилиб ёзилган калималарни келтирамиз.

**Биринчи:** «لَنْ» ва «لَا».

Бу икки калима ўнга ўринда мақтуъ, бир ўринда их-тилофли ва қолган ўринларда мавсул ёзилган.

Мақтуъ ёзилганлари:

1. Аъроф сураси, 105-оят:

﴿حَقِيقٌ عَلَىٰ أَن لَّا أَقُولَ عَلَى اللَّهِ إِلَّا الْحَقُّ﴾

2. Аъроф сураси, 169-оят:

﴿أَلَمْ يُوْخَذْ عَلَيْهِمْ مِّيثَاقُ الْكِتَابِ أَن لَّا يَقُولُوا عَلَى اللَّهِ إِلَّا الْحَقَّ وَدَرَسُوا مَا فِيهِ﴾

3. Тавба сураси, 118-оят:

﴿وَوَظَنُوا أَن لَّا مَلْجَأَ مِنَ اللَّهِ إِلَّا إِلَيْهِ﴾

4. Худ сураси, 14-оят:

﴿فَاعْلَمُوا أَنَّمَا أُنزِلَ بِعِلْمِ اللَّهِ وَأَن لَّا إِلَهَ إِلَّا هُوَ﴾

5. Худ сураси, 26-оят:

﴿أَن لَّا تَعْبُدُوا إِلَّا اللَّهَ﴾

6. Ҳаж сураси, 26-оят:

﴿وَإِذْ بَوَّأْنَا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَانَ الْبَيْتِ أَن لَّا تُشْرِكْ  
بِي شَيْئًا﴾

7. Ёсин сураси, 60-оят:

﴿الَمْ أَعْهَدَ إِلَيْكُمْ بِبَنِي آدَمَ أَنْ لَا تَعْبُدُوا الشَّيْطَانَ﴾

8. Духон сураси, 19-оят:

﴿وَأَنْ لَا تَعْلُوا عَلَى اللَّهِ﴾

9. Мумтаҳана сураси, 12-оят:

﴿يَأْتِيهَا النَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَى أَنْ لَا  
يُشْرِكْنَ بِاللَّهِ شَيْئًا﴾

10. Қалам сураси, 24-оят:

﴿أَنْ لَا يَدْخُلَنَّهَا الْيَوْمَ عَلَيْكُمْ مَسْكِينٌ﴾

Бир ўринда – Анбиё сурасининг 87-оятгида мақтуъ ёки мавсул эканида ихтилоф бор. Мақтуъ экани тўғрироқ.

﴿أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ  
الظَّالِمِينَ﴾

Қолган ўринларда мавсул келган. Масалан:

Тоҳа сураси, 89-оятда:

﴿أَفَلَا يَرَوْنَ إِلَّا يَرْجِعُ إِلَيْهِمْ قَوْلًا وَلَا يَمْلِكُ لَهُمْ ضَرًّا وَلَا  
نَفْعًا﴾

Намл сураси, 25-оятда:

﴿أَلَا يَسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي يُخْرِجُ الْخَبَاءَ فِي السَّمَوَاتِ  
وَالْأَرْضِ﴾

**Иккинчи:** «مَا» ва «أَنْ».

Бу икки калима бир ўринда – Раъд сурасининг 40-оятда мақтуъ келган:

﴿وَإِنْ مَا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ الَّذِي نَعِدُهُمْ﴾

Бошқа барча ўринларда мавсул бўлиб келади. Масалан, Юнус сурасининг 46-оятда, Ғофир сурасининг 77-оятда:

﴿وَأَمَّا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ الَّذِي نَعِدُهُمْ﴾

﴿فَكَمَا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ الَّذِي نَعِدُهُمْ﴾

**Учинчи:** «عَنْ» ва «مَا».

Бу икки калима бир жойда, яъни Аъроф сурасининг 166-оятда мақтуъ ёзилган:

﴿فَلَمَّا عَتَوْا عَنْ مَا نُهُوا عَنْهُ قُلْنَا لَهُمْ كُونُوا قِرَدَةً خَاسِئِينَ﴾

Бошқа ўринларда мавсул бўлиб келади. Масалан, Бақара сурасининг 134-оятда:

﴿وَلَا تَسْأَلُونَ عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

**Тўртинчи:** «مَنْ» ва «مَا».

Бу калималар йкки ўринда мақтуъ бўлиб келган:

1. Нисо сураси, 25-оятда:

﴿ فَمِنْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ مِنْ فَنِيَّتِكُمْ الْمُؤْمِنَاتِ ﴾

2. Рум сураси, 28-оятда:

﴿ هَلْ لَكُمْ مِنْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ﴾

Бир ўринда – Мунафиқун сурасининг 10-оятдагиси ихтилофли:

﴿ وَأَنْفِقُوا مِنْ مَا رَزَقْنَاكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ الْمَوْتُ ﴾

Қолган ўринларда мавсул бўлиб келган. Масалан: Бақара сурасининг 3 ва 23-оятларида:

﴿ وَمَا رَزَقْنَاهُمْ يُفْقُونَ ﴾

﴿ وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا ﴾

**Бешинчи:** «مَنْ» билан «أَمْ».

Бу калималар тўрт ўринда мақтуъ ёзилган:

1. Нисо сураси, 109-оятда:

﴿ فَمَنْ يُجَادِلْ اللَّهَ عَنْهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَمْ مَنْ يَكُونُ عَلَيْهِمْ وَكِيلًا ﴾



2. Тавба сураси, 109-оятда:

﴿أَمْ مَنْ أَسْسَ بُيُوتَهُ عَلَى شَفَا جُرْفٍ هَارٍ فَأَنْهَارٍ بِهِ  
فِي نَارٍ جَهَنَّمَ﴾

3. Соффот сураси, 11-оятда:

﴿فَأَسْتَفْتِهِمْ أَهُمْ أَشَدُّ خَلْقًا أَمْ مَنْ خَلَقْنَا﴾

4. Фуссилат сураси, 40-оятда:

﴿أَفَمَنْ يُلْقَى فِي النَّارِ خَيْرٌ أَمْ مَنْ يَأْتِيءُ أَمِنًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ﴾

Қолган ўринларда мавсул ёзилган. Масалан: Намл сурасининг 60, 61-оятларида:

﴿أَمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

﴿أَمْ مَنْ جَعَلَ الْأَرْضَ قَرَارًا وَجَعَلَ خِلَالَهَا أَنْهَارًا﴾

Олтинчи: «لَمْ» ва «أَنْ».

Ушбу икки калима Куръони Каримда фақат мақтуъ бўлиб келган.

Нисо сураси, 73-оятда:

﴿كَأَنْ لَمْ تَكُنْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُ مَوَدَّةٌ﴾

Аъроф сураси, 92-оятда:

﴿الَّذِينَ كَذَبُوا شُعَيْبًا كَأَنْ لَمْ يَغْنَوْا فِيهَا﴾

«كَانَ» билан «لَمْ» ҳам «أَنْ» ва «لَمْ» га эргашади.

«أَنْ» билан «لَمْ» бир ўринда, Худ сурасининг 14-оятда мавсул бўлиб келган:

﴿فَأَلَّمُ بِسِتِّجِبُوا لَكُمْ فَأَعْلَمُوا أَنَّمَا أَنْزَلَ يَعْلَمُ اللَّهُ﴾

Қолган ўринларда мактуъ бўлиб келган. Масалан: Моида сураси, 73-оят, Юсуф сураси, 60-оятда:

﴿وَإِنْ لَمْ يَنْتَهُوا عَمَّا يَقُولُونَ لَيَمَسَّنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

﴿فَإِنْ لَمْ تَأْتُونِي بِهِ فَلَاكَيْلَ لَكُمْ عِنْدِي وَلَا تَقْرَبُونِ﴾

Еттинчи: «مَا» билан «أَنْ».

Бу икки калима биргина ўринда – Анъом сурасининг 134-оятда мактуъ ёзилган:

﴿إِن مَّا تُوْعَدُونَ إِلَّا بِمَا أَنْتُمْ بِمُعْجِزِينَ﴾

Бир ўринда – Наҳл сурасининг 95-оятда ихтилофли, аммо мавсул бўлгани афзал:

﴿إِنَّمَا عِنْدَ اللَّهِ هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

Қолган ўринларда мавсул ёзилган. Масалан, Нисо сурасининг 171, Хужурот сурасининг 10-оятда:

﴿إِنَّمَا الْمَسِيحُ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ رَسُولُ اللَّهِ وَكَلِمَتُهُ أَلْقَاهَا إِلَى مَرْيَمَ وَرُوحٌ مِنْهُ﴾

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوَيْكُمْ ﴾

Саккизинчи: «مَا» ва «أَنَّ».

Бу калималар икки ўринда мақтуъ бўлиб келган:

1. Ҳаж сураси, 62-оятда:

﴿ وَأَنْتَ مَا يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ هُوَ الْبَاطِلُ ﴾

2. Лукмон сураси, 30-оятда:

﴿ وَأَنْ مَا يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ الْبَاطِلُ ﴾

Бир ўринда – Анфол сурасининг 41-оятда ихтилоф-ли:

﴿ وَأَعْلَمُوا أَنَّمَا غَنِمْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَإِنَّ لِلَّهِ خُمُسَهُ ﴾

Қолган ўринларда мавсул бўлиб келган. Масалан, Каҳф сурасининг 110, Ҳадид сурасининг 20-оятда:

﴿ قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ ﴾

﴿ أَعْلَمُوا أَنَّمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَهُوَ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌ  
بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِي الْأَمْوَالِ وَالْأَوْلَادِ ﴾

Тўққизинчи: «حَيْثُ» ва «مَا».

Бу икки калима Қуръонда фақат Бақара сурасининг 144 ва 150-оятларида келган бўлиб, мутлақ мақтуъ-дир:

﴿وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّواْ وُجُوْهَكُمْ شَطْرَهُ﴾

﴿وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّواْ وُجُوْهَكُمْ شَطْرَهُ﴾

Ўнинчи: «كُلِّ» билан «مَا».

Бу калималар бир ўринда – Иброҳим сурасининг 34-оятда мақтуъ бўлиб келган:

﴿وَمَا تَأْتِيكُمْ مِنْ كَلِمَةٍ مَّا سَأَلْتُمُوهُ﴾

Тўрт ўринда ихтилофлидир:

1. Нисо сураси, 91-оятда:

﴿كُلَّ مَا رُدُّوْاْ اِلَى الْفِتْنَةِ اُرْكِسُوْا فِيْهَا﴾

2. Аъроф сураси, 38-оятда:

﴿كُلَّمَا دَخَلَتْ اُمَّةٌ لَعْنَتْ اٰخِنَهَا﴾

3. Муъминун сураси, 44-оятда:

﴿كُلَّ مَا جَاءَ اُمَّةٌ رَّسُوْهَا كَذَّبُوْهُ﴾

4. Мулк сураси, 8-оятда:

﴿كُلَّمَا اَلْفَى فِيْهَا فَوْجٌ سَاَلَهُمْ • خَزَنَتُهَا اَلَمْ يَأْتِكُمْ نَذِيْرٌ﴾

Қолган ўринларда мавсул бўлиб келади. Масалан, Бақара сурасининг 20 ва 25-оятларида:

﴿كُلَّمَا أَضَاءَ لَهُمْ مَشَوْا فِيهِ﴾  
﴿كُلَّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثَمَرَةٍ رِزْقًا قَالُوا هَذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلُ﴾

Ўн биринчи: «بَسَّسَ» ва «مَا».

Бу икки калима икки ўринда мавсул бўлиб келган:

1. Бақара сураси, 90-оятда:

﴿بِسْمَا أَشْتَرُوا بِهِءَ أَنْفُسَهُمْ﴾

2. Аъроф сураси, 150-оятда:

﴿قَالَ بِسْمَا خَلَفْتُونِي مِنْ بَعْدِي﴾

Бир ўринда – Бақара сурасининг 93-оятда ихтилоф-лидир:

﴿قُلْ بِسْمَا يَا مُرْكُم بِهِءَ إِيْمَانِكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

Қолган ўринларда мақтуъ ёзилган.

Ўн иккинчи: «فِي» билан «مَا».

Бу икки калима бир ўринда – Шуъаро сурасининг 146-оятда мақтуъ бўлиб келган:

﴿أَتُرْكُونَ فِي مَا هَاهُنَا إِمْنِينَ﴾

Ўнта жойда ихтилофли:

1. Бақара сураси, 240-оятда:

﴿فَإِنْ خَرَجْنَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ مِنْ مَّعْرُوفٍ﴾

2. Моида сураси, 48-оятда:

﴿وَلَكِنْ لِيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ﴾

3. Анъом сураси, 145-оятда:

﴿قُلْ لَا أَجِدُ فِي مَا أُوحِيَ إِلَيَّ مُحَرَّمًا عَلَى طَاعِمٍ يَطْعَمُهُ﴾

4. Анъом сураси, 165-оятда:

﴿وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ﴾

5. Анбиё сураси, 102-оятда:

﴿وَهُمْ فِي مَا آسَأْتَهُمْ أَنْفُسُهُمْ خَالِدُونَ﴾

6. Нур сураси, 14-оятда:

﴿لِمَسَّكُمْ فِي مَا أَنْفَضْتُمْ فِيهِ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

7. Рум сураси, 28-оятда:

﴿هَلْ لَكُمْ مِّنْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ مِّنْ شُرَكَاءَ فِي مَا رَزَقْتُمْ﴾

8. Зумар сураси, 3-оятда:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ فِي مَا هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ﴾

9. Зумар сураси, 46-оятда:

﴿أَنْتَ تَحْكُمُ بَيْنَ عِبَادِكَ فِي مَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ﴾

10. Воқиъа сураси, 61-оятда:

﴿عَلَىٰ أَنْ يُبَدَّلَ أَمْثَلَكُمْ وَنُنشِئَكُمْ فِي مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

Қолган жойларда мавсул бўлиб келади. Масалан, Моида сурасининг 93-оятти ҳамда Юнус сурасининг 19-ояттида:

﴿وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جُنَاحٌ فِيمَا طَعِمُوا﴾  
﴿وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِنْ رَبِّكَ لَقَضِيَ بَيْنَهُمْ  
فِيمَا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ﴾

Ўн учинчи: «مَا» билан «أَيْنَ».

Бу икки калима икки ўринда мавсул ёзилган:

1. Бақара сураси, 115-оятда:

﴿فَأَيْنَمَا تُولُوا فَثَمَّ وَجْهُ اللَّهِ﴾

2. Наҳл сураси, 76-оятда:

﴿وَهُوَ كَلٌّ عَلَى مَوْلَاهُ أَيْنَمَا يُوَجِّههُ لَا يَأْتِ بِخَيْرٍ﴾

Учта ўринда ихтилофли:

1. Нисо сураси, 78-оятда:

﴿ أَيْنَمَا تَكُونُوا يُدْرِكَكُمُ الْمَوْتُ وَلَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُّشِيدَةٍ ﴾

2. Шуъро сураси, 92-оятда:

﴿ وَقِيلَ لَهُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ ﴾

3. Ҳадид сураси, 4-оятда:

﴿ وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ ﴾

Қолган ўринларда мақтуъ ёзилган. Масалан, Бақара сурасининг 148-оятда, Шуъро сурасининг 92-оятда:

﴿ أَيْنَ مَا تَكُونُوا يَأْتِ بِكُمْ اللَّهُ جَمِيعًا ﴾

﴿ وَقِيلَ لَهُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ ﴾

Ўн тўртинчи: «أَنَّ» ва «لَنْ».

Булар икки ўринда мавсул ёзилган:

1. Каҳф сураси, 48-оятда:

﴿ بَلْ زَعَمْتُمْ أَلَّن نَجْعَلَ لَكُمْ مَوْعِدًا ﴾

2. Қиёмат сураси, 3-оятда:

﴿ أَيَحْسَبُ الْإِنْسَانُ أَلَّن نَجْمَعَ عِظَامَهُ ﴾

Муззаммил сурасининг 20-оятда ихтилофли:



﴿عَلِمَ أَن لَّنْ نُّخْصُوهُ فَنَابَ عَلَيْكُمْ﴾

Қолган ўринларда мақтуъ ёзилган. Масалан, Фатҳ сурасининг 12-оятда:

﴿بَلْ ظَنَنْتُمْ أَن لَّنْ يَنْقَلِبَ الرَّسُولُ وَالْمُؤْمِنُونَ إِلَىٰ أَهْلِيهِمْ أَبَدًا وَزُيِّنَ ذَٰلِكَ فِي قُلُوبِكُمْ وَظَنَنْتُمْ ظَنًّا سَوًّا وَكُنْتُمْ قَوْمًا بُورًا﴾

Ўн бешинчи: «لَا» билан «كَيْ».

Бу икки калима уч ўринда мақтуъ ёзилган:

1. Наҳл сураси, 70-оятда:

﴿وَمِنْكُمْ مَّن يُرْدِي إِلَىٰ أَذْلِ الْعُمُرِ لِكَيْ لَا يَعْلَمَ بَعْدَ عِلْمٍ شَيْئًا﴾

2. Аҳзоб сураси, 37-оятда:

﴿لِكَيْ لَا يَكُونَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِي أَزْوَاجِ أَدْعِيَائِهِمْ﴾

3. Ҳашр сураси, 7-оятда:

﴿كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةٌ بَيْنَ الْأَعْيَاءِ مِنْكُمْ﴾

Тўрт ўринда мавсул ёзилган:

1. Оли Имрон сураси, 153-оятда:

﴿لِكَيْلَا تَحْزَنُوا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا مَا أَصَابَكُمْ﴾

2. Ҳаж сураси, 5-оятда:

﴿لِكَيْلَا يَعْلَمَ مِنْ بَعْدِ عِلْمٍ شَيْئًا﴾

3. Аҳзоб сураси, 50-оятда:

﴿لِكَيْلَا يَكُونَ عَلَيْكَ حَرَجٌ﴾

4. Ҳадид сураси, 23-оятда:

﴿لِكَيْلَا تَأْسَوْا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ﴾

Ўн олтинчи: «مَنْ» билан «عَنْ».

Бу калималар икки ўринда мақтуъ ёзилган:

1. Нур сураси, 43-оятда:

﴿وَيَصْرِفُهُ عَنْ مَنْ يَشَاءُ﴾

2. Нажм сураси, 29-оятда:

﴿فَأَعْرِضْ عَنْ مَنْ تَوَلَّىٰ عَنْ ذِكْرِنَا﴾

Бу икки калима Қуръони Каримда фақат мазкур ўринларда келган.

Ўн еттинчи: «يَوْمَ» билан «هُمْ».

Булар икки ўринда мақтуъ ёзилган:

1. Гофир сураси, 16-оят:

﴿يَوْمَ هُمْ بَارِزُونَ﴾

2. Зориёт сураси, 13-оятда:

﴿يَوْمَ هُمْ عَلَى النَّارِ يُفَنُّونَ﴾

Бошқа ўринларда мавсул ёзилган. Масалан, Маъориж сурасининг 42-оятда:

﴿حَتَّىٰ يُلَاقُوا يَوْمَهُمُ الَّذِي يُوْعَدُونَ﴾

Ўн саккизинчи: «Мал»нинг «лам»и.

У тўрт ўринда мақтуъ келган:

1. Нисо сураси, 78-оятда:

﴿فَالِ هَٰؤُلَاءِ الْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ حَدِيثًا﴾

2. Кахф сураси, 49-оятда:

﴿وَيَقُولُونَ يَوْمَئِذٍ إِنَّ هَٰذَا مَالٌ هَدَانَا لَكُنَّا﴾

3. Фурқон сураси, 7-оятда:

﴿وَقَالُوا مَالِ هَٰذَا الرَّسُولِ يَأْكُلُ الطَّعَامَ وَيَمشِي فِي الْأَسْوَاقِ﴾

4. Маъориж сураси, 36-оятда:

﴿فَالِ الَّذِينَ كَفَرُوا قَبْلَكَ مُهْطِعِينَ﴾

Ўн тўққизинчи: «لَاتَ» ва «حِينَ».

Бу икки калима Сод сурасининг учинчи оятидагина бирга келган бўлиб, мақтуъ ёки мавсуллиги ихтилофлидир:

﴿كَمْ أَهْلَكْنَا مِنْ قَبْلِهِمْ مِنْ قَرْنٍ فَنَادَوا وَعَلَىٰ حِينٍ مِّنَ مَّوَالِيهِمْ﴾

Йигирманчи: қуйидаги калималар мавсулдир:

1. ﴿وَزَوْتُهُمْ﴾ ва ﴿كَالْوَهْمِ﴾.

Бу калималар аслида «كَالُوا لَهُمْ» ва «وَزَنُوا لَهُمْ» бўлган.

2. Маърифа алиф-лами – «ال». У ҳам сўзларга ула-

ниб, мавсул ёзилади. Масалан: ﴿السَّمْسُ﴾

3. Танбеҳ «ҳа»си. Масалан: ﴿هَاتَمْتُمْ﴾

4. Нидо «йа»си. Масалан: ﴿يَا أَيُّهَا﴾

Шу ергача айтилган мақтуъ ва мавсуллар имом Муҳаммад Жазарийнинг «Муқаддима» асарида зикр қилинган. Аммо мазкур асарда келмаган айрим калималар ҳам бор, Улар қуйидагилардир:

1. «ان» ва «لو».

Бу икки калима уч ўринда мақтуъ бўлиб келган:

Аъроф сурасининг 100-оятида:

﴿أَنْ لَّوْ يَشَاءُ أَصَبْتَهُمْ بِذُنُوبِهِمْ﴾

Раъд сурасининг 31-оятида:

﴿أَنْ لَّوْ يَشَاءُ اللَّهُ لَهْدَى النَّاسَ جَمِيعًا﴾

Сабаъ сурасининг 14-оятида:

﴿أَنْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ الْغَيْبَ﴾

Бир ўринда – Жин сурасининг 16-оятда ихтилофли:

﴿وَأَلْوِ اسْتَقَمُوا عَلَى الطَّرِيقَةِ لِأَسْقَيْنَهُمْ مَاءً غَدَقًا﴾

2. «أَيْنَ» ва «أَمْ».

Аъроф сурасининг 150-оятда мақтуъдир:

﴿قَالَ ابْنَ أُمَّ إِنَّ الْقَوْمَ اسْتَضَعَفُونِي﴾

Тоҳа сурасининг 94-оятда мавсулдир:

﴿قَالَ يَبْنَؤُمْ لَا تَأْخُذْ بِلِحْتِي وَلَا بِرَأْسِي﴾

3. «أَلْ» ва «يَاسِينَ».

Бу икки калима биргина ўринда – Соффот сурасининг 130-оятда мақтуъ бўлиб келган. Аммо бу икки калима истисно тариқасида мақтуъ ёзилган бўлса ҳам, ўртасида вақф қилиш жоиз бўлмайди.

﴿سَلَّمَ عَلَيَّ إِلَى يَاسِينَ﴾

**Савол ва топшириқлар:**

1. Нима учун мақтуъ ва мавсул илми ўта муҳим илмлардан ҳисобланади ва у қай ҳолатда ёрдам беради?

2. Қуръони Каримда қайси сўзлар мақтуъ ва мавсул ҳолатида келган?

3. «لَا», «أَنَّ» сўзлари қачон мақтуъ, қачон мавсул ва қачон ихтилофли бўлиб келади?

4. «مَا», «أَنْ» сўзлари қачон мақтуъ, қачон мавсул ва қачон ихтилофли бўлиб келади?
5. «مَا», «عَنْ» сўзлари қачон мақтуъ, қачон мавсул ва қачон ихтилофли бўлиб келади?
6. «مَا», «حَيْثُ» сўзлари қачон мақтуъ, қачон мавсул ва қачон ихтилофли бўлиб келади?
7. «لَا», «كَيْ» сўзлари қачон мақтуъ, қачон мавсул ва қачон ихтилофли бўлиб келади?
8. «هُمْ», «يَوْمَ» сўзлари қачон мақтуъ, қачон мавсул ва қачон ихтилофли бўлиб келади?
9. «حِينَ», «لَاتَ» сўзлари қачон мақтуъ, қачон мавсул ва қачон ихтилофли бўлиб келади?
10. Имом Жазарий баён қилган мақтуъ ва мавсул сўзлардан бошқаси ҳам борми? Улар қайсилар?

## ЎН САККИЗИНЧИ ДАРС ТЎГАРАК «Ә» ВА ЁТИҚ «ТА»

Тўғарак «ә» ҳарфи «ҳ»нинг устига икки нуқта қўйиш билан ясалган юмалоқ «ё»дир.

Ётиқ «ت» эса сўз охирида келадиган таънис (аёл жинсини билдирувчи) «ت»сидир.

Бу икки ҳарф ҳам муаннасага (аёл жинсига) далолат қилади ва сўзнинг охирида келади.

Қуръон тиловат қилишни истаган киши қайси сўзларнинг охири тўғарак «ә» билан, қайсиларининг охири ётиқ «ت» билан ёзилганини яхши билиши лозим, чунки бу вақф учун муҳимдир. Тўғарак «ә»ли калимада вақф қилинса, сукунли «ҳ» билан, ётиқ «ت»ли калимада вақф қилинса, сукунли «ت» билан вақф қилинади.

Усмоний Мусхафда охири ётиқ «ت» билан ёзилган сўзлар йигирмата бўлиб, уламолар шулардан ўн учтаси муфрад (бирлик) эканига иттифоқ қилишган. Қолган еттаси муфрад ёки жам (кўплик) эканида ихтилоф бор.

Муфрадлигига иттифоқ қилинган ўн учта сўз қуйидагилардир:

1. «رَحْمَتَ» калимаси олтига сурада, етти ўринда:  
Бақара сураси, 218-оятда:

﴿أُولَئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَتَ اللَّهِ﴾

Аъроф сураси, 56-оятда:

﴿إِنَّ رَحْمَتَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ﴾

Худ сураси, 73-оятда:

﴿ قَالُوا أَتَعْجَبِينَ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ رَحْمَتُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ عَلَيْكُمْ  
أَهْلَ الْبَيْتِ إِنَّهُ حَمِيدٌ مَجِيدٌ ﴾

Марям сураси, 2-оятда:

﴿ ذَكَرْ رَحْمَتِ رَبِّكَ عَبْدَهُ زَكَرِيَّا ﴾

Рум сураси, 50-оятда:

﴿ فَانظُرْ إِلَىٰ آثَارِ رَحْمَتِ اللَّهِ كَيْفَ يُحْيِي الْأَرْضَ بَعْدَ  
مَوْتِهَا إِنَّ ذَٰلِكَ لَمُحْيِي الْمَوْتَىٰ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾

Зухруф сурасининг 32-оятда икки ўринда:

﴿ أَهُمْ يَقْسِمُونَ رَحْمَتِ رَبِّكَ نَحْنُ قَسَمْنَا بَيْنَهُمْ مَعِيشَتَهُمْ  
فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَرَفَعْنَا بَعْضَهُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِيَتَّخِذَ  
بَعْضُهُمْ بَعْضًا سَخِرِيًّا وَرَحْمَتِ رَبِّكَ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ ﴾

2. «نَعْمَت» калимаси. У саккизта сурада, ўн бир жойда келади:

Бақара сурасининг 231-оятда:

﴿ وَاذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْكُمْ مِنَ الْكِتَابِ  
وَالْحِكْمَةِ يَعِظُكُمْ بِهِ ﴾

Оли Имрон сураси, 103-оятда:



﴿وَاذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءَ فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا﴾

Моида сураси, 11-оятда:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ﴾

Иброҳим сураси, 28, 34-оятларда:

﴿الَّذِينَ بَدَلُوا نِعْمَتَ اللَّهِ كُفْرًا﴾  
﴿وَأَتَاكُمْ مِنْ كُلِّ مَآسَأَلْتُمُوهُ وَإِنْ تَعُدُّوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تَحْصُوهَا إِنَّا الْإِنْسَانَ لظَلُومٌ كَفَّارٌ﴾

Наҳл сураси, 72, 83, 114-оятларда:

﴿أَفِيَ الْبَاطِلِ يُؤْمِنُونَ وَبِنِعْمَتِ اللَّهِ هُمْ يَكْفُرُونَ﴾  
﴿يَعْرِفُونَ نِعْمَتَ اللَّهِ ثُمَّ يُنْكِرُونَهَا﴾  
﴿وَأَشْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ﴾

Лукмон сураси, 31-оятда:

﴿الَّذِينَ تَرَىٰ فِي السَّمَاءِ تُجْرِي فِي الْبَحْرِ بِنِعْمَتِ اللَّهِ﴾

Фотир сураси, 3-оятда:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ﴾

Тур сураси, 29-оятда:

﴿فَذَكِّرْ فَمَا أَنْتَ بِنِعْمَتِ رَبِّكَ بِكَاهِنٍ وَلَا مَجْنُونٍ﴾

3. «لَعْنَتٌ» калимаси. У икки ўринда келади: Оли Имрон сурасининг 61-оятда:

﴿ثُمَّ نَبَّهْتَهُلْ فَنجَعَلْ لَعْنَتَ اللَّهِ عَلَى الْكٰذِبِينَ﴾

Нур сурасининг 7-оятда:

﴿وَالْخَمِيسَةَ أَنْ لَعْنَتَ اللَّهِ عَلَيْهِ إِنْ كَانَ مِنَ الْكٰذِبِينَ﴾

4. «أَمْرَاتٌ» калимаси. У тўртта сурада, олти ўринда келган:

Юсуф сураси, 30, 51-оятларда:

﴿وَقَالَ نِسْوَةٌ فِي الْمَدِينَةِ أَمْرَاتُ الْعَزِيزِ تُرَاوِدُ فَتْنَهَا عَنْ نَفْسِهِ﴾

﴿قَالَتِ أَمْرَاتُ الْعَزِيزِ أَلَنْ حَصْحَصَ الْحَقُّ أَنَا رَاوِدْتُهُ عَنْ نَفْسِهِ، وَإِنَّهُ لَمِنَ الصّٰدِقِينَ﴾

Оли Имрон сураси, 35-оятда:

﴿إِذْ قَالَتِ أَمْرَاتُ عِمْرَانَ رَبِّ إِنِّي نَذَرْتُ لَكَ مَا فِي بَطْنِي مُحَرَّرًا فَتَقَبَّلْ مِنِّي﴾

Қасас сураси, 9-оятда:

﴿ وَقَالَتِ امْرَأَتُ فِرْعَوْنَ قُرْتُ عَيْنِي لِي وَلَكَ ﴾

Таҳрим сураси, 10, 11-оятларда:

﴿ ضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِلَّذِينَ كَفَرُوا امْرَأَتَ نُوحٍ وَامْرَأَتَ لُوطٍ ﴾

﴿ وَضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا امْرَأَتَ فِرْعَوْنَ ﴾

5. «مَعْصِيَتٍ» калимаси. У бир сурада икки ўринда келган:

Мужодада сурасининг 8, 9-оятларида:

﴿ وَيَتَنَجَّوْنَ بِالْآثِمِ وَالْعَادُونَ وَمَعْصِيَتِ الرَّسُولِ ﴾

﴿ فَلَا تَتَنَجَّوْا بِالْآثِمِ وَالْعَادُونَ وَمَعْصِيَتِ الرَّسُولِ ﴾

6. «سُنَّتٍ» калимаси. У учта сурада бешта ўринда келади:

Анфол сурасининг 38-оятда:

﴿ وَإِنْ يَعُودُوا فَقَدْ مَضَتْ سُنَّتُ الْأَوَّلِينَ ﴾

Фотир сурасининг 43-оятда учта:

﴿ فَهَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا سُنَّتَ الْأَوَّلِينَ فَلَنْ تَجِدَ لِسُنَّتِ اللَّهِ تَبْدِيلًا وَلَنْ تَجِدَ لِسُنَّتِ اللَّهِ تَحْوِيلًا ﴾

Гофир сурасининг 85-оятда:

﴿سُنَّتَ اللَّهِ الَّتِي قَدْ خَلَتْ فِي عِبَادِهِ﴾

7. «شَجَرَت» калимаси. У бир ўринда – Духон сурасининг 43-оятда келади:

﴿إِنَّ شَجَرَتَ الزَّقُّومِ﴾

8. «قُرَّت» калимаси. У бир ўринда – Қасас сурасининг 9-оятда келади:

﴿وَقَالَتِ امْرَأَتُ فِرْعَوْنَ قُرَّتُ عَيْنِي لِىِ وَلِكِ﴾

9. «جَنَّت» калимаси. У бир ўринда – Воқиъа сурасининг 89-оятда келади:

﴿فَرَوْحٌ وَرَيْحَانٌ وَجَنَّتُ نَعِيمٍ﴾

10. «فَطَرَت» калимаси. У бир ўринда – Рум сурасининг 30-оятда келади:

﴿فِطَرَتَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا﴾

11. «كَلِمَت» калимаси. У бир ўринда – Аъроф сурасининг 137-оятда келади:

﴿وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ الْحُسْنَى عَلَى بَنِي إِسْرَائِيلَ بِمَا صَبَرُوا﴾

12. «بَقِيَّت» калимаси. У бир ўринда – Худ сурасининг 86-оятда келади:

﴿بَقِيَّتُ اللَّهِ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

13. «أَبْنَتْ» калимаси. У бир ўринда – Таҳрим сурасининг 12-оятда келган:

﴿وَمَرْيَمَ ابْنَتَ عِمْرَانَ الَّتِي أَحْصَنَتْ فَرْجَهَا﴾

Уламолар муфрад ёки жамлигида ихтилоф қилган етти калима куйидагилардир:

1. «كَلِمَت» калимаси. У куйидаги ўринларда келган:  
Анъом сураси, 115-оятда:

﴿وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ صِدْقًا وَعَدْلًا﴾

Юнус сураси, 33-оятда:

﴿كَذَلِكَ حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى الَّذِينَ فَسَقُوا أَنَّهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ﴾

Юнус сураси, 96-оятда:

﴿إِنَّ الَّذِينَ حَقَّتْ عَلَيْهِمْ كَلِمَتُ رَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ﴾

Ғофир сураси, 6-оятда:

﴿وَكَذَلِكَ حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّهُمْ أَصْحَابُ النَّارِ﴾

2. «عِيَابَت» калимаси. У Юсуф сурасининг 10, 15-оятларида келган:

﴿ قَالَ قَائِلٌ مِّنْهُمْ لَا نَقْنَلُوا يُوْسُفَ وَالْقَوْهٖ فِي غَيْبَتِ الْجُبِّ  
يَلْقِظُهُ بَعْضُ الْأَسْيَارَةِ إِن كُنْتُمْ فَعَلِينَ ﴾

﴿ فَلَمَّا ذَهَبُوا بِهِ، وَأَجْمَعُوا أَن يَجْعَلُوهُ فِي غَيْبَتِ الْجُبِّ ﴾

3. «يَبِّت» калимаси. У Фотир сурасининг 40-оятда келади:

﴿ أَمْ آتَيْنَهُم كِتَابًا فَهُمْ عَلَىٰ بَيِّنَتٍ مِّنْهُ ﴾

4. «جَمَلَت» калимаси. У Мурсалот сурасининг 33-оятда келган:

﴿ كَانَهُ جَمَلَتْ صُفْرًا ﴾

5. «ءَايَات» калимаси. У куйидаги ўринларда келган: Юсуф сураси, 7-оятда:

﴿ لَقَدْ كَانَ فِي يُوسُفَ وَإِخْوَتِهِ ءَايَاتٌ لِّلْسَائِلِينَ ﴾

Анкабут сураси, 50-оятда:

﴿ وَقَالُوا لَوْلَا أَنزَلْنَا عَلَيْهِ ءَايَاتٍ مِّن رَّبِّهِ ؕ ﴾

6. «الْغُرَفَات» калимаси. У Сабаъ сурасининг 37-оятда келган:

﴿ فَأُولَٰئِكَ لَهُمْ جَزَاءُ الضَّعْفِ بِمَا عَمِلُوا وَهُمْ فِي الْغُرَفَاتِ  
ءَامِنُونَ ﴾

7. «ثَمَرَاتٍ» калимаси. У Фуссилат сурасининг 47-оятида келган:

﴿وَمَا تَخْرُجُ مِنْ ثَمَرَاتٍ مِّنْ أَكْمَامِهَا﴾

Ушбу етти калимадан қай бирида вақф қилинса, сукунли «ت» билан вақф қилинади.

### Савол ва топшириқлар:

1. Тўғарак «ة» ва ётиқ «ت» нима? Нима учун Қуръон ўқишни истаган киши калималар охири бу икки ҳарфнинг қай бири билан тугагини билиши лозим?

2. «ت» билан тугаган сўзларнинг қайсилари муфрад эканлигига иттифоқ қилинган? Улардан бештасига оятлардан мисоллар келтиринг.

3. «ت» билан тугаган сўзларнинг қайсиларида ихтилоф қилинган? Учтасига мисоллар келтиринг.

## ҚАСР ТАРИҚИ

(ҲУСАЙНХОН ҚОРИ ЯҲЁ  
АБДУЛМАЖИДДАН ТУҲФА)

Жаҳонда энг кенг тарқалган қироат имом Ҳафс ибн Сулаймон раҳимахуллоҳнинг имом Осим ибн Абу Наҷуд раҳимахуллоҳдан қилган ривоятидир. Бизнинг диёрларда ҳам Қуръони Карим шу қироат асосида ўқилади ва ўқитилади.

Маълумки, қироатлар устозлардан қироат китоблари асосида ўрганиб келинади. Қироат китоблари орасида асрлар оша бутун дунёда тан олиниб, асос қилиб ўрганиладиган асарларнинг энг бирламчиси имом Абу Муҳаммад Қосим ибн Фирруҳ Шотибийнинг «Ҳирзуламани ва важхут-тахани» асаридир. Унда етти қироат жамланган. Шунингдек, имом Муҳаммад Жазарийнинг «Ан-нашр фил-қироатил-ъашр» ҳамда «Тоййибатуннашр» китоблари ҳам асос манба ҳисобланади. Буларда ўнга қироат жамланган.

Имом Осимнинг қироати, имом Ҳафс ривояти ҳар икки мажмуада ҳам бор. Имом Ҳафснинг ривояти асосан икки тариқ орқали тарқалган. Улар Убайд ибн Саббоҳ ва Амр ибн Саббоҳ тариқларидир. Ушбу икки тариқ орасида жузъий фарқлар мавжуд бўлиб, имом Шотибий ўз китобида Убайднинг тариқини танлаган, имом Жазарий эса Амрнинг тариқини ҳам келтирган.

Имом Осим қироати сифатида энг кўп тарқалган тариқ Шотибий танлаган Убайд ибн Саббоҳнинг тариқидир. Шу боис ҳозирда Ҳафс ривоятидаги мусхафлар ўша тариқ асосида ёзилади, нашр қилинади, қорилари асосан шу тариқ бўйича ўқийдилар. Бу тариқда мунфасилни қаср қилиш йўқ. Аммо Жазарий нақл қилган Амр



ибн Саббоҳнинг тариқи ҳам машҳур, хусусан, қорилар орасида кўп қўлланади. Мазкур Амр тариқида мунфасилни қаср қилиб ўқиш бор. Бу тариқ «қаср» тариқи дейилади. Чунки унинг Убайд ибн Саббоҳнинг тариқидан асосий фарқи мунфасил мадни икки ҳаракат чўзиш, яъни қаср (қиска) қилиб ўқишда кўринади.

Бу тариқ асосан тезроқ ўқишда, ҳадр мартабасида қироат қилишда қўлланади. Диёримиз қорилари ҳам таровехларда ёки умуман, Қуръон хатм қилишда, такрорлаганда кўпроқ мана шу тариқни қўллашга эҳтиёж сезадилар. Баъзилар бу тариқдан фақат мунфасил мадни қаср қилишнигина билганлари учун шунинг ўзи билан кифояланиб қолишади. Бошқа қоидаларига риоя қилишмайди. Бу дуруст эмас. Чунки тариқларни аралаштириш макруҳ саналади. Бу тариқнинг ўзига хос шартлари бор бўлиб, ушбу тариқ бўйича қироат қилмоқчи бўлган қори уларга риоя қилиши шарт.

Биз бу ерда қаср тариқлари орасидан энг машҳури ва осони ҳамда асосан амалда бўлган Шотибий йўналишига энг яқинини келтирмоқчимиз. У имом Жазарий асос қилиб олган Абу Карам Муборак ибн Ҳасан Шаҳразурийнинг (в.х. 550) «Ал-Мисбааҳуз-зааҳир фил-қирооатил-ъашриил-бавааҳир» асарида келтирилган тариқдир. Бу йўналиш «Мисбоҳ тариқи» номи билан машҳур бўлган. Имом Шаҳразурий бу тариқни устози Муқриъ Абу Ҳусайдан олган. Асарда тариқнинг қолган санади қуйидагича берилган:

Абу Ҳасан Алий ибн Аҳмад Ҳаммомий (в.х. 417);

Абу Аҳмад ибн Абдурраҳмон Валий (в.х. 355);

Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Фил (в.х. 289);

Абу Ҳафс Амр ибн Саббоҳ (в.х. 221);

Ҳафс ибн Сулаймон Куфий (в.х. 180);

Осим ибн Абу Нажуд Куфий (в.х. 127).

Биз қуйида ушбу қаср тариқи билан Шотибий келтирган машхур тариқ орасидаги фарқларни баён қиламиз. Қуйида «қаср тариқи» деганда айнан мана шу Мисбоҳ тариқигина назарда тутилади:

1. Муттасил мад Шотибий тариқи бўйича васлда 4 ёки 5, вақфда 5 ёки 6 ҳаракат миқдорича чўзилади. Қаср тариқида васлда 4, вақфда 4 ёки 5 ҳаракат миқдорича чўзилади.

2. Мунфасил мад Шотибий тариқида 4 ёки 5 ҳаракат миқдорича чўзилади. Қаср тариқида 2 ҳаракат миқдорича.

3. Бақара сурасининг 245-оятдаги ﴿وَيَبْصُطْ﴾ ҳамда Аъроф сурасининг 69-оятдаги ﴿بَسْطَةَ﴾ калималари Шотибий тариқида «س» билан, қасрда «ص» билан ўқилади.

4. Тур сурасининг 37-оятда келган ﴿الْمُصِطْرُونَ﴾ калимаси Шотибий тариқида «ص» билан ҳам, «س» билан ҳам ўқилади, қаср тариқида фақат «س» билан ўқилади.

5. ﴿ءَاَلْتَنَ﴾, ﴿ءَاَلْذَكْرَيْنَ﴾, ﴿ءَاَللَّهُ﴾ икки ҳамзани Шотибий тариқида ибдол (бошқа ҳарфга алмаштириш) ёки тасхил билан (ҳамза-фатҳа орасида) ўқиш жоиз, қасрда фақат ибдол жоиз.

6. Марям ва Шура сураларининг бошидаги муқаттаотларда келган «ع» ҳарфининг «ي»си Шотибий тариқида 4 ёки 6 ҳаракат, қаср тариқида фақат 4 ҳаракат чўзилади.

7. ﴿لَا تَأْمَنَّا﴾ калимасида Шотибий тариқига кўра, ишмом ҳам, ихтилос (равм) ҳам жоиз, қасрда фақат ишмом жоиз.

8. Шуъаро сурасининг 63-оятдаги ﴿فِرْقِي﴾ калимасидаги «ر» Шотибий тариқида тафхим ҳам, тарқик ҳам қилиниши мумкин, қасрда фақат тафхим қилинади.

9. Рум сурасининг 54-оятида ﴿ضَعِيفٍ﴾ калимасининг бош ҳарфи Шотибий тариқида фатҳали ёки замали ўқилиши мумкин, қаср тариқида эса фақат фатҳа жоиз.

10. Намл сурасининг 36-оятидаги ﴿ءَاتِنَا﴾ калимасида вақф қилинганда Шотибий тариқида «ي» билан тўхталади, қасрда эса «ن»да тўхталади, «ي» тушиб қолади.

11. Инсон сурасининг 4-оятидаги ﴿سَلَسِلًا﴾ калимасида вақф қилинганда Шотибий тариқида «ا» билан ҳам, усиз ҳам вақф қилиш мумкин. Қаср тариқида фақат «ل» билан вақф қилинади.

12. Шотибий тариқида такбир мутлақо йўқ, қасрда эса хатм такбири бор.

### Эслатма:

Қироатлардаги такбир икки хил бўлади: умумий такбир, хатм такбири. Умумий такбир – ҳар суранинг бошидаги басмаладан олдин такбир айтиш. Тавба сура-си мустасно, чунки унда басмала йўқ. Хатм такбири – Қуръони Каримни хатм қилаётганда Зуҳо сурасидан бошлаб Наас сурасигача ҳар суранинг охирида айтилади. Такбирнинг энг машҳур ва мақбул шакли «Аллоҳу акбар», дейишдир.

## ШОТИБИЙ ТАРИҚИ ВА МИСБОҲ ҚАСР ТАРИҚИ ОРАСИДАГИ ФАРҚЛАР ЖАДВАЛИ

№	Ихтилофлар	Шотибий тарқи	Мисбоҳ қаср тарқи
1.	Муттасил мад	4 ёки 5 ҳаракат	4 ҳаракат
2.	Мунфасил мад	4 ёки 5 ҳаракат	2 ҳаракат
3.	﴿وَيَبْصُطُ﴾, ﴿بَصْطَةً﴾	«с» билан	«ص» билан
4.	﴿الْمَصْبِطُونَ﴾	«с» ва «ص» билан	«с» билан ўқилади
5.	﴿إِنَّا لِلَّهِ﴾, ﴿إِنَّا لَآئِنَ﴾	Ибдол ва Тасҳил	Ибдол
6.	Муқаттаот «ع»	4 ёки 6 ҳаракат	4 ҳаракат
7.	﴿مَالِكٌ لَا تَأْمِنَا﴾	Ишмом ва ихтилос	Ишмом
8.	﴿فِرْقٍ﴾	Тафҳим ва тарқиқ	Тафҳим
9.	﴿ضَعِيفٍ﴾, ﴿ضَعِيفٍ﴾	Иккиси ҳам жоиз	Фақат фағ-ҳа жоиз
10.	﴿إِنِّي﴾ вақфи	«ي» билан	«ن» билан
11.	﴿سَلَسِيلاً﴾ даги вақф	«ل» ёки «ا» билан	фақат «ل» билан
12.	Такбир	Йўқ	Хатм так-бири бор

Ушбу қоидаларни ёдда сақлаш осон бўлиши учун улар назмга ҳам солинган. Қорилар учун бу назмни ёдлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

### ҚАСР НАЗМИ

Аллоҳга ҳамд бўлсин, туширмиш Қуръон,  
Расулга салавот, ўргатмиш ҳамон.

Саҳобалар, Қуръон аҳлларига,  
Аллоҳнинг раҳмати бўлсин барига.

Ҳафс ривоятин қаср йўли кўп,  
Фил Амрдан нақл қилган тариқ хўп.

Мисбоҳ муаллифи этмиш ривоят,  
Жазарий Нашрда қилмиш ҳикоят.

Шотибий йўлидан фарқи бордир сал,  
Қаср тариқида шарт қилмоқ амал.

Тўрт ҳаракат қадар мадди муттасил,  
Икки ҳаракатдир мадди мунфасил.

«Йабсуту», «бастотан» «сод» билан магар,  
«Мусайтирун»да «син» бўлмиш муқаррар.

«Ааллоҳу», «аал-аана», «ааз-закаройни»,  
Фақат ибдол бўлар, ҳар учи айни.

Вақфда «аатан» де, «салаасил» дегин,  
«Таъманнаа»да фақат ишмомдир, билгин.

«Доъфин»да фатҳадан ўзгаси бўлмас,  
«Фирқин»да тафҳимдан бошқаси ўтмас.

Такбир айтар кимки қилмоқчи хатм.  
Бироқ жоиз эрур, эмасдир лозим.

Муқаттаот «ъайн»и тавассут магар,  
Қаср қил, шуларни бажарсанг агар.

### ТИЛОВАТ САЖДАСИ

Қуръони Каримнинг ўн тўрт сурасида сажда оятлари келади. Улар қуйидагилар:

1. Аъроф сурасининг 206-ояти.
2. Раъд сурасининг 15-ояти.
3. Наҳл сурасининг 49-ояти.
4. Исро сурасининг 109-ояти.
5. Марям сурасининг 58-ояти.
6. Ҳаж сурасининг 18-ояти.
7. Фурқон сурасининг 60-ояти.
8. Намл сурасининг 26-ояти.
9. Сажда сурасининг 15-ояти.
10. Сод сурасининг 24-ояти.
11. Фуссилат сурасининг 37-ояти.
12. Нажм сурасининг 62-ояти.
13. Иншиқоқ сурасининг 21-ояти.
14. Иқроъ сурасининг 19-ояти.

Мусҳафларда сажда оятларига алоҳида белги қўйилади.

Ушбу санаб ўтилган оятлар ҳанафий мазҳаби бўйича белгиланган оятлардир. Мусҳафларда бунга қўшимча ўлароқ, Имом Шофеъий мазҳабига кўра сажда ояти деб эътибор қилинган Ҳаж сурасининг 77-ояти ҳам белги-

ланади. Бинобарин, мазкур оятда ҳам сажда қилиш дуруст саналади.

Ҳанафий мазҳабида ушбу оятларнинг бирини ўқиган ёки ўқиётган кишидан эшитган одамга сажда қилиш вожиб бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا قَرَأَ ابْنُ آدَمَ السَّجْدَةَ فَسَجَدَ اعْتَزَلَ الشَّيْطَانُ يَبْكِي يَقُولُ: يَا وَيْلَهُ». وَفِي رِوَايَةٍ: «يَا وَيْلِي! أَمَرَ ابْنُ آدَمَ بِالسُّجُودِ فَسَجَدَ فَلَهُ الْجَنَّةُ، وَأَمَرْتُ بِالسُّجُودِ فَأَبَيْتُ فَلِيَ النَّارُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам боласи сажда оятини қироат қилиб, сажда қилса, шайтон четга чиқиб, йиғлайди: «Ҳолимга вой бўлсин!» дейди», дедилар».

*Бошқа бир ривоятда:*

«Ҳолимга вой бўлсин! Одам боласи саждага буюрилди ва сажда қилди, натижада унга жаннат бўлди. Мен саждага буюрилдим ва бош тортдим, натижада менга дўзах бўлди», дейди», дейилган.

*Имом Муслим ривоят қилган.*

Тиловат саждаси намоз фарз бўлган кишига вожиб бўлади, чунки сажда намознинг бир бўлагидир. У мусулмон, оқил, болиғ ҳар бир кишига, шунингдек, ҳайз ва нифосдан пок бўлган аёлларга вожибдир. Кофир, ёш бола, мажнун, ҳайзли ва нифослилар ўқиса ҳам, эшитса ҳам, уларга сажда қилиш вожиб бўлмайди. Чунки уларга намоз фарз эмас. Аммо мазкур санаб ўтилганлардан мажнундан бошқаси ўқиса, тингловчига тиловат сажда-

си вожиб бўлади. Сажда оятини эшитган бетаҳорат ва жунуб кишига ҳам тиловат саждаси вожиб бўлиб, улар саждани покланганларидан кейин адо этиб қўядилар.

Тиловат саждасининг дуруст бўлиш шартлари эса худди намознинг дуруст бўлиш шартлари кабидир. Чунки айтиб ўтганимиздек, сажда намознинг бир бўлагидир. Шартлар қуйидагилар: катта ва кичик бетаҳоратликдан пок бўлиш, кийим ва саждагоҳнинг пок бўлиши, қиблага юзланиш, аврат тўсилган бўлиши ва ният. Гапириш, ортиқча хатти-ҳаракат ва қаҳқаҳа каби намозни бузадиган амаллар саждани ҳам бузади.

Сажда ояти намоздан ташқарида ўқилганда сажда қилиш фурсати кенгроқ бўлади. Яъни тиловатдан кейин дарров сажда қилиш шарт эмас. Умрининг охиригача саждани адо этиб қўйса бўлади. Лекин саждани қасддан кечиктириш дуруст эмас.

Ҳар бир сажда ояти учун алоҳида сажда қилинади, гарчи бир жойда кетма-кет ўқиса ҳам. Масалан, Амма порасини ўқиётган киши Иншиқоқ сурасидаги сажда оятини ўқиса, сўнгра Алақ сурасидаги сажда оятини ҳам ўқиса, иккаласи учун алоҳида икки сажда қилади.

Биргина сажда оятини такрор-такрор ўқиса, бир жойда ўтириб ўқиса, қанча ўқиса ҳам, бир марта сажда қилиш кифоя. Аммо жойни ўзгартирса ёки орада бошқа иш билан машғул бўлса, яна бошқа бир сажда қилиш лозим бўлади. Масалан, уйда сажда оятини ўқиса, сўнгра масжидга бориб, ўша оятни яна ўқиса, уйда ўқилгани учун бошқа, масжидда ўқилгани учун бошқа сажда қилади. Шунингдек, сажда оятини тиловат қилиб, кейин гапирса, суҳбатдан кейин яна худди ўша сажда оятини ўқиса, ҳар иккиси учун бошқа-бошқа сажда қилади.

Киши битта мажлисининг ўзида тиловат саждасини эшитса, кейин ўзи ҳам уни ўқиса, иккаласи учун бир



марта сажда қилса, кифоя қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломдан сажда оятларини эшитиб, ўзларига сингдириб олиб, кейин саҳобаларга ўқиб берганлар. Улар ҳам қайта ўқиб, мустаҳкамлаб олишган ва ҳаммалари биргина сажда қилиш билан кифояланишган.

Сажда ояти намоз ичида ўқиладиган бўлса, унда сажда қилиб олиш фурсати қисқа бўлади, яъни сажда ояти ўқилиши билан дарров сажда қилиш лозим. Бунда икки хил йўл бор. Биринчиси: сажда оятини ўқигандан кейин дарров саждага кетилади. Саждадан қиёмга қайтиб, яна уч ёки ундан кўпроқ оят ўқиб, рукуъга борилади ва намозни давом эттирилади. Иккинчиси: сажда оятини рукуъ пайтига тўғрилаб ўқилади ва сажда оятидан кейин саждани ният қилиб рукуъ қилинади. Ушбу ҳолатда тиловат саждаси намоз рукуъсининг ичига кириб кетади. Аммо сажда оятини намозда тиловат қилгандан кейин уч оятдан кўп ўқиб юборилса, биринчи кўринишдагидек сажда қилиш ҳам, иккинчи кўринишдаги каби рукуъ қилиш ҳам жоиз бўлмай қолади. Бундай ҳолатда намознинг рукуъ ёки саждаси сажда оятининг саждаси ўрнини қоплаб кетади. Аммо сажда оятининг саждасини ўз вақтида қилмагани учун киши гуноҳкор бўлади.

Намоздан ташқарида сажда қилганда саждадан аввал ҳам, кейин ҳам такбир айтиш суннатдир. Шунингдек, саждада камида уч марта «Субҳаана Роббийал-аълаа», дейиш ҳам суннатдир. Сўнгра ушбу дуони ўқийди:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَقُولُ فِي سُجُودِ الْقُرْآنِ بِاللَّيْلِ، يَقُولُ فِي السَّجْدَةِ مِرَارًا: «سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ، وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ، بِحَوْلِهِ وَقُوَّتِهِ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам кечаси Қуръон (оятлари) саждасида қайта-қайта: «Юзим уни куч ва қудрати ила халқ қилган, (ундаги) қулоқ ва кўзни очган Зотга сажда қилди», дер эдилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

Тик турган ҳолда саждага бориш мустаҳабдир. Тиловат саждасида ташаҳхуд ўқиш ҳам, салом бериш ҳам йўқ.

Қуръон тиловат қилганда сажда оятини ўқимасдан, тарк қилиш, уни ташлаб, кейинги оятга ўтиш, сажда оятига келганда уни ўқимасдан, тиловатни тўхтатиб қўйиш макруҳдир. Чунки у бу иши билан Қуръон назми ва тартибини бузади, ибодат бўлмиш сажда қилишдан қочган бўлади. Шунингдек, бунда Қуръоннинг баъзи жойини ҳажр – тарк қилиш бор. Бу эса дуруст эмас.

Сажда оятини тиловат қилганнинг ҳузуридаги кишилар таҳоратли бўлса, ҳаммага эшиттириб тиловат қилаверади. Бетаҳорат кишилар ҳам бўлиши эҳтимоли бўлса, махфий ўқигани афзал.

Қироати махфий қилинадиган намозда имомнинг сажда оятини ўқиши макруҳдир.

## ИЖОЗАНИНГ ТАЪРИФИ

Ижоза – Қуръонни ривоят қилиш учун устоз томонидан берилган лафзий (оғзаки) ёки хаттий (ёзма) изн, рухсатдир. Муҳаддис уламоларнинг наздида бу ижоза ҳадисни таҳаммул қилиш йўлларининг бири ҳисобланади. Қориларнинг наздида эса ижоза деб ижоза берувчи шайхдан (муқрийдан) ижоза олувчи толибга (қорига) Қуръон ўқиш ва ўқитиш учун бериладиган шаҳодатга айтилади.

Умумий қилиб айтадиган бўлсак, ижоза – Қуръони Каримни авлоддан авлодга овоз ила нақл қилиш амалиётидир. Демак, ижоза бериш устознинг «Ижоза олувчининг тиловати бир ёки бир неча ривоятга кўра юз фоиз тўғри бўлди», деб гувоҳлик бериши ҳамда унга Қуръони Каримни ўқиш ва бошқаларга ўқитиш учун изн (рухсат) беришидир.

## ИЖОЗАНИНГ МАШРУЪ (ШАРЪИЙ) ЭКАНЛИГИ

Ижозанинг машруъ (шаръий) эканлигига Аллоҳ таолонинг «Албатта, ушбу Қуръон сенга ўта ҳикматли ва ўта илмли Зот томонидан берилур» деган ояти каримаси далил бўлади.

Ушбу оятда «талаққий» калимаси зикр қилинган бўлиб, у икки кишининг учрашувини англатади. Демак, Жаброил алайҳиссалом Қуръонни Аллоҳ таолодан талаққий қилганлар, сўнг Жаброил алайҳиссаломдан уни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам талаққий қилиб олганлар, кейин эса саҳобаи киромлар уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан талаққий қилиб олганлар.

Имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ»ларида шундай ривоят қиладилар:

«Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анху Абдуллоҳ ибн Масъудни эслаб, «Уни ҳамон яхши кўраман, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг «Қуръонни тўрт кишидан: Абдуллоҳ ибн Масъуд, Солим, Муъоз ва Убай ибн Каъбдан олинглар», деяётганларини эшитганман», деган».

Зикр қилинганлардан иккиси – Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Солим ибн Маъқал муҳожирлардан эдилар.

Ижоза мужиздан (ижоза берувчидан) мужазга (ижоза олувчига) бериладиган шаҳодатдир. Бу шаҳодат қорининг қироатни чиройли адо қилишига, қироатининг яхшилигига берилган тазкиядир. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг баъзи саҳобалар ҳақида уларнинг қироати яхши ва чиройли экани ҳақида берган тазкиялари лафзий ижозадир.

## ИЖОЗАНИНГ РУКНЛАРИ

1. Мужиз – Қуръони Каримни тўлиқ ҳолда, тажвид билан ўқийдиган толибдан эшитадиган шайхдир.

2. Мужаз – шайхнинг ҳузурида ўтириб, ундан Қуръонни талаққий қиладиган толибдир.

3. Мужаз биҳи – Қуръони Карим, яъни Аллоҳнинг мўъжиз (оғиз қолдирувчи) каломи бўлиб, Жаброил алайҳиссалом воситасида набий ва расулларнинг хотами бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган, муҳафларда ёзилган, бизга мутавотир йўл билан етиб келган, тиловати ибодат саналган, Фотиҳа сураси ила бошланиб, Наас сураси билан тугаган улуғ Китобдир.

4. Санад – бизга Қуръони Каримни оғизма-оғиз нақл қилган кишилар силсиласидир. Уларнинг ҳар бири Қуръони Каримни ўзининг шайхига ўқиб бериб, ўтказиб олган бўлади. Шу залда силсила Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламгача етиб боради. У зот алайҳиссалом эса Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссаломдан, Жаброил алайҳиссалом эса Аллоҳ табарока ва таолодан қабул қилиб олгандир.

Куйида имом Ҳафсининг имом Осимдан қилган ривояти бўйича ушбу китоб муаллифига берилган ижозанинг нусхаси келтирилди.

# إِجَازَةُ الْقِرَاءَةِ وَالْإِقْرَاءِ

لِلْقُرْآنِ الْكَرِيمِ بِرِوَايَةِ أَبِي بَكْرٍ سُعَيْبَةَ بْنِ عَيَّاشٍ عَنِ عَاصِمِ بْنِ أَبِي النَّجُومِ،  
مِنْ طَرِيقِ الشَّاطِبِيِّ، وَرِوَايَةِ عَفْصِ بْنِ عَاصِمٍ مِنْ جَمِيعِ طَرِيقِ طَيْبَةَ النَّشْرِ.

## ﴿ إِبْرَاهِيمُ ﴾

﴿ رَاحَةُ رَحْمَةِ رَبِّهَا الْأَمْرُ وَالصَّحْفُ الشَّيْخَةُ ﴾

﴿ إِبْرَاهِيمُ بْنُ أَبِي بَكْرٍ وَقَدْ بَلَغَ مِنْ عِبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدٍ الْفَرَجَ ﴾

﴿ وَالَّتِي تَلَقَّتْ هَاتَيْنِ الرِّوَايَتَيْنِ عِنْدَ الشَّيْخَةِ الْكَرِيمَةِ ﴾

﴿ إِبْرَاهِيمُ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدٍ الْفَرَجِيِّ ﴾

وَهِيَ عِنْدَ الشَّيْخِ الْكُتُوبِ / عَلِيِّ بْنِ مُحَمَّدٍ تَوْفِيْقِ الْبُخَارِيِّ، بِإِجَازَةِ أَبِي إِسْحَاقَ مَوْلَى السَّيِّدِ الْعَسْكَرِيِّ،

﴿ وَالشَّيْخَةُ الْفَاضِلَةُ / أُمِّيرَةُ بِنْتُ عَبْدِ الْمُحَمَّدِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ أَبِي طَالِبٍ السَّيِّدِيِّ ﴾

## ﴿ إِبْرَاهِيمُ ﴾

﴿ خِطَابَةُ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ الْأَوَّلُ بِكِسْفَانِيَّةٍ ﴾

﴿ الشَّيْخَةُ / الْأُمِّيرَةُ خِطَابَةُ بِنْتُ مُحَمَّدٍ الْبُخَارِيِّ بْنِ مُحَمَّدٍ تَوْفِيْقِ ﴾

﴿ ١٤٢٨ هـ \* ٢٠٠٦ م ﴾



\* تَوْضِيْحُ الشَّيْخَةِ /  \* خَتْمُ الشَّيْخَةِ /

Куйида имом Варшинг имом Нофеъдан қилган ривояти бўйича муаллифга берилган ижоза нусхаси келтирилди.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

(إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ)

## إجازة


بقراءة وإقراء القرآن الكريم

برواية ورش عن الإمام نافع المدني

من طريق الشاطبية



المجيز



فضيلة الشيخ/كمال الدين وزير محمد محمد سيد

الأفغانى ، المقيم بواغظ ، محافظة غزنة

المجازة

الشيخة الفاضلة/ أدينة خان محمد الصادق محمد يوسف

واللة الموفق والهادي إلى سواء السبيل

## ҚУРЪОНИ КАРИМ УСТОЗЛАРИГА ЭСЛАТМАЛАР

Нима учун Қуръони Карим ва тажвид дарслари талабанинг тўғри тиловат қилишига ва унинг аҳкомларини амалга татбиқ қилиш борасидаги интилишларига фойда бермай қўйган?

Нима учун Қуръони Карим ва тажвид сабоқлари эътиборсиз қолиб, талабаларнинг ғайрат ва тафаккури камайиб кетган?

Нима учун Қуръони Карим ва тажвид сабоғи ўз қийматини йўқотган?

Нима учун баъзи муаллимлар уни бир қолипга солиб, фақат топшириқ бажариш ва вазифа беришга айлантириб юборишган?

Нима учун талаба нафақат ўрта, балки олий таълимни тамомлаганидан кейин ҳам Қуръонни тажвидли ўқишга, ҳатто тажвидсиз ҳам тўғри ўқишга ожиз бўлади?

Ушбу саволларнинг жавоблари биз муаллимларнинг Қуръони Карим ва тажвиддан дарс беришдаги хатоларимизни билишга имкон беради. Улар қуйидагилардир:

1. Муаллимнинг зарур бўлмаган шарҳларни кўпайтириб юбориши ва талабанинг диққатини жамлай олмаслиги.

2. Муаллим ва талабаларнинг дарс асносида тажвид аҳкомларига қатъий амал қилмаслиги.

3. Талабаларнинг зеҳний ва илмий даражаларига риоя қилмаслик ва уларнинг савияларидан юқори бўлган тафсилотларга шўнғиб кетиш.

4. Талабалар ҳукм ёки қоидаларни фаҳмлаб олмай туриб, улардан ёдлашни талаб қилиш.

5. Шарҳ тугаши билан ўқувчилардан қоида ёки ҳукмни китобдан ўқишни талаб қилиш. Аслида муаллим бу вақтни машғулотларга сарфлагани афзал.



6. Оғзаки ва ёзма машқларнинг камлиги, тажвидий бойлик бермаса-да, фақат китобдаги мисоллар билан кифояланиш ва ундан қоида чиқаришга уриниш.

7. Муаллимнинг талабалардан мисол ва қоидаларни дафтарга ёзишни талаб қилиши. Бу вақтни машқларга сарфлаган афзал.

8. Муаллим томонидан талабалар онгига Қуръони Карим ва тажвид илми қийин деган тушунчанинг сингдирилиши.

9. Муаллимнинг илқо қилиш ва анъанавий йўллар билан чегараланиб қолиши, натижага эришиладиган асосий йўлни ва бошқа йўлларни қўлламаслиги.

10. Муаллимнинг имтиёзли талабаларга диққат қилиб, заифларга диққат қилмаслиги.

11. Муаллимнинг турли воситаларни қўлламаслиги ва талабаларни тажвид ва Қуръони Карим тиловати ёзилган медиамаҳсулотлар сотиб олишга ундамаслиги.

12. Қуръони Карим ва тажвид илмини бошқа исломий тарбиявий фанлар соҳаларига боғламаслик.

13. Оғзаки эмас, фақат ёзма машқлар билан чекланиш ва уларни мунтазам равишда текшириб бормаслик.

14. Ўқувчилардан оғзаки ёки ёзма бўлсин, хатони тўғрилашни талаб қилмаслик ва буни назорат қилмаслик.

15. Иқтидорли талабани синфда рағбатлантирмаслик ёки яхши баҳолар қўйиб, дарсга бўлган иштиёқини оширишга уринмаслик ва уни қўллаб-қувватламаслик.

16. Талабаларни дарсда фаол иштирок этишга, ҳукм, қоида ва фойдалардан хулоса чиқаришга ундамаслик.

17. Сабокқа тайёрламаслик ва унга қизиқтирмаслик.

18. Хато қилган талабани бошқалар олдида уришиб, кескин қоралаш ва айблаш.

19. Талабаларнинг уйга берилган вазифа ва топшириқларни бажармаслиги, дарсларга нисбатан бефарқлиги.

20. Муаллимнинг фақат баъзи хатоларнигина тўғри-лаши, баъзи хатоларга аҳамият бермасдан ўтказиб юбо-риши.

21. Қуръони Каримнинг қийин калималарини ва тажвид истилоҳларини талабаларнинг онгига, савияси-га мослаб, фаҳмлашларига ёрдам бериш учун замона-вий, кенг оммалашган лафз ва мисоллар ила осонлаш-тирмаслик.

22. Қуръони Карим ва тажвид мартабасининг етук аҳамиятини, фан мақсадларини билмаслик, унинг мар-табасини юқори қўймаслик ва уни улуғламаслик.

23. Қуръони Карим ва тажвид сабоғини енгил-елпи олиб бориш.

24. Қуръонни гўзал овоз билан, ўзига хос адо этув-чиларнинг обрўсини кўтармаслик, талабаларни уларга эргашишга қизиқтирмаслик.

25. Талабаларни тинглаш, кулоқ солиш, сўзлашиш ва муноқаша одобига ўргатмаслик. Булар Қуръони Ка-рим одобларидан бўлиб, осон ёдлашга ҳамда маънола-рини фаҳмлашга ёрдам беради.

26. Мадрасанинг энг гўзал қорилиги ва ҳофизлиги учун мусобақа уюштирмаслик.

27. Қироат қилаётган талабани хатони зиёда қила-диган даражада ноўрин тўхтатиб қолиш.

Қаср тариқи. Ҳусайнхон қори	
Яҳё Абдулмажиддан тухфа .....	191
Шотибий тариқи ва мисбоҳ қаср	
тариқи орасидаги фарқлар жадвали .....	195
Қаср назми .....	196
Тиловат саждаси .....	197
Ижозанинг таърифи .....	202
Ижозанинг машруъ (шаръий) эканлиги .....	202
Ижозанинг рукнлари .....	204
Қуръони Карим ва тажвиднинг баъзи	
муаллимларига эслатмалар .....	207
Хотима .....	210
Манбалар рўйхати .....	211

Одинахон  
Муҳаммад Содик

# МУФАССАЛ ТАЖВИД

*Муаллиф рухсатисиз нусха кўчиришнинг  
барча турлари, кўпайтириш ва сотиш  
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

«HILOL-NASHR» нашриёти  
Тошкент – 2018

Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содик*

Муҳаррирлар: *Хусайнхон Абдулмажид, Нодирбек Хидиров,  
Абдулбосит Абдуллажонов, Барно Саидрахмон*

Арабча матн мусахҳиҳи: *Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф*

Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*

Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*

Муқова дизайнери: *Нажотбек Жўрабоев*

Мусахҳиҳ: *Ғиёсиддин Юсуф*

**Нашр лицензияси № АІ 235, 13.02.2013 йил.**

Босишга рухсат этилди 25.10.2018. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ .  
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 12.5.  
Шартли босма табоғи 10,5. Адади 10000 нусха.  
Буюртма № 86. Баҳоси келишилган нархда.

**«Hilol-Nashr» нашриёти босмаҳонаси**  
100185, Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5  
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478  
<http://hilolnashr.uz> e-mail: [info@hilolnashr.uz](mailto:info@hilolnashr.uz)

